

ФАХРИЁР


АЁЛГУ

3)



CH0000034652





84(543)  
9231  
Qian/Min  
Jen/Se  
T., 2000

928026

20000000

84(543)

оғз1

Отам Насриддин Низом ўғли ва  
онам Хосият Қоплон қизига

ФАХРИЁР

# АЁЛҒУ

шебърлар ва достонлар

небі шет жын



Nizomly nomli  
T D P U  
kutubxonasi

928 026



Канда яшамасин одамзод, асли  
Сапиңжүмөн, Рұмо ә Шошқанд.  
Аслида биттабадыр тоғакшының қасби:  
Дөрак зұлкөң жаңынан оғанынан.

84(543)  
φ 31

ФАХРИЁР

# АЁЛГҮ



ТОШКЕНТ  
«ШАРК»  
НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
2000

Сўзбоши муаллифи:

*АХМАД А'ЗАМ*

Nizomiy nashriy  
T D P U  
kutubxonasi

**Фахриёр.**

Аёлғу: Шеърлар ва достонлар (Сўзбоши муаллифи:  
Ахмад Аъзам. — Т.: «Шарқ», 2000. — 256 б.

ѓз2

## ШЕЪР — НОМАЪЛУМЛИККА ТАНИШ ИШОРА

«Аёлғу» — гаройиб сўз: тарихнинг оҳанги келади, канакадир чўл, канакадир тарих, эски бир чолгуми, билмайсан, ишқилиб, нимасидир таниш, илғайман деганингда илинмайдиган бир кизик маъно, нимадир таниш-нотаниш.

Таниш-нотаниши нарсанинг ўзи шеър дегани. Ҳамма томони, ҳамма маъноси таниш-тушунарли бўлган равон, музайян сўз — аслида шеър эмас, шунчаки уқтириш, ёки сен яхши биладиган маъно билан сени яна бир карра чиройли таништириш. Шу, холос. Бу ҳам балки керакдир, ўзинг яхши биладиган, ҳар куни сұхбатлашадиган одаминг билан бугун бўлиб, ёдда қолмайдиган, шунинг учун эртага яна қайтариладиган ҳамишаги сұхбат.

Шеър — номаълумликка таниш ишора берадиган, номаълумликни ўқиганнинг кўнглида давом эттириб, факат унинг ўзигагина мужда нарсаларни очишига турткі, муҳлиснинг кўнглидаги унинг ўзи учун янги фикр. Шу маънода, бир шеърдаги мухаббат — бу минг мухаббат, минг одам ўқиса, шунча мухаббат түйфуси. Лекин маъно таниш бўлса-да, яна тўлигича айтилса, бу атиги бир шеър, холос.

«Ечилмаган кроссворд каби катаклари бўм-бўш қафаснинг. Бўм-бўш қафас қафаслар ичра чиройлиси, энг гўзали, энг...» — энг... нима? Шеърда шу «энг» ҳам бор, ҳам йўқ. Ҳис қилганга бор — унинг кўнглида ўзи уйғонади, бошқача ҳис қилганларнинг кўнглида бошқача уйғонади, уйғониш — шахсий: «Умуман, рўй бермас воқеа, Рўй бергучи менман, умуман. Мени излаб юрар моҳият...», мухаббатга ўхшаган. Ҳамма севади, лекин ҳамма бир аёлни эмас, ҳамманинг кўнглида шахсий минбари бор, яхши шеър шу минбарга таклиф қиласи.

«Ҳаёт, сен шаробсан, майсан бир сузим...» — бир сузим туйғу таъсир қиласи, ҳар кимда унинг ўз тасаввурини ўйғотса — шу шеър «мени излаб юрган моҳият» бўлади. Мана, бир мисол: «Кўнгил куйиб бўлди, инчунун, ўзгачадир мазмунни дардинг...» Бунга бошқа шеърдаги сатрлар боғланади: «Энг..., энг...» имконият чегарасидир, уни фақат шоирлар бузар».

Яна «аёлғу»га кайтсак, «излаб тополмаганим аёлгу олиб ҷалолмаганим чанқовуз чолиб чанқовузнинг бўғзидан куйлар қаталаб чиқар...»

Шу ерга келганда нимадири ойдинлашади. Балки бу ростдан ҳам чолғудир — юрак чолғуси, ҳаркалай нимадир кий бор: излаётган ҳамма нарсани: мухаббатни, эътиқодни, умуман ўйга таянч бўлган бир Туйғуни излаётган кўнгилни тушуниб эмас, англаб бошлайсан. Фахриёрнинг шеърларини ўз кўнглингда давом эттирасан, тўғрироғи, ўша аёлғу тахайюлингда бир сузим-бир сузимдан туйғу — таассурот ўйгота бошлайди: «ой юзинг додларига қараб йигладим учәётган ру-

ҳимнинг темир қанотларига тевралар армон кўз ёшлиаримдан қанотлари ивиб кетган мутаассиб юрак шакарлари тўкилиб кетган янтоқнинг устида жавраб ўлтирап ва яширап қанотларини ичига эътиқод каби аzonда аzon йўқ ҳазон бор муаззин ҳазон»... Яъни ўша кадим чолгу чалина бошлайди; бу куйнинг тиними йўқ, узилмайди, нафас ростламайди, гоҳ тे-ран, гоҳ юзалаб, гоҳо сўзга кокилиб, кокилганди инграб, гоҳ кўтарилиб бир сингрокда кетади, шунинг учун хам унда сатрнинг бошламаси, сўзнинг тиниши, одатий тўхтамлардаги катта ҳарфлари хам йўқ, худди нотекис ўзанда оқаётган битта тошкіндек қўйилиб келаверади...

Мен Фахриёрни кўлдан бери танирдим, шеърларини ўқиганман, ўзи билан кўп гаплашганман, лекин «Аёлғу» муаллифи, барибир, менга нотаниш бўлиб чиқди янги шоир сифатида. Яна янгиликка кириб бораётган шоир сифатида унинг изланиши йўлидаги ўзгача суриниш-тойишларини хам сезгандек бўлдим. Менга айрим шеърлари, баъзан сўз танлашда оши-кишлари шундай туюлди. Лекин у, барибир, шеърнинг шундай сакта жойларида хам ўзидан узоклашмайди, сўз ясашларида хам навқиронлик бор – топганининг у ёғида яна нималар борлигини билишга ошиқади ва, табиийки, айникса кўнгил гўзаллигидан шошган одам буни гўзал айтмайди, шуниси билан хам самимий. Яна шеър балки шудир...

Харқалай, Фахриёрнинг шеърлари кўнгил хуши учун роҳат килиб ўқийдиган эмас, аргумокнинг дагал ёли тортилган камонча билан чалинадиган согза менгзайди, балки аёлгуси шудир; кўнгилни безовта килади, тирнайди, титади, фикрни туртади: тарих ҳакида, эътиқод ҳакида, мухаббат ҳакида, табиат ҳакида, умуман, Ўйғоқлик ҳакида одамни ўзи билан ўзини баҳс килишга далда беради. Фахриёрнинг янги шоирлиги хам балки шудир.

Шеърни тушунтириш кийин, бир одамнинг изохи – бу битта тушунча, минг одам минг хил ўйлади ўқиганда: «Уму-ман, рўй бермас воқеа, Рўй бергучи менман, умуман. Қофия лар қиласи таъқиб, Бўғмоқ учун шайланар бўгин. Пойлаб юрар қайдадир таъқиқ, Кўтаргизар гоялар тугин. Мен улардан қочайин қайга? Қай жанубга кетайин учиб? Бирор кимса кутмаган жойда Тўсатдан рўй бермоқлик учун!» Шеър шу – тўсатдан бир одамнинг дилига келағидан, бошқа одамнинг дилида тўсатдан рўй берадиган! Битта мен шундай тушундим. Сиз-чи? Бунга жавобан тўпламдаги шеърлардан таассуротингиз билан ўзингиз топасиз кўнглингизда.

Албатта, тўпламга сўзбоши ёзганда «энг...» деган мактov айтгингиз келади. Лекин «Аёлғу»га шу мактov шарт эмас, менингча, чунки ундаги шеърларни ўқиб-макташ ўқиганларнинг ўз иши бўлиб қолади. Сиз хам бир ўқиб кўринг. Мен ўқиганда шу хаёлларга бордим, сиз ўқиганда ўзингиздаги бошқа – теранрок хаёлларга борсангиз керак.

Аҳмад АЪЗАМ.

# ДАРДНИНГ ШАКЛИ



\* \* \*

Хаёт, сен шаробсан, майсан бир сузим,  
Йигирма түрт йилки түймадим, аё.  
Юрап май ичинда фуссалар юзиб,  
Соқиё, аиш қаён, уқубат қаён?

Гоҳо түйиб кетар севгимдан аёл,  
Күз ёшлар түйдирап — ичгум бир ўзим.  
Мен сендан, барибир, түймасман, ҳаёт,  
Күзинг оч, күзим оч. Очкүзим — күзим.

Тахир бир шаробсан, о ширин хаёт,  
Сабрим косасига сени қуярман,  
Ичарман күз ёшни ичганим каби,

Тотинг унутмагай ёдим умрбод,  
Сени қуяр жомим, нимкосам — сабр.  
Мен унга аёлнинг исмин ўярман.

1987



## **ТОНГТИ РЕГИСТОН**

Азон айтар муаззин минорлар,  
фалон йилки,  
карвонсиз саройлар ва хонакоҳлар,  
бари-бари бойкүшнинг мулки.

Барча ухлар, йўқсил, хотиржам,  
тонг уйқуси руҳафзо.  
Этатларда чарчаган элга  
ухламоқ афзал.

Кўрпаларга илдиз отади  
унинг уйқуси.  
Йўлбарс ҳайдаб кетар бир кеча  
охуларин туйқусдан.

Ибодатга чиқмайди ҳеч ким.  
Мустабид сахар  
кимсасиз шаҳарда  
юлдузларга беради заҳар.

Кечани эса у  
кудукка ташлар.  
Кейин ухлаётган раият устидан  
хокимият юргиза бошлар...

Тонг отади Регистон узра,  
гумбазларга чўқади осмон.  
Яна дўст бўлади тунги душманлар,  
гулга айланади яна ёсуман.

Яна бир кечани тонглар отади...

1987

## АКСИЛФАЛСАФА

Макон йүк,  
замон бор.

Бордир замонда  
ижарага турган моддиюн авлод.

Замонга бокмаган авлод ўзидан  
худо тортиб олган маконни  
кайтариб беринши сүрар даходан.

Бирок даҳо тангри эмасдир,  
унинг қўлида  
факат ғоя бор.  
Тирикчилик қилиб бўлмас ғояда.

У макон эмас,  
замон ҳам эмасдир бокқанинг билан.

1989



## АКСИЛЭКОЛОГИЯ


Пайхон қиласар одамни экин,  
ташбих надур, далаларнинг ўзи бий.  
Чўллар уни қувлаб боради,  
ё раббий.

Одам кетиб борар,  
худоларга етмайди доди.  
«Кизил китоб»га уни

ёзмокка эса

йўқ экиннинг саводи.

1985



\* \* \*

Одам тарошламок бўлсангиз тошдан,  
тошни силанг,  
имкон қадар кўргазинг меҳр.

Тошлар фақат шафқат олдида  
ҳимоясиздир.

Тошга гуллар тутинг,  
нимпушти гуллар —  
шафқат рангидаги гулларни тутинг.

Тош, албатта, чўзар кўлини,  
гулингизни олар,  
кўлингизни ўпар,  
йиглаб юборади, ишонинг, шу тош.

1983

## **ХУРЛИК**

Ечилмаган кроссворд каби  
катаклари бўм-бўш қафаснинг.  
Бўм-бўш қафас қафаслар ичра  
чиройлиси, энг гўзали, энг...

1984



## НАҲОТКИ

Наҳотки,  
пайкални  
уммондан бўлак  
менгзайдиган ҳеч нимарса йўқ?

Наҳотки,  
шу оппок мавжлар остида  
ётар чўкиб кетган кўхна тамаддуи?

Наҳотки,  
Туркистон  
Атлантида сўзининг  
таржимасидир?

Наҳотки...

1988

\* \* \*

Сени сендан изладим,  
йўқсан.  
Эгалари кўчиб кетган уй каби  
бўм-бўш турибсан.

Фақат ташландик уйда  
эсдан чиқиб қолган мушук мисоли  
кўксингни ичдан  
тирнар бир нима...

1990

## КУТАЁТТАН ОДАМ

### I

Гунох эрур эндиги софинч,  
Гарчи софинч сотқинлик эмас.  
Хиёнат ҳам эмас бу софинч,  
Демак, менда гунох йўқ, демак...

### II

Софинч менинг Ватаним эрур,  
Қароғингдай мӯъжаз бир Ватан.  
Энди унинг чегарасини  
Мен баҳтлардан қўриб ётаман.

Агар софинч фукаролигин  
Қабул этмоқ қасдида атай  
Бирорта баҳт баҳтимга қарши  
Чегарани бузса дафъатан,  
Мен азалий удумга кўра  
Шафқат қилмам у нобакорга,  
Қиладурман уни сазойи,  
осадурман ваёки дорга.

### III

Кутаётган одам кутмас ҳеч қачон,  
унинг кўзлари  
ямлаб ташламайди  
ташрифи кутилган одам йўлларин.  
Кутаётган одам бешафкат,  
зиндоинга ташлагандай  
кутган одамини солар ёдига,  
ёинки  
тушларига камаб қўяди.

Ва сўнгра  
эсидан чиқариб юборар  
қамоқ муддатини ўтаб бўлган  
махбус эркка чиққани каби,  
эсдан чиқиб у тўппа-тўғри  
кутаётган одамнинг қошига келар.

1989

## ЭКОЛОГИК ШЕЪР

Дарё,  
сени қандоқ чўмилтирамиз,  
қайда ювинарсан, булғанчик дарё?  
Ҳаммомга олиб борайинмикин,  
кайнок сувдан қўрқармисан ё?

Лойқам менинг, булғанчим дарё,  
елкангга совунлар суриб қўяйми?  
Елканг қани, беяфингинам,  
елканг йўклигига куяйми?

Дарё,  
сен заҳар ичгансан, хастахонага  
олиб бормокликнинг ўзи бир фурбат.  
Шаҳар-ку нотаниш, қишлоқда эса  
бир хастахона бор ва у хам тирбанд.

Дарё,  
имтиёзлар гувоҳномаси  
сенда йўқ-ку?  
Навбат сафлари харёк.  
Дўхтирларга навбатда туриб  
куриб кетмасмисан, касалманд дарё?

1985

Nizomiy nomli

T D P U

kutubxenasi

928 026

## **ХОТИРА МАШҚИ**

Сен шеърни қўй, шоирларни қўй,  
Кўз ёш — малол, муҳаббат — маҳол.  
Сен қасд эмас, қасосингни суй,  
Сен яхшилаб нафратни ёд ол.

*1988*

\* \* \*

Умуман, рүй бермас воқеа,  
Рүй бергучи менман, умуман.  
Мени излаб юрар мохият,  
Колиш излаб юрар бегумон.

Қофиялар қиласы таъқиб,  
Бұғмок учун шайланар бүғин.  
Пойлаб турар қайдадир таъқиқ,  
Кұтарғизар ғоялар туғин.

Мен улардан қочайин қайга?  
Қай жанубга кетайин учиб?  
Бирор кимса кутмаган жойда  
Тұсатдан рүй бермоқлик учун!

1989

\* \* \*

Күлларим бүм-бүш.

Күтартмокчи эдим бошимга сени  
шу күлларимда.

Энди бүм-бүш күлларимни  
бошимдан баланд  
күтаролмай яшаяпман.

Бүм-бүші күллар оғирлиги.

1988

## **СУЛУК**

Даҳоға талпинма, даҳодан талпин,  
Маънисин унутма қадим оятнинг.  
Даҳолар – жодугар, фоялар – фолбин,  
Кўзларин боғлайди инсониятнинг.

Кўлларидан тутгил устоз ҳаётнинг,  
Сифинчга – сифинчдан – бошлагин, қалбим.  
Тазарруъ тозартса бизни, шоядким...  
Кўхна туркуларни шивирлар лабим.

Куфрдан излабон Ҳақнинг висолин  
Ҳарис фояларга таланганд устоз  
Ортимдан эргашар шогирд мисоли...

Яна тупрок бўлар алданган ақл,  
Шамоллар рух бўлиб қайтажаклар боз.  
Дардларим кийина бошлайди – шакл.

*1989*

## **АРАФА**

Деворга осиғлиқ қилич  
зангларини тұқа бошлади.

Яраклай бошлади тұсатдан  
янги ой шаклида.

Лекин девор қизил эди.

*1990*

\* \* \*

Кимнинг жилмайишин олдим ўғирлаб,  
Кимнинг табассумин тортдим юзимга?  
Бегона табассум сиғмади, зўрлаб  
Тортавердим уни лекин ўзимча.

Фалокат кўргазди шунда бўй-энин:  
Бир чети йиртилди табассумнинг «шарт».  
Сири фош этилган жосусдай мени  
Бехос таниб қолди излаб юрган дард.

1986

\* \* \*

Хиёнат қилолмас ҳеч ким пулчалик.

Дүстлик бўлиб туюлар, ҳатто,  
ғанимлар душманлиги  
душманлиги олдида пулнинг.

Қирқ газли шамшир билан  
кесиб бўлмас пулнинг бошини.  
Дарвоқе, пулнинг боши йўқ,  
унга бош бермаган қизғанчиқ эгам.  
Йўқса, сал инсофга киравмиди у,  
ўйлаб қўрармиди...

1985

\* \* \*

Вақт бизни күнгилчан қишдан айирди,  
ҳаммаёқ қор эди, юмшоқ ва гуртук.  
Момик поёндозда юрган шох каби  
биз қорни тепкилаб бемалол юрдик.

Бу ёғи баҳордир, баҳор бешафқат,  
ҳатто йұлакларда қызғалдок унар.  
Энди яшаб бұлмас гулларни тоитаб,  
бош билан юрмокни қилмасак хунар.

1987

## ЗЕРИКАРЛИ ШЕТЬР

Сиз билан баҳс қилмам, Демосфен,  
хотириңгиз жам бүлсин, тақсир.  
Үзни оқламокчи әмасман,  
сүз ҳам менга әрмак әмасдир.

Оқлик фариштага ярашар,  
деворларга ярашар оқлик.  
Сүзамоллигига яраша  
оқ бүлишга сиздайлар хақли.

Лашкар бүлган сүзлар сиз учун,  
енгиб берган рақибиңгизни.  
Не баҳсларда улар шон қучиб,  
күтаришган бошига сизни.

Мен эсам, мен сүзларни бошга  
күтараман...  
Үзгадир мақсад.  
Балки, шундан йүриғим бошқа,  
балки, шундан мағлубман аксар.

1988



\* \* \*

Баҳор ҳеч нарсани эсдан чиқармас.  
хар сафар гул қўяр  
хар бир қабр пойига.

1988



\* \* \*

Сенда айб йўқ, биламан,  
кетмоқчи эмасдинг қошимдан.  
Сени авраб олиб кетди йўл,  
лаганбардор йўл.

1988

\* \* \*

Сиз уни қўкларга кўтарманг бунча,  
нима ҳам қиласиз гунохга ботиб?  
Сабри чидамайин учгунча,  
исташиб парвозни,  
учаман до-оо-дд, деб,  
Заминга қайтолмай юрганлар озми?

1985

\* \* \*

Йиллар ўтди.  
Шоир айтмоқчи:  
Мұхаббатнинг сочи оқарди.  
Күнгил куйиб бўлди,  
инчунун  
ўзгачадир мазмуни дарднинг.

Энди, хатто, ҳеч қачон, ҳеч гап  
бўлмагандай ўртада худди  
қариб қолган мұхаббат хақда  
сўзлаш мумкин бемалол, жиддий.

1986

## КУЗГИ ШЕР

Турналар құшиғи — әнг маңыс құшиқ.  
Үндан-да мунглироқ куйлаши мумкин  
факат шоирлар.

Хазонлар шитири — әнг сүнгги товуш.  
Навбат — шоирларга!

«Әнг..., әнг...» имконият чегарасидир,  
уни факт шоирлар бузар.

1985



## **КУЗДА**

Сариқлик — тош ранги,  
ялмоғиз тошнинг.

Оғирлаша бошлар япроқлар —  
тош рангига ишқибоз улар,  
тошларнинг ёнига тушгиси келар.

Үғлиниң, шаҳарга кетаман, деган  
хархашасин тинглаётган онадай  
безиллаб турибди дараҳт.

Вахолонки, ҳар қандайин тош,  
хатто, күнгил учун ҳам  
япроқлар ўрнида осилиб  
турмас ҳеч қачон.

1983

## ШАККОК ТОШ

Сиртига сув юқтирмаган тош,  
Сен шаккоксан.

Гапнинг рости-да.

Неча йилки, қуруқ ётибсан  
Оқаётган күз ёш остида.

1986

## **КҮРГАЗМАХОНАДА**

Биз деворга, ром остига  
үтган кунларни осиб қўямиз  
(ром очиб чиқади бизни).

Сўнг осиғлиқ үтган кунларни  
томуша килишни яхши қўрамиз.

Томошага кетган вакт эса  
кўчага ҳайдалар.

Боиси:  
ҳеч қачон томошабиндан  
чиқмас қаҳрамон.

1985

\* \* \*

Мұхаббатнинг күйләги оқдир,  
уни хар тун тушларимда киясан.  
Үңгімда эса...  
тошнинг оқлигига қараб йиғлайман.

1987

## ТАДБИРКОР ОДАМ

### I

Энди мен бошқатдан бошлайман  
барини, барини, барини.  
Кўзларимдан юлиб ташлайман  
ўсиб кетган нигоҳларимни.

Ўзгартаман дунёкарашни,  
ташаббуслар билан чиқаман.  
Оқизмайман беҳуда ёшни,  
кўзларимга пахта экаман.

Хар йил уч юз олтмиш беш карра  
хосил олиш мумкинdir кўздан.  
Ўз ҳолича ўсар, у зарра  
захмат талаб этмайди биздан...

### II

Мухими шу: оғзим тикилган  
сўрамаслик учун сиздан қарз.  
Кўзларимга пахта экилган —  
шундай гўзал бизнинг ҳаёт тарз.

Мухими шу: қарзларга ботиб,  
юрмам емакка нон ахтариб.  
Тириклик киламан сотиб  
кўзларимдан чиқсан пахтани.

1989

## **ХАВОТИР**

Вақт сахроси.  
Кетиб бораётган тоғлар карвони.

Бурнидан ип ўтказилган  
тоғлар карвони.  
Ортига ўгирилиб қаролмайдиган  
тоғлар карвони.

Дарвоқе, юқ:  
тошларни келажакка  
ташиб кетмоқда тоғлар.

*1986*

## **БАХОРГИ ҲИЖРОН**

Бойқуш, бокма, қўзларингни юм,  
Биласан, йўқ хароба деган.  
Демак, энди, демакки букун  
Сабаб йўқ сен кувонадиган.

(Юрагимни оламан қўлга...)

Хароба деб мени қистама,  
Бу куз эмас, бир парда паст туш.  
Бу баҳордир, атроф гул, чаман,  
Кетгин, бевакт ташриф килган қуш.

(Яшираман ортимга уни.)

1985

## **МАНЗАРА**

Баҳор-да.  
Тошни күкартгиси келади ҳатто,  
яшил байроқ күтартыргиси  
келар унинг минорага ҳам.

Баҳор-да.  
Қаҳри келса, қаҳри күп ёмон.  
Күкармаган нё бўлса,  
унинг нафратига бўлгуси дучор.

Булутли кун.  
Кўкармаган минорани  
осди булутга,  
олиб қўйди остидан ерни.

Булутга осилиб турар минора.

1984

\* \* \*

Юрак узлатнишин Яссавий каби  
ёлғончи дунёни кечириб яшар.

Юрак —  
Усмон Носирга  
                  ҳаётлигіда  
берилған яккаю ёлғыз мұкофот.

Юрак қүшдір.  
Қафас билан бирға туғилған  
қүш.

Патларини қонға ботириб  
шөърлар ёзар ОЗОДЛИК ҳақда.

1987

• • •

Шаънингиздан ўзга бир шаън йўқ —  
Куйланмаган, мақталмаган шаън.  
Лол этасиз бир сиз ҳаммани  
Гулдайин пок шаънингиз билан.

Кўшиқ, ҳатто, шеър бўлса ҳамки,  
Айтиб бўлмас, йўқ, шаънингизга.  
Оқ кўйлакка теккан доғ каби  
Ярашмайди мақтовлар сизга.

1986

\* \* \*

Бахтиёр бўлишим мумкин эмиш,  
Шундай ёзилганмиш пешонамга.  
Лекин мен  
ӯқиёлмадим  
ӯша ёзувни.

Кўзгуга қарадим.  
Пешонамга ёзилганлари  
тескари кўринар эди кўзгудан.

1988

## ЁЗИҚ

(овоз чиқарыб ўқымаслик шарты билан)

Гулнинг косасига қуийб ичар Вақт  
мени лиммо-лим.  
Жоним курбақага айланади:  
ВАҚҚ!  
Ким,

девмикин, жонимни қирк фариштага  
нимталаң нонушта хозирлаётган.  
«Карнай бұлсин иштаха».

Ой эса ботган.

Ботқокларга ботиб қолган Ойнинг оёғи,  
қаталайди нилуфар.  
Юлдузлардан шуълалар соғиб  
унга ичиради парилар — куффор...

Нилуфар күйлагин бозорга солар,  
Тангасин санайди сув парилари.  
Бозорга айланар Солор,  
Тун — ярим, ярим тун, тун — ярим...

Нилуфарнинг күйлагини сотиб олгани  
Есуманнинг нафақаси етмайди.  
Колган  
гулларнинг матохи ұтмайди.

Хасаддан қуийб,  
корни оғриб қолган сабурлар  
тұвакда үтириб чиқар тун бүйи.  
Минг йилда бир гуллайдиган қуманжир  
жабрдийда...

Уннинг тиконига бұлмас харидор  
кирпи — Ван Гог (әссиз) —  
соч-соқоли пахмок чолдевор  
құлғон кесиб,  
юборади кунгабокарга.

Кунгабоқар бокмас қайрилиб.

Тонг — чолдевор оқаар.  
Айрилик, айрилик, айрилик...

Вақт мени ичади, ичади,  
боши гир айланар, айланар.

Бу кеча, бу кундуз кечади,  
най-на-най, най-на-най, най-на-най...

Хаво ун<sup>үн</sup> тортади — худо бехабар! —  
сархуш вақтнинг бошида.

Буғдойини тортиб олар.

Табарий  
тарих битар ғорнинг тошига.

Тарих — гуноҳлар — турнакатор.

Ёзикқа термулар кўр(савод) сичкон.

Девнинг ҳарамидан қочган қурбақа ҳам  
ғорга келиб битикларни хижжалар, не тонг!...



Тўзғиб кетар асрлар —  
қасирға.

Фор кетади ўрнидан туриб —  
кудуқ.

Қулоғига симоб сингари эриб,  
қурбақа дудук-  
ланиб ўқиётган тарих сингади:

куррр,  
куррр,  
куррр...

...Дедал учиб боради,  
дедалуслар термулар.

Икар учиб боради,  
«икарус»лар ўрмалар.

Паровозлар бари  
пишқирад тутаб.  
Филдиракларин  
хиқиҷоқ тутар,  
и-и-к-карр,  
и-и-к-карр...

Қарғалар  
қарғанар:  
карр-и-карр,  
карр-и-икарр...

Хамманинг күзи осмонда,  
Осмонга тикилар йилқилар...

Нега учмас зарғалдоқ,  
нега қарға қарғанар?  
Қайда қолди Марғилон,  
қаёнларда Фарғона?

Икарр.  
Халойик  
осмонга күз \* тикар.  
Малоик

күрингас. Икардан бошқа  
учаётган бир кимарса йўқ.  
Бургут қани? Қашқал-  
доққа тегдимикин ўқ?..

Халойик лол боқади  
кўл узолмай ёқадан.

Қанотлари қирқилган  
сандувочлар чирқиллар.

Уялари кетмоқда ёниб,  
сув таший олмас.  
Кизилиштон иштонин  
бўяб олган яшилга...

Қарғалар  
қарғанар:  
карр-и-карр,  
карр-и-икарр.

\* Кўзларим сўйлашни ўрганди,  
энди зарурмикин менга бу тилим?

ба  
Сулаймон наси      истаб келади  
хат  
раззок қарғаларнинг ортидан.  
Лекин элаги  
қарғишларга тұлар ёрти кам:

каррр-и-каррр,  
каррр-и-икарр...

Девор — кар,  
эшитмас.  
Кудук — фор,  
бешикмас.

Бу ерда моялар  
етмас вояга.

Шу ерда узилар ривоят,  
ривоятлар этади давом.  
Ёзиклар — гоҳ сурә, гоҳ оят,  
кулок тутар сичқонлар — авом.

Кунгабоқар қулоқни тунда  
фор — қудукқа ташлаб юборар.  
Камиш униб чиқади ундан,  
ё раб...

Бозингар ютган қилич сингари  
кудукинніг бүғзига қамиш қадалар.  
Чүпон йўқ битта най ясаб олгани,  
қишлоққа қайтмади ҳали подалар.

Хотамни синагани  
Аржуна  
шахид бўлган Синадан  
куруқ қайтар ўтинчи чол  
бол-  
таси хуржунида.

Саройда ўтии йўқ, Каъбада — санам,  
бутларни синдирган Иброҳим — осий.  
Осий бўлсанг, мабодо, сен ҳам,  
Ҳак ўзи ёрлакасин.

Намруд  
амри:

— Ўтда куйдирилсин осий Иброҳим!  
Кудукдаги қамишни  
ўриб келар роҳиблар.  
Курбақа Билғамишни

уйғотади — уйғонмас сира.  
Ўзи сув келтирап Намруд ўтига.  
Ўт гурламас, гуркирар  
Хадича момомнинг ковак тутидай.

Камишлар гул бўлар, бақо гуллари  
(курбақа — Афлотун),  
илон ташиб кетар уларни,  
Билғамиш — фафлатда.

Худолар фафлатда қариди.

Илон пўст ташлар —  
ёшараётган орийни  
ташна  
килар осиёй қон,  
алъамон!

Фиръавнинг тобутидан ўрмалаб чиккан  
илон  
куёшнинг белига чирмашар.  
Пуштини сўради,  
лак ва лак ўғлон  
белларидан сидрилиб тушар.

Гўрлар қисир — Ватан хароба —  
тупроқ тортар ўйик кўзига.  
Тортилмайди ароба.  
Илон пуштни суртар юзига.

Парига айланар, у бир парирўй,  
шохнинг ишқи тушгудай.  
Эртан тўй бўлади, базми Жамшид тўй.  
Хоҳлама, худой.

Худо хоҳлар, келади қирон.  
Қалдирғочлар сотилиб кетар.

Ариларнинг тиллари бийрон,  
тар-  
танакнинг оёғи фалаж —  
улов.  
Сибирларда қолиб кетар, ё фалак! —  
юракдаги маъжусий олов.

Оловга исинар набийлар қабиласи,  
валилар,  
ходийлар,  
солиҳлар,

олтин қазиб чарчаган —  
зулфиқори белкурак Али,  
шамшири чўкич Темир,  
дошқозони аравағалтак Яссавий.

Искандар \*лар тулпор — тобутин  
миниб ер остига кирав,  
совути  
совийди тупрок ўрнига,  
кўз ўрнига ўйилар чиганоқлар,  
бosh чаноғи  
оёқ бўлар мустабиднинг қўлида.

Оёқ тўла конга ботар унинг мур <sup>ут</sup> лари — ол!  
<sup>ид</sup>  
Заххоклар улийди,  
мияхўр шоқол.

Манқалда хотира пиширас Зардушт,  
боласининг миясин чақиб...  
Набийлар — фарзандкуш, уммат — падаркуш,  
хотира очлиги қилади таъкиб.

---

\* Шохона тобутдан ташқари  
чиқазилган жаҳонгир қўли,  
ибрат эмас, туялар менга  
унинг сўнгги найранги бўлиб.

Садақага чўзилган қўлни,  
воажабким, соддадил авом,  
ўтса ҳамки минг йиллар,  
бизга ибрат қилиб кўрсатар ҳамон.

Урён Одам Атонинг  
занжир ўтказилган бурнидан  
лаззат симиради аъёnlар,  
чаёнлар.

Илон кийиб кетган пўстинин,  
анжир тортиб олган авратпўшини.  
Пиймасини ўзи берган қуёш – дўстига.  
захга бериб ётар түшини.

Бор бисоти талангандар  
Одам Ато – қаландар.

Гина эмас, соғинч \* бор  
унинг ашуласида.  
Мутойиба, ўкинч бор.  
Йиғлагинг келадир, гоҳи куласинг:

«Вақтнинг боши – ёрғучок,  
Вақтнинг боши тегирмон.  
Ўтин тердим бир қучок,  
Ҳаво, ёпиб бергін нон...»

Нон қил десам, қуюқ қилар,  
Ош қил десам, суюқ қилар.  
куйдим хотиннинг дастидан...»

Ҳаво ун тортади,  
Ҳаво ун тортади...

1991 – 1996



\* Тахрир килиб бўлмас соғинчни,  
кўчириб ҳам бўлмайди окка.  
Ў – вараги йиртилган китоб,  
у хамиша мухаббат хақда.

Соғинч баҳтмас кўникмок учун,  
сабр ҳаммас, зар бўлса таги.  
Соғинч асли видодан сўнгги  
кутмаётган одам эрмаги.

## УЧ БИТИК

### 1

Дараҳтланар узлатгир боғлар,  
Адирларда яшил издиҳом.  
Юракларда ишқланар доғлар,  
Мусибатлар арир — куз деган...

Майсаларнинг қиёқ тилида  
Тошлар эрир новвот мисоли.  
Михларни суғуар қўлидан  
Масиҳ баҳор шаҳид Исонинг.

Қўзигуллар қуёшни әмар,  
Илон каби изғир печаклар.  
Ялангоёқ туарар — бой әмас —  
Пулларига қўйган чечаклар.

### 2

Борлик — матал, йўқлик ҳам — матал.  
Гиёҳлар — эрк — тўшалган гилам.  
Гуллаб ётар шу мўъжаз Ватан  
Кўллардаги кишани билан.

Етказса-да шохга жарчилар  
Ўйламасдан айтган ҳар сўзни,  
Бегонадир тасарруф гарчи,  
Бахтиёр сезасан ўзингни.

Бахт — муҳаққак, қайғу — омонат,  
Муҳаббатинг, гарчандки, осий.  
«Фажр» ўрнига гарчи тумонат  
Қалдироchlар ўқийди «Ёсин»...

### 3

Хиёнатни билмайди баҳор.  
Чилвир сочли қиз каби маъсум.  
Бунда мавжуд ҳар битта оҳанг  
Айриликлар янглиғ муттасил.

Баҳорники эмас айрилик,  
Баҳорники эмас бу видо.  
У ғамингга бокмас қайрилиб,  
У баҳтингдан қилмагай жудо.

Ҳеч ким билан иши йўқ унинг,  
Ўз ҳолиҷа гуллаб ётади.  
Сен баҳорга тош отган кунинг  
Дарахтлари куртак отади...

Унинг сенга хизмати холис,  
Тушларингни Ойга ичирап.  
Баҳтга қарши, ўнг келиб қолса,  
Ижобати учун кечирар.

Хиёнатни билмайди баҳор...

1991

## **ИМКОНИЯТ**

Имконият — дастёrim менинг,  
югурдагим — имконият.

Хар куни күзимни очишим билан  
үсіб кеттан умидларимни  
қиришилаб күяр.

Армонларни суғорар хар кун.

Дон сепади хижрон қушига.

Лекин хар замон  
ақл ўргатади у аблак менга:  
— Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, —  
дейди масалан.

Менинг жоним чиқар.  
Шунда у лаънатига  
ёдлатаман шиорларни,  
токи у ўргансин ушбу замонда  
яшашнинг маъниси мақолдан эмас,  
шиордан иборат эканлигини.

Ойни этак билан ёпишни бизга  
мақол эмас, шиор ўргатар.

Демак, мақол эмас, шиор кенгайтар  
Имконият имкониятини.

1985

## БАХШИННИНГ СЕВГИСИ

(XIX аср)

Сангижумон элида Раҳимбойнинг Махфират исмли бир хурлиқо қизи бор эди. Кўнгилнинг кўзи кўр эканки, мўйлаблари эндиғина сабза уриб келаётган Собир бахши ўзидан 2–3 ёш катта шу хурлиқони суйиб қолибди. Лекин у бой-бадавлат хонадоннинг қизи эмасми, шу ялангоёқ мени ўзига тенг кўрдими, шу ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдак менга кўнгил қўйдими, деб гапни узиб юбормоқчи бўлибди.

Бахши зоти ўр бўлмайдими, барибир, ўз билганидан қолмабди, хурлиқонинг қўлини сўратишини қўймабди. Киз ҳам, йўқ, дейишдан чарчамабди.

Кўнгил кўр бўлса-да, нозик бўлади, ўр бўлса-да, ноzik бўлади. Кўнгилнинг ёши, кўнгилнинг қариси бўлмайди.

Куйгани қўшиқ бўлибди, суйгани қўшиқ бўлибди бахши шўрликнинг.

На кўргулик тушмиш менинг бошима,  
Қон йигладим, дунё чўмди ёшима,  
Ёр, юрагинг Сангижумон тошима,  
Нечун ёшим сен катори бўлмади?

Октов ёқдан от дупури келади,  
Даралари гумбурларга тўлади,  
Паризод, бу сенинг совчинг бўлади,  
Нечун ёшим сен катори бўлмади?

Ёшим дарёсига чўкиб бораман,  
Дардимни сен эмас, тошга ёраман,  
Энди бир вужудмас, минг бир пораман,  
Нечун ёшим сен катори бўлмади?

Кўнглимдай совийди тунлар тупроғи,  
Кўксимга ботади Ойнинг ўроғи,  
Кошингдай кародир зулмат сўроғи,  
Нечун ёшим сен катори бўлмади?

Фаним йўқ, юрак – ишқ қальаси вайрон,  
Сўрокдай эгилдим, эгилдим ёмон,



Энди мен сўрокман. Жавоб йўқ замон,  
Нечун ёшим сен катори бўлмади?

Сен кетарсан ўзгаларга ёр бўлиб,  
Мен коларман бунда зору зор бўлиб,  
Бир дунёмас, икки дунё тор бўлиб,  
Нечун ёшим сен катори бўлмади?

Тақдирлари қўшилмаган экан, қизни тўю томошалар билан ўзга юрга келин қилиб олиб кетишибди.

Собир бахши куйиб-куйиб, куйлаб-куйлаб қолаверибди.

Кунлар ўтибди, ойлар ўтибди, йиллар ўтибди, лекин қайтиб бошқага кўнгил кўёлмабди.

Бахши-да, қартайиб колганига қарамай, давраларнинг гули, йиғинларнинг булбули бўлиб юраверибди. Бир куни ундан ёлғизлиги сабабини сўрсалар, кўнглига қўл солиб кўрсалар, дўмбирасини тиринглатиб, йиғин ахлига қаратиб, бир сўз деб турган экан, яъни будир:

Юрак экан, юраклигин килди-да,  
Нотенгига кўнгил кўяр бўлди-да,  
Омад экан, ўзгаларга кулди-да,  
Мен куйганим стар икки жаҳона.

Болаларим, мендай ҳеч зот куймасин,  
Нотенгига асло кўнгил кўймасин,  
Мұхаббатнинг насибасин киймасин,  
Мен куйганим стар икки жаҳона.

Не алпиларни ишқ таҳтига ўтқаздим,  
Куйлай-куйлай муродига етказдим,  
Ўзим бўлса, умримни тоқ ўтқаздим,  
Мен куйганим стар икки жаҳона.

Тенг тенгини топса, қандай яхшиидир,  
Ёр вафоли бўлса, асли баҳт шудир,  
Сизлар куймант, куйган Собир бахшиидир,  
Мен куйганим стар икки жаҳона.


Иттифоко, шу йиғинда Махфират момо ҳам бор экан. У бахшини танибди. Овозидан-да. Шу кеча у ўтмишни эслабми, бахшининг ўзисиз кечган ёлғизлигига раҳми келибми, ишқилиб, туи бўйи йиғлаб чиқибди.

Биз бахши эмасмизки, уларни муродига етказсак...

\* \* \*

Корни бирор марта түймаган шу Йүк  
зарбофт түн ҳақида ўйларми сира?  
Ва ҳечса мингямоқ жандасини у  
тескари киймокни ўйлаб кўрарми?

1989



## БЕЖАВОБ ДУНЁ

Кўзларим сўйлашни ўрганди,  
энди зарурмикин менга бу тилим?

\* \* \*

Ўз-ўзига маҳлиё одам  
кўзгу денгизига ўлганда чўкиб,  
собик хусни йиғларми  
унинг жанозасида?

\* \* \*

Тушларимдан чиқарми мен севган аёл?

\* \* \*

Йиги, сени қандоқ кулдирай?

\* \* \*

Нега байроқдай ҳилпиарар  
бўм-бўш енги собик жангчининг?

1987

## ОЙ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир вақтлар у қүш әди —  
хұмо.

Бошлар ҳам бор әди у құнадиган,  
бүйин ҳам бор әди — қылғулик тумор.

Бир кун уни тутиб олдилар,  
бошчасини узмадилар, йўқ,  
кесмадилар у қўнган бошни,  
хонумонин бузмадилар, йўқ.

Солмадилар, ҳатто, қафасга,  
ундан тухум сўрамадилар.  
Тортмадилар гўштини сўйиб  
султон учун тамаддига.

Уни тутиб оёқларидан  
патларини чархга тутдилар.  
Күшнинг танасидан тирқираб  
қонлар оқишини кутдилар.

Қон оқмади. Пўлат патларни  
чарх кукундай тўкиб ташлади.  
Чархланган хұмо  
Ойболтадай яраклай бошлади...

1990

\* \* \*

Бизлар узок чекиндик олға,  
Енгавердик... мағлуб бүлгани.  
Енгиб бүлдик, мағлубмиз энди,  
Гулиқашқаҳ йўқдир кулгани.

Пахта эса, пахта кулмайди,  
Маймун эмас йиғлагани у.  
Хушомадлар келмас қўлидан,  
У — шаҳаншоҳ, бадқовок мангу.

Тишларини вақт қокиб олган  
Бадсиёқ бир мўйсағидир шоҳ.  
Ўз-ўзидан аёнки, демак,  
Тишникимас, қўзники бу ок.

Ҳеч вақо йўқ пайкалдан бўлак,  
Куздан бўлак ҳеч нимарса, ох!  
Пахта эса ютқизик учун  
Далаларга тикилган байрок.

Бош ўрнига кўл берди бизга  
Ватан манфаати учун худой.  
Қўнди ҳайкалларнинг бошига  
Бошимизни топмаган ҳумой...

1986

\* \* \*

Тун кечар, кун кечар,  
бу юрак хун кечар,  
мунг кечар – гунг кечар.  
Ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

Қароқлар – кароқчи,  
нигоҳлар – алдоқчи,  
ишқ – хато, ишқ – ҳақчи.  
Ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

Севгани фармондир,  
алдандим – армондир,  
зормандир, хормандир,  
Ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

Тушларим қонайдир,  
ичаман – талх майдир,  
мен севган гул қайда?  
Ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

Мұхаббат – айдахор,  
юрак ер ҳар баҳор,  
адодир у наҳот?  
Ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

Күнгил фазосида,  
күнгил қасосида –  
күнгил қазосида  
Ойнинг гуноҳи бор,  
ойнинг савоби.

1999

\* \* \*

Ёлғизликни кияман.  
Ёлғизлик — урфим менинг.

Бирок уни мен  
күзларни күйдирмок учун киймадим.

Ёлғонлар ялтираб турганда,  
айниқса,  
хушомадлар кийганда ипак,  
ёлғизлик — ҳақиқатнинг  
ночор кийган одми күйлаги.

1988



## ИЛОНГА ҚАСИДА

Илон —  
дунёдаги энг кичик,  
узунлиги бир қулоч дарё.  
Таассуфки, ҳеч ким буни  
Гиннес китобига рақам этмаган.

Оқиб кетаётган илон узунлигини  
үзи билан олиб кетар ҳамиша,  
йифиштириб кетар үзини,  
бекуда чұлларга қараб оқмайды.

«Сиёсий иқтисод»дан  
бирор соат сабоқ олмай туриб ҳам  
иқтисодни билади илон.

Ифлослантирмайди сувини,  
лекин унда чүмилиш хавфли.

Илон үзанинн үзи белгилар...

Илон — қарлуғоч тилинда  
ёзилган бир мисра шеър.  
Мен уни үкій олмадим.

1988



## ОНА СОФИНЧИ

Кўзлари тўрт бўлган онам ёнидан  
Томларга югуриб чиқар қизғалдок  
Менга йўл қарайди уйнинг томидан.  
Тўрт қиблага туташ йўл. Бари — алдок.

Шамоллар юлқийди қўйлакларини,  
У томдан тушолмас менга йўл караб.  
Онамнинг сочидаги соғинч қарийди,  
Хувиллаб ётади менсиз тўрт тараф.

Онам кўзларига қарай олмаган  
Томонлар юзига деворни тутар.  
Ариқлардан оқиб келган олмалар  
Қизчамнинг қўлларин соғиниб кетар.

У ҳали билмайди, дунёда унинг  
Қўлларин соғинган олма борлигин.  
У ҳали билмайди, қишлоқда кунин  
Бувиси йўлига интиқ, зорлигин.

Тош тушган сувдаги ҳалқоблар каби  
Қиблалар қизғалдоқ кўзидан қочар.  
Сўфи бўлолмаган тўргайлар — набий,  
Менинг келмасимдан фол, ромлар очар.

Шу фолни ёлғонлар қилмоқлик учун  
Кишлоққа талпиниб яшайди кўнглим.  
Мен бир кун қайтаман, келарман кўчиб.  
Онамга қарашгин, қизғалдоқ синглим.

1991

## **АХЛОҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ**

Парвардигор қўлларига яширган  
бир нарсани бандасига кўрсатди.  
Бу эс эди,  
таниди одам.

Ва бошини урмоклик учун  
девор тиклай бошлади.

1988

ДУНЁСИМА

1

Гуноҳлар кун-бакун ўсадир.  
Буғдой ўғирлашдан бошланган гуноҳ  
букун Хиросимадир.  
Замин гувоҳ, замон гувоҳ...

Гунохлар ўсмоқда, ўсмоқда улар.  
Оғирлашаётган Заминнинг вазни  
энди бир хўкизга оғирлик килар.  
Ўсаётган гунохлар вазмин.

Гуноҳлар аёлни пахтага ҳайдар,  
Гуноҳлар — пахтанинг тарозибони.  
Аёлнинг вақти йўқ. Бизларда Ойдан  
бўлак ҳеч ким рақс тушмас «Оразибон»га...

Гуноҳлар ўсмоқда,  
                          ўсмоқда улар.  
Улар ҳам дев каби, аждархо каби  
болаларни еб кун кўрар.  
Келажак буркитиб чекмоқда жабр...

2

Синдириңг минг йиллик таассубларни,  
генохларга ҳайкал күйинг, одамлар,  
улар асраб қолар күпларни  
фано сари сүнгги қадамдан.

Тошга айлантириңг гунохингизни,  
тош гунохнинг күзларин үйинг,  
иктисод қилинг күзни,  
яхшиликка асраб қүйинг.

Келажакни күрмасин  
гунохлар токи,  
токи улар омон юрмасин,  
имкон топинг,  
имкон топинг.

Дунёсима,  
алҳазар,  
Дунёсима!  
Гуноҳларга ҳайкал қўйинг...  
Эҳтимол, мен осийман,  
аммо ҳаёт қалтис ўйин...

1987

## **ХХ АСР ОДАМИ**

Тұхтадим.

Күланка йүлимини тұсар,  
Наҳотки, бу ўзимнинг соям?  
У лаҳзама-лаҳза ўсар,  
Дам-бадам каттарар

тун каби ғоят...

Олд — зими斯顿. Юриб бұлмас.

Хайрона турдим,  
Ортга қараб (муздай тер босди танимни),  
Кувиб келаётган юракни күрдим,  
Юрак ўзимники эди.

Танидим...

1990



\* \* \*

Менинг вазифамга кирмайди шеърга  
Тиқилинч шаҳарда уй топиб бермоқ.  
Урҳо-ур, оломон тўпланган ерга  
Кирмасман шеър учун мен қилич сермаб.

Агар халқ олдида, жамоат жойда  
У шакл киймаса, менда не гуноҳ?  
Тўғри, у оқ эмас, тушмаган Ойдан  
Оёқларин узати-иб шундоқ.

Хозир замон бошқа, даврлар бошқа,  
Ўзи учун ўлади етим.  
Майли, бошларини урсин у тошга,  
Йўқдир ундан тилим қисиқлик еrim.

Унинг бурчин ўтамасман, хулласи калом,  
Мана, чўкса, дарё, учса, осмон.  
Дорнинг оғочига бермасман салом,  
Кўйинг, шеър ўрнига сиз мени османг...

Сўйлаганим – изхор, баёнот эмас,  
Гарчанд дилимдагин айларман баён.  
Изхор шеърларимга хиёнат эмас,  
Гарчанд ёзиқларим худога аён.

1990

## **КУЗ ЁМФИРИ**

булут билан ёмфир иккови хамкасаба айниқса кузда бирок ёмфир тўкилмагандай хазонлар хам ёғмас хеч қачон таҳрирталаб ўхшашлик бор булут билан ёмфир ўртасида шу лахзада гужум соясида шеър ёзаётган шоир булут кўланкаси ва йўлбошчилигига йўлга чиқсан пайғамбарга ўхшайди жуда лекин шоир кузги ёмфирга ўхшаб баргрезонга тақлид қилмайди ёмфир хазонларнинг холини кўриб мунғайиб олади дафъатан сўнгра баҳордагидай шовуллаб эмас эзилиб ёғади шўрлик ким билади дейсиз балки у хам суюк сурәётгандир яратилажак одам атонинг тупроғига ўттиз тўққиз йил ёққани эсига тушгандир эҳтимол унинг ёмфир шўрлик тушган кузнинг аробасига хазонлар қўшиғини айтмасдан иложи йўқ энди эзилиб шоир чиқмас куз ёмфиридан

**1990**

## ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ

нукта тиниш белгисимас сиз ўйлаганча шоир айтганидай ўлим ҳам эмас у арқондир бир учидан кўринаётган таранг тортилган аркон

ундов эса дор устида лангарсиз томоша кўрсатаётган дорбоз у ўзига шу қадар ишонадики мувозанат сақламоқ учун қўлларин ёзмоқни эп кўрмас хатто

сўроқ белгиси дордан пастга қараётган дорбоз

кўпнуқта ҳар куни кийимини алмаштириб киядиган олифта шоирнинг хотини кирларини куритмоқ учун ёйған учта дор

тире бу тахта бу тахтадан кўнгил қушига уя ясад бериш мумкин

иккинукта қоралама дафтар чизифи шеър ёэса бўлади баҳор хақда масалан бу чизикларга

вергул тухумини ёриб чиқаётган жўжа

қўштириноқ буюклар қамалган турма деди соқчилари уларга эрк бермас гўё ҳали сиёсий маҳбуснинг қамоқ муддати тугамагандай

қавс янги чиқкан ой ёнбошига қайрилиб юлдузларга қараётган ой

ва ниҳоят нуктали вергул унинг қиёси йўқдир йўқсил каби факат вазифаси бор

1989

## **БАЙРОҚ**

кузатаётган аёлнинг қўлидаги рўмол байроқдир висол билан ҳижроннинг чегарасига тикилган байроқ садоқат байроғи лекин висол билан ҳижрон чегарасини бузмоқ учун бу байроқни йиқишиш шарт эмас ҳижронзада аёл рўмолини ўпиди йиғлайди юзлар байроқдир илк марта севилган қизнинг юзлари байроқ каби олланар ғолиб мухаббатнинг байроғи мағлуб мухаббатнинг байроғи кимнинг қўлин ўпсанг ўша қўл байроқ одам ҳам байроқдир бошга кўтармоққа арзиса гар у одам нени ўпса байроқдир ўша бошга кўтаргани демакки байроқ

1989



Æ.ЛІFFY

\* \* \*

Мен — минг йил япрогин тўкмаган дарахт,  
Мезонга сочаман зардим — заримни.  
Минг йил ғаладонда сарғайган варак  
Шимади дилимнинг сиёҳларини.

Юракни толдирди шеърлар хижрони,  
Мухтасар умримда узун бир сукун.  
Тили кесилган сўз минг йил бу ёни  
Дилнинг рафторидан сўзламади — гунг.

Не-не хижрат ўтди, гуноҳлар ўтди,  
Ўтди мен енгилган бадр жанглари.  
Ёзмаган шеърларнинг хунлари тутди.

Энди мен баҳормас, ҳазон истарам.  
Кушлар уйғотмаган куз тонгларига  
Мен бир шеър истарам, аzon истарам.

1995

\* \* \*

Қайда яшамасин одамзод, асли  
Сангижумон, Румо ё Тошканд.  
Аслида биттадир юракнинг касби:  
Юрак эркка ихтисослашган.

1989



\* \* \*

Аёлни эсламоқ күз ёшдай оғир,  
видодай оғирдир уни эсламоқ.  
Күрғошин хаёллар әзади бағрим,  
жанда умидларга соламан ямоқ.

Аёлни эсламоқ муқаррарлиги  
келгуси кунларга илдиз ёяр, ох,  
бироқ бу илдизнинг на дарахти бор,  
на-да бир мева бор ва на бир япроқ.

1990

## АРМОН

Гул.  
Албатта, илохий.

Бүй етмаган бүй.

Бүй етмаган ҳар бир нимарса  
илохий бүлар, шубҳасиз.

1991

## ТУНГИ ТИЛАКЛАР

*Махбубага*

Фалакнинг кўзлари менсирап — хунхор,  
Мен қаён гизланай, ғам дашти ҳамвор,  
Бир кунда паймонам тўлади минг бор,  
Бир аёл сипқорар уни кечалар,  
Ичганлари нур бўлсин унинг!

Қайтадан оёққа тураман минбаъд,  
Бозорга солади бозургон қисмат,  
Набийларга талош бўлган мен — уммат,  
Бир аёл қунимга ярар нечалар,  
Кайгулари кўр бўлсин унинг!

Аёлни йиғлатиб, мени кулдириб,  
Кобирғам синдирса момогулдирак,  
Кўксимда қарсиллаб очилса юрак,  
Унга тортиқ этсан мисли чечаклар,  
Кўз ёшлари дур бўлсин унинг!

1991



• • •

Бир аёл ишқига бўйинсунган эрк.  
Мингта савдоси бор савдогар юрак.  
Бахт билан ўртада битта эшик — берк  
Ва битта қаноат удумга кўра.

Зарар кўрмаслик учун висолдан  
Хижрондан тикилган ҳимоя кийим.  
Сизни суюнтирадиган мисолдан:  
Кўнгил билан куйиб кул бўлган уйим.

Ичилиб бўлган май. Паймона — ярим.  
Чеккулик бир алам. Бир ўй — сургулик...  
Онажон, куйинма, буларнинг бари  
Фожиа эмас, оддий кўргулик!..

1987

\* \* \*

Ишим шу!  
Сиз менга халақит берманг –  
Гарчанд ўзга хилқат истайдир юрак –  
Бутун эл-юрт қараб турганда  
Мен ишончни оқлашим керак.

Бир күлдә чүткаю бир күлдә бүёк,  
Чопаман раият күрсатган томон.  
Ишончнинг қизарған жойларини мен  
Бүёк чаплаб оқартаман.

Ишонч эса ўжар – оқариб турмас,  
Оқлаган сари у оёғин тираг.  
Шиорлар осиғлиқ матах сингари  
Кизаришин қўймайди сира.

Мен ундан қайсарман. Тушун, севгилим,  
Кўряпсан, мен бандман, изҳорлар кейин.  
Ишқни-ку қўятур, шеърга вақтим йўқ,  
Оқлашим шарт.  
Бўлақол, кийин...

1987

\* \* \*

Ёшим дарёсида оқётган сандик,  
Күзим қирғоғида ғафлатсаро — мен.  
Оқиб кетаётган бахтиёр тантық —  
Сандикқа атайдан ётиб олган сен.

1989



## **ОҚЛАНГАН ОЛМА**

Мирза бўлса теракнинг оти,  
Лайли эмас, Мажнун бўлса тол.  
Демак, аёл — олма дарахти,  
Ўз-ўзидан, демак, у аёл.

Чеки йўқдир ташвишларининг,  
Рўзгор деган гаплар бор, ахир.  
Илдизлари юмушга унинг  
Ботиб кетган.

Бу ҳаёт — тахир.

Аёл банддир. Уни иш ютган,  
Вакт йўқ сочин қўймоққа тараб.  
У, ҳаттоки, бултурги тутган  
Пешбандини ечмабди, қаранг.

1988

## **БАХОРНИ ҚАРШИЛАБ**

Худди биринчи бор келгандай баҳор,  
Энди гуллаётган сингари гуллар,  
Дараҳтлар шу бугун кийгандай қабо –  
Эрк қучгани янглиғ оч, юпун қуллар,

Хеч ким қилмагандай ҳали хиёнат,  
Рұбару келгандай ишққа илк бора,  
Кулиб боққанидай йиғлоқи омад  
Бунчалар энтиқдинг, юрак бечора?

1987

\* \* \*

Энди мен кирмасман тушнинг тушига,  
Умид мендан умидин узсин.  
Оқ киламан күнгил қушини  
Сўзис.

Ҳасратларим ёввойилашар,  
Аламларим чекар ўзини.  
Юрак зиндонидан таъқиқлар оша  
Мен озод этаман «севги» сўзини.

Таранг асаб толаларимни  
Созимга тор қилиб тортаман.  
Шеър қиламан волаларимни,  
Энди мухаббатдан ортаман.

Олис Ойнинг истарасига  
Иситмайман муздай юракни.  
Яшираман қобирғалар орасига  
Ойга қараб ўсаётган титроқни.

Орзулардан ясай бошлайман армон,  
Софинчлардан — фариб бир гӯша.  
Унга бахтни қўймам хеч қачон,  
Мени сотган хоиндир ўша.

1989

\* \* \*

Ушбу кечам, ялдо кечам қорлидир,  
Оппок кечам, ойдин кечам зорлидир.

Дардим янги, қалбим қадим, ишқ қадим,  
Ойлара мен бошим уриб йиғладим.

Севганимнинг бағри, ёху, тошмидур,  
Юлдузларим юлдузмидур, ёшмидур?

Севганимнинг бағри агар тош бўлса,  
Юлдузларим юлдуз эмас, ёш бўлса,

Дардга чора этолмасман бу кеча,  
Мен тонглара этолмасман бу кеча.

1985

## ТУНГИ ЮРАК

Юрак кетиб борар,  
Кезгинди юрак,  
Гоҳида имиллаб, гоҳида қичаб.  
Юрагимнинг қадам товушларини  
Эшитиб ётаман хар тун, хар кеча.

Юрак кетиб борар тентиб, телбараб,  
Кўнгил кўчасида мендан бесурок.  
Сени излаб борар Самарқанд томон,  
Бечора уйингни билмайди бироқ.

Шўрлик кутишингга ҳамон ишонар,  
Мен эсам бор гапни қандоқ айтайин?  
Қандоқ тушунтирай унга видони,  
Ўзбекча билмаса, ахир, қайтайин?!

Нима деб аврайин, не деб эланай,  
Қандоқ қайтарайин бу йўлдан уни?  
Юрак кетиб борар...  
Начора, менинг  
Шу бебош юракка қолгандир куним.

1987



\* \* \*

Гулларим қонайди.  
Алвон гулларни  
менга раво күрмиш бу тақдир.  
Хижронрүй қизғалдок бұлди юпанчим.  
Аёл,  
сенинг гулларинг оқдир.

Сұзларим қонайди.  
Отилган қүшдай  
хар сұзимдан силқиб ётар қон.  
Сұзларнинг ярасин боғлаб яшайман.  
Аёл, сенинг сұзларинг омон.

Юрак-чи?  
Билмадим, у қайда ҳозир,  
қонарми,  
ёнарми,  
тонарми ишқдан  
ва ё севармикин сени у ҳамон,  
омон чиқдимикин бултурги қишдан?..

1990



## «УШШОҚ»

Күй.  
Күй?

Күйдин  
куйдим.

Кимни күйлар қадим мусикор,  
надин инграр надим мусика?

Күйлар қүйди, құшиқ күйди,  
мухаббатни құшиб күйди.

Сен қуймадинг,  
сен сүймадинг.

Бүгіндегі сұзлар шашқатор:  
мусибат,  
мусика,  
мусикор.

1990


## ТЕЗЛИК ВА ҲАРАКАТ

Тезлик — сув юзалаб чопаётган тош,  
ҳаракат түлқинлар мавжудлигидир.

Денгиз эса...

Осойиш кунлар  
эринчоқ түлқинлар,  
чўкиб ўлган түлқинлар  
мозорига айланар денгиз.

1984



\* \* \*

Эримас унинг ҳам бошидаги қор.

Елкасига тирмашар  
невараси альпинист каби.

Бутун бошли хонадон  
турар унга суюниб...

1990

## **ЮЛДУЗ**

Юлдуз хиёнатни билмас, бокира,  
эртага келаман, деб алдамас у.  
Юлдуз таманнони билмайди сира.

Келаман, дедими, келар, ишқилиб,  
унга тайинламоқ шартмас қайтадан,  
факат у келади келмоғин билиб.

Күзларни күйдириб юрмас күчада,  
ҳаёли жувондай боқар жимгина  
олис осмонидан сокит кечада.

Бахтиёр аёлдай жилмаяди у.

1985

\* \* \*

Орамиз булутли қундайин очиқ,  
нафратлар орага bemalol сифар.  
Кирлари куриган аёлдай меҳр  
дор — ишонч риштасин ўртадан йифар.

Кийиммас — бу дорга илингган матоҳ,  
чойшабмас — осилган куннинг қўрига.  
Агар у шўр бўлса, бизнинг шўrimиз,  
агар у оқ бўлса, демак, куриган.

1987

\* \* \*

Кечиргиси келар юракнинг  
кимнидир ё бирор гунохни.  
Букун унинг марҳамати кенг,  
сендек, илоҳим.

Лек гуноҳ йўқ. Ҳамма фаришта —  
малак янглиғ фикр юргизар.  
Илонга ҳам аълойи аршдан  
тушган каби меҳр кўргизар.

Балким, улар чиндан малакдир,  
хато мендан ўтган, эҳтимол.  
Бу ер эмас, балким фалакдир,  
балким, қибла, фарб эмас, шимол.

Кўқдан эмас, ғойибдан келар  
ваҳий келса ҳар бир малакка.  
Биздан фарқли ўлароқ, улар  
Ҳақ амрини қилмас калака.

Ошкор қилиб ўтирмас тангри  
берган ҳар бир фармойишини.  
Уюштирмас бунинг-чун хеч ким  
фаришталар намойишини.

Шаккок йўқдир. Яна қайтардим.  
Оҳ, недандир бу кўнгил тўлмас.  
Мен бир оят каби айтардим:  
фариштани кечириб бўлмас.

1989

## БЕШИНЧИ ДАРВЕШ

Бормай туриб қайтаяпман мен,  
қайтаётган садосиз акс.  
Самоъ эмас тушаётганим,  
зикр эмас, бор-йӯғи, рақс\*.

Лаблардаги мажруҳ табассум  
на кувончдир, на қайтиш шавқи.  
У бўйинга элпарварликмас,  
замонсозлик осган бир тавқдир.

Қайтаяпман, мазгилим йироқ.  
На мен Қайс, на йўллар – биёбон.  
Бу йўллар оқ эмас, қайтага  
оқ килинган поёнсиз ёbon.

Қайтаяпман қутган еримга,  
мени кутаётган одам... мен.  
Мен ва менинг ўртамиздаги  
оралнк йўл пахтазорга teng.

1989

---

\* Изоҳ: бизда хотирлар даҳрий,  
бекаму кўст топган тарбия.  
Инчунун, хаж фарз эмас, улар  
бориб келар фақат ҳарбийга.

## ЁЛГИЗ АЁЛ

Орзу килар бахтиёрликни,  
Бахтсизликни истайди жуда.  
Бахтсизликни ундан қизғанар  
Ундан бахтни күп күрган худо.

У йиғлайды, йиғламайды, йўқ,  
У кутади, хеч кимни кутмас.  
Худо бахтни олмайди ундан,  
Бахтсизликни эса ер ютмас.

Толе эмас, эрксизлик излар  
Тўрт томони қибла бу аёл.  
Унинг сарсон-саргардонлигин  
Овлоқдан жим кузатар ҳаёт.

Ҳаёт билан унинг иши йўқ,  
Кисмат излаб тўрт томон елар.  
Мен қилмаган гуноҳлар учун  
Ундан узр сўрагим келар.

1989



\* \* \*

Вазифаси бор ўлимнинг ҳам,  
Бордир унинг мажбурияти.  
Ишиори бор, бордир байроғи  
Ва, шунингдек, жумхурияти.

Вазифага кўра, кунба-кун  
Сидқидилдан ўлим яшарар.  
У – фуқаро. Бироқ на одам,  
На бир хайвон ва на ҳашарот.

У замонга терс борар, илло,  
Замон унга бокиб тўймайди.  
У яшарар – қарииди замон,  
Ўлим замон билан ўйнайди.

У яшарар. Мактаб ёшидан  
Йил – пўст эмас – ёшлар ташлайди.  
Ва беш яшар жужук ўлимча  
Бир боғчага катнай бошлайди.

Дев мисоли у бир юмалаб,  
Боғчадан ҳам ўтар нарига.  
Уни шўрлик оналар суйиб,  
Белар бўм-бўш бешикларига...

1986

## **ВАТАНПАРВАРЛИК**

Савобларим гуноҳдир менинг,  
гуноҳларим, ёзигим ҳалол.  
Ҳар кун намоз ўқиса бўлар  
уларнинг устида bemalol.

1989



\* \* \*

Бизнинг эътиқодда турмайди бу қүш,  
Бу қүш дахрий эмас, муслим ҳам эмас.  
Бу қүш насроний ҳам эмас, шунингдек,  
Такводор хиндудей мол гўштин емас.

Бу қүш ватанпарвар эмасдир, илло,  
Иссик ўлкаларга учиб кетмайди.  
Унинг, айтарлик иш қилмаса ҳамки,  
Беҳуда сайрашга вақти етмайди.

Бу қүш муаллиммас, фан номзадимас,  
Бизнинг тилимизни билмайди чунки.  
Бирок шу ҳолича дорилфунунда  
Бемалол эркдан дарс бериши мумкин.

1988

• • •

Хокистар хок истар — мусулмон,  
Тасаллилар — кулранг тажалли.  
Мұхаббат — хур, таҳайюр — ғилмон,  
Үлім енгиб берар ажални.

Бахт — қайғуни англамоқ учун  
Тангри сунган бир аёқ шароб.  
Мен уни олмайман, сиз ичинг,  
Йиғлаб күрмаганлар.

Зора...

Юзларимдан оқсоч изтироб  
Табассумни сидириб ташлар.  
Күз ёшларим — бир ҳовуч тупроқ,  
Ходий каби ҳижратга бошлар...

Хокистар хок истар, пок истар —  
Мұхаббатни — ювиб ололи...  
Хар кимнинг йўлига бир Яслиб музтар.  
Яллама, ёрим, яллола...

1991

## **БЕВАҚТ КҮЗ ОЧГАН БАХОДИР**

Баҳодир күз очар дунёга.

Озод қиласай деса, Ватан озоддир,  
Бахтли қиласай деса, миллат — баҳтиёр.  
Кетмон чопай деса, чұллар ободдир,  
Ҳамдард бұлай деса, куйлашар алёр.

Баҳодир күз очар дунёга.

Давронда қолмабди зарра адолат:  
Қаро кунлар әнди қайтиб келмайди.  
Күксини тирнайды аччик надомат:  
Баҳтиёр кунларга яраб бұлмайди.

Баҳодир күз очар дунёга...

1986

## ШОИР

Унга на шон керак, на бойлик, на зар.  
Зиналаб шеър ёзар.

Бор-йўғи, бори...  
Осмон чорласа ҳам унга ер афзал,  
Шоир зиналардан чиқмас юқори.

Унинг бир истаги:

(Майли, қай кимса,  
Шаънига номақбул сўз айтса, айтсин.)  
Кўқдан тушолмаган бирор-бир хумса  
Шеърий зиналардан заминга қайтсин.

1991



## **ТАҚРИЗ**

Кўлларида китоб тутиб  
ухлаётган одамни кўриб  
менинг ҳавасим келар  
бекор кетмаётган вақтига унинг.

*1986*

\* \* \*

Эрмак учун чўзилмаган қўл —  
Бир ҳовуч бор. Денгиз эса йўқ.  
Сув ҳам йўқдир шунга яраша.  
Ҳовуч қуруқ, ҳовуч қуп-қуруқ.

Агар недир ҳовуч ичинда  
«Йилтири» этса, сув эмас, ишон.  
Ҳовучларнинг энг кичиги ҳам  
Садақага тўлмас ҳеч қачон...

1988

\* \* \*

Шайтон қишки дарахтларнинг япроғи –  
карғаларга ёзар сураларини.

(Дафтар бўм-бўш.)

Карғаларни ўқий бошлар қаҳратон  
изиллаб.

(Кулокқа айланар деворлар,  
чолдеворни оқлаб бўлмайди.)

1993

## ИККИ ШЕЪР

*Саҳарда қон тупурсам, майли...*

Усмон Носир

### 1

Бу сахар фунчамнинг бағри қон,  
Қон туфларми фунчам бу сахар?  
Қай нобакор ва ғаюр бир жон  
Бу кеч унга юттирган захар?

Оғзидағи қон билан кулар  
Фунчам менинг, мағлуб мардгинам.  
Үлса ҳам у шундайин ўлар,  
Мағрур ўлар... Жувонмарггинам.

У йиғламас. Тонгнинг сўзига  
Ишонманг, у алдоқчи, қувдир.  
Шабнам эса фунча юзига  
Фаррош кеча сачратган сувдир.

### 2

Умр — шам, демишлар. Мукаммал қиёс —  
Бир бошдан яшайди умрини одам.  
Фақат шоир умри, фақатгина у  
Иккала томондан ёнаётган шам.

1988

## САНГИЖУМОНДА ЁЗ МАНЗАРАЛАРИ

Саратон.  
Дармондай қуриган сувлар.  
Булокларнинг кўзлари ўйик.

Сувсоқ сойлар илон каби биланглаб  
кетиб борар  
сувлок ерларга.

Бунда чанқамас қудуқлар фақат.

Ёзниг чанқогин кўриб,  
хижолатдан ерга кириб кетган қудуқлар.

1990



## СЕН КЕТГАН ЖОЙДА

Узилиб ётар бир энлик умид,  
қасамлардан бүшаган шиша,  
сариқقا чалинган видо мавсуми,  
йиртиб ташланган андиша.

Мұхаббатнинг пүчокларин бетиним  
фаррош шамол супураг.  
Кизармаган күкнинг бетига  
фавворалар тупураг.

Үриндик, қобирғалари қатор,  
гуллар панасиға ўрмалаб қочар.  
Йўлак бехуш йиқилиб ётар,  
Армон бола очар...

Энди армончаларга келсак,  
сайрга олиб чиқар уларни она Армон.  
Күшанды бахт қуши, бахт қуши эса  
учиб кетган жанубга томон.

1988



## **ЭРК САБОФИ**

Бүгзига тиқилған ҳақиқатдан ҳам  
одам үлиши мумкин.

Лекин бу үлим  
мағлубият дегани әмас,  
ғалаба ҳам әмас, шунингдек.

Ү — сабоқ, холос,  
эрк сабофи.

*1989*

\* \* \*

*Илхом Хасан хотирасига*

Севмаган ҳаётни севар чоғларда  
Жоним ханжар каби бүгзимга ботди.  
Навбахор аталган хазон боғларда,  
Не тонг, тонг ўрнига жудолик отди.

Бүгзимга тиқилган ҳаётни минг бор  
Күз ёшдай ичимга ютиб яшадим.  
Юрак — мутаассиб, юрак — такводор,  
Дүстлик аталгувчи эътиқод қадим.

Топганим дўст бўлди, дўст — йўқотганим,  
Мен уни излаблар қайга борайин?  
Надомат ичраги кўзларим — ғаним.

Кўзларни енгурман бир куни, тайин,  
Ўлимни эпласа бўлар, биламан,  
Лекин мен ҳаётни нима қиласман?!

1991

\* \* \*

Бир нимарса рүй бермокчидай,  
Үнгдан келаётган каби туш,  
Тиллари кесилган ҳақчидай  
Узо-оқ тин олмоқда Товуш.

Бу таққослар хатодир, балким,  
Бу сукутнинг мазмуни ўзга?  
Эҳтимол, у бутун бир халқни  
Сотмоқ учун шайланар сўзга?!

1988

## АДАШГАН БОЛАЛИК

Болалик-да.

Абдумалик иккимиз

Ўйнаб ўт қўйгандик қариган тутга,  
Тутанди,

тут ёнди, ёниб кетди тут.

Ўйинни ер ютди,

уни ер ютган

Эди, ха!

Тут ёнди, чунки ёнди тут.

Қўрқувдан қалпоқда сувлар ташидик

Ўйиннинг ўтини ўчирмоқ учун.

Ўчмади.

Йиғладик.

Биз бола эдик...

Тутанди.

Тут ёнди.

Чор-атроф янди:

Бармоқлар бигизга айланди шу кун.

Қўрқиб бигизларнинг санчилмоғидан

Қўзларни қўл билан яширдик нигун...

Барибир, бигизлар болалигимнинг

Жовдироқ қўзларин кўр қилди ёмон.

Сўнг кетдим шаҳарга.

Сўкир болалик

Кишлоқда адашиб қолди нотавон.

1986

## НАФРАТ ТАРБИЯСИ

Нафрат бўри эмас, bemalol  
Уни қўлга ўргатса бўлар.  
Унинг шайтон сиёгин қулоқ —  
Сифатида тугатса бўлар.

Хатто, унинг феъл-атворини  
Килмоқ мумкин одамбашара.  
Бунинг учун Буюк Ахлоқни  
Чорлаш кифоядир ҳашарга.

Ўргатилган нафрат — беозор,  
Зарар кўрмас жамоат мулки.  
Ундан, хатто, бандаси қолиб,  
Фаришталар олишар улги.

Истараси иссиқ нафратнинг —  
Баҳузур жон куйдириш мумкин.  
Шу тарбия эвази, унга  
Ёғийларни сўйдириш мумкин.

1990

\* \* \*

Ниманингдир олдида тош бор,  
Нимадир бор тошнинг ортида.  
Тошнинг кўзларида ёш бор,  
Ёшнинг сирти таранг тортилган.

Ниманингдир олдида ёш бор,  
Нимадир бор ёшнинг ортида.  
Ёшнинг кўзларида тош бор.  
Тошнинг сирти таранг тортилган.

Тош — насиба, ёш — шурлик қисмат:  
Ёш йиғланар, тошлар терилар.  
Умр — Ердаги тошни мисқоллаб  
Йифнамоққа кўқдан берилар.

Рух, таранглик — қарғиш, деб айтар,  
Майсалардай ям-яшил қарғиш.  
Биздан эмас, худодан қайтар,  
Қайтар бўлса, мабодо, хар иш.

Қарғиш гуноҳларни унутмас,  
Айникса, тош терилмагандай.  
Тошнинг ўлигини ер ютмас  
Унга ўлим берилмагандай.

1992



\* \* \*

Эгнимизда бир күйлак.  
Мен ва хариф.  
Бир дўстлик бизни куйлар,  
кўшиқ — ғариб.

Бўйнимизни чирмар бир ёқа,  
бир кўйлакка сиғмай қолдик, асосан.  
Илон бўлиб бўғар, бешафқат чакар  
қай бир пайғамбарнинг қонсираган асоси?

Эгнимизда бир кўйлак —  
алвон-алвон.  
Юракдан ташга бўйлар  
ёввойи алхон:

вали шафақ, сохиби кудрат  
таёгини дарёга ташлар.  
Сув ўрнига қон оқар минбаъд,  
томирлар қақрай бошлар.

Қон билан ювади чалажон элат,  
гуноҳ эмас, кўйлакларини.  
Кўйлаклар кўкармас ювганинг билан,  
эkkанинг билан-да, барибир...

1985

\* \* \*

Келдигим, келмагинг бунчалар қийин?  
Кулдигим, кулмагинг бунчалар қийин?  
Билдигим, билмагинг бунчалар қийин?  
Сүйдим, аллаёр-аллаёр,  
куйдим, аллаёр-аллаёр!

Бу кўнгил эмранди, азобим — билгич,  
висолинг фалаждир, хижронинг — келгич,  
табассум кўрмаган шикаста кулгич.  
Сүйдим, аллаёр-аллаёр,  
куйдим, аллаёр-аллаёр!

Бахтнинг дарвозаси занглаб ётади,  
юрак очилмоғин ангниб ётади,  
ортига ой ботар, юлдуз ботади.  
Сүйдим, аллаёр-аллаёр,  
куйдим, аллаёр-аллаёр!

Не найсон эдингки, абр келмади,  
қошинг қаросидан қадр келмади,  
на жаҳру на зикру садр келмади.  
Сүйдим, аллаёр-аллаёр,  
куйдим, аллаёр-аллаёр!

Кўнгил ойнасига кўз ёш тўкилди,  
фалакдан ой билан қуёш тўкилди,  
умид косасидан бардош тўкилди.  
Сүйдим, аллаёр-аллаёр,  
куйдим, аллаёр-аллаёр!

Дилдан юлиб олдим хар битта байтни,  
кулиндим, тилиндим, алёрлар айтдим,  
шояд тунларимга суйдигим қайтса.  
Сүйдим, аллаёр-аллаёр,  
куйдим, аллаёр-аллаёр!

1999

## **ХАЙРАТ АЙГОҚЧИСИ**

Мен тошни  
ёриб чиқажакман тошёрап каби  
тутиб бермоқ учун сизни ҳайратга.

Мен ҳайратнинг айғоқчисиман.

*1987*

## ОМАД

Мийиги бор омаднинг фақат,  
Мийигида кулиб қарайди.  
Шу бир қарич, бир энлик кулги  
Бирор қаро қунга ярайди...

Мен минг бора айтдим-ку сизга,  
Китиғи йўқ унинг азалдан.  
Ўқтин-ўқтин жилмаяр, холос,  
Янги турган каби касалдан.

1986

\* \* \*

*Ўтмиш оғрир.*

А. Вознесенский

Ўтмишнинг иссиғин ўлчамоқ учун  
камлик қилар симоб захиралари.  
Юзидан қон қочар, ранг борар ўчиб –  
сарғармоқда китоб сахифалари.

Ўтмиш тилдан қолган.  
Дардини эса  
ёзиб кўрсатади эски ёзувда.  
Биз ўқий олмаймиз. Ўргатгин, десак,  
Муаллим ҳарфларни ёзади сувга.

1986

\* \* \*

Ун бүлмаса хамки уйида  
Дехқон элагини сотмайди.  
Шикоятлар келмас ўйига,  
Бирорга арз қилиб ётмайди.

Очлик енгиб, ток бүлса тоқат,  
Икки дунё тор келса құзға,  
У зорланмас, сўкинмас, факат  
Элагини тутар оғизга.

1985

\* \* \*

Кўзим, осмонларинг бунчалар қаро,  
Нечун сен яралдинг ридоваш тундан?  
Сомончи тақдирнинг қанорларидан  
Тўкилган юлдузлар адашди унда.

Малаклар адашди, рухлар адашди,  
Топиб келганлари: юрак ва армон.  
Гарчанд бу қўзларим пешона эмас,  
Нечун мен худога, ишончга зорман?

Гулларим адашди мактуб мисоли  
Мухаббат аталган вайроналарда.  
Мен хокдан тўраган қақнус қуш каби  
Гулдан туғилмоқни истадим ҳар дам.

Шеърдан туғилмоқни истадим — осий,  
Фиштии сатрларда исён иси бор.  
Куйдан туғилмоқни истадим, илло,  
Қайдасан, асотир, кайда, мусикор?

Тушларим адашди Самарканд ёқда,  
Гарчанд ҳар кунжаги кафтимдай аён.  
Замонга қарғалдим, суюкларимни  
Итларнинг олдига ташлади хаёт.

Ё мен адашдимми қорачикларда,  
Кўзларим осмонмас, балким, сиёҳдон?  
Ё сиёҳ-ла қисматимни манглайга  
Ёздимикин хурлар тушиб у ёқдан?

1989

## РУҲНИНГ КЎЛАНКАСИ

Эшитилар гулларнинг бўйи.

\* \* \*

Юрак пуст ташлайди.

\* \* \*

Юлдузларнинг занги тўкилар.

\* \* \*

Дараҳтлар тонгни излаб  
кечани кечиб борар.

\* \* \*

Анорлар дард каби ёрилар.

\* \* \*

Тун — зиндон.  
Нафакат, онг, зиндон-да ўсар.  
Унга султонни  
жойлаш мумкин суяги билан.

\* \* \*

Қабоқлар кечмишнинг қирғоқлариридан.  
Хотиралар тошқини.

\* \* \*

Бу кечани армонлар ичар.

\* \* \*

Баданига ботган тушнинг синикларидан  
у дафъатан уйғониб кетар  
яrim кечаси.

\* \* \*

Эрк чойшабмас,  
кўйлакдир.

\* \* \*

Осмон хам ахён-ахён  
тошиб турар қирғоқларидан,  
унга хам чўкиб кетиш хавфи бор  
шоирларнинг пешонасида.

\* \* \*

Шеър тўқийман ўргимчак каби  
муҳаббатнинг толаларидан...

\* \* \*

Зўрланган гумбазлар хомиласига  
термулиб бўзлайди бичилган минор.

\* \* \*

Гўрлар қисир — туғишдан қолган...

\* \* \*

Келажакдан  
қадам товушлари келмоқда.  
Унда кимдир юрганга ўхшайди.  
Ялангоёқ эдинг-ку, ўлим?

\* \* \*

Оёқларин осмондан қилиб  
ухламади ҳали синчалак.  
Демак, собит тепадаги кўк,  
демак, ҳали хаёт устивор.  
Демак, йўқдир алқашга хожат  
оёғи осмондан келганни.

1980 – 1991

## БОЙ ОДАМ

Чумолининг кўзларидағи  
Дунёларни сотиб оламан.  
Бўэтўрфайнинг бўзларидағи  
Хунёларни сотиб оламан.

Майсаларнинг титроқларини  
Тонгдан йифиб оламан бир-бир.  
Бобом қабрин тупроқларини  
Қовураман қозон қиздириб.

Ловуллатиб пуллар ёқаман  
Ўчоқдаги ўтни ўчирмай.  
Кенгайтаман энсиз ёқамни  
Ҳарифимдан кечиб кечирмай.

Дўстларимни ичаман — шароб,  
Ҳар битта дўст захардан қиммат.  
Дўст нўш этмоқ мен учун шараф,  
Маъзур тутсин, хазрати Ум(м)ар.

Бир аёлнинг муҳаббатини  
Ўйинқароқ юрак --- боламга  
Сотиб олиб бераман. Уни  
Ўйнаб юрсин ётоқхонамда.

Бир гул каби ўтқизса, майли,  
Кўкартирса, майли, тувакда.  
Қиморларга ютқизса, майли,  
Койиб бўлмас, юрак юрак-да!..

Фаррош тужа судрар думини —  
Боғ ораста, тоғлар — чиройлик.  
Менинг эса киссамда умр —  
Бир мартага берилган ойлик.

1991

## ОЙБЕКНИНГ КЎЗЛАРИ

Нигоҳлар ўлмайди, нигоҳлар хаёт,  
Нигоҳлар рух каби ўчмас бир шарор.  
Кўзлардан кейинги иккинчи умр  
Нигоҳлар умридир... хақ этмиш қарор.

Нечук соз нигоҳнинг сарғармаслиги,  
Арча яшиллиги унда хаётнинг.  
Беаёв санчилар игна барглари  
Заиф ерларига адабиётнинг.

1986



## ИЛОН ЙИЛИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Қаҳратон бермади қаҳридан,  
бахор кетди гуллари билан.  
Ёз — тап-такир.  
Бу йил —  
хазина устида ётган илон.

Корни тўймаётган мамлакат учун  
табиат йил — илонни ёпар.  
Илон ширмой кулчадир,  
кон уни излаб топар.

Тупроқ — ақл.  
Ул кароматгўй  
безовтадир жонсарак.  
Конни чақиради хазина,  
хазина қонсирап.

Коннинг насибаси — бу кемтик кулча,  
унда қоннинг тишлар изи бор.  
У ҳарбийга кетган хозирча,  
бирок қайтар кези бор.

Қон қайтади,  
унутмас у қасос тотини —  
ивитиб ер қотган илонни  
сувга ботириб...

Айтгандай,  
нечук эди илоннинг ранги?  
Оқ эмасми, мабодо?  
Кечирсин тангри.

1989

\* \* \*

Истилочи ҳарфлар бизга тегмади,  
босиб олди кечмиш ҳаётни.

Тарих — мустамлака  
ўтди ҳарфлар тасарруфига.

Таассуфки, тарих  
Марксдан олдин ўтган,  
кураш йўлларини билмаган шурлиқ.

1984

\* \* \*

Илдиз ёяр осмонга чақмоқ,  
осмон ёрилар.  
Ёриқлардан нур тұқилар, оқ,  
бу ёғуда қайга борилар?

Ёмғир әмас, юлдузлар ёқар,  
ерлар күкка корилар.  
Теппамизда илдизлар ёнар,  
бу ёғуда қайга борилар?

Не хижратдан дарап бу ёғду?  
Юрак зориллар.  
Ким айтади, ким менга, ёху,  
бу ёғуда қайга борилар?

1989

## СҮНГИ ОТАШПАРАСТ

Күйлагингни кийиб олгин, аланга,  
Күйлак тикиб берай бардошларимдан.  
Менда Ватан, сенда энгил таланган,  
Мен хазар сўрайман Аллох каримдан.

Мархамат ўрнига қасос берсин у,  
Иноят ўрнига — ғазаб ва қаҳр.  
Мен энди севмасман, нафратим — мангур,  
Кисмат — ичилмаган шаробдай тахир.

Күйлагингни кийиб олгин, аланга,  
Ёғийлар қиличин қўлига тутмас,  
Букун қўз ёш билан келади душман.

Биламан, сен қадим самандарқушсан,  
Хокистар Ватанда очу яланғоч.  
Сени нафрат каби юрак унутмас.

1988

## МЕТАМОРФОЗА

Осмон шовуллайди денгиз мисоли,  
Кармоққа қадалган зулук хилпиар.  
Бахтни тарғиб этар рисола,  
Үртага қил киар.

Парилар ўрган отнинг ёлидан  
Тўкилган бу қил.  
(Мени кутаётган сулук — волидам,  
Қайтаман, сабр қил.)

Килни ўрамадим бармоқларимга.  
(Қайтиш иштиёқи тирнар дилимни.)  
Осмонга ташладим, қармоқларимга  
Қайта илинди...

Қонимни ичирдим сабрга қуйиб,  
Зулук бўлди қил.  
Мен узоқ яшадим ёшимни қўйиб,  
Шу тахлит етмиш уч (бари илон) йил.

Кенгаймади лекин пулсирот,  
Қайтанга у кетди узилиб.  
Ёллари ўрилган Фирот  
Кирқ қизнинг йўлига тикар кўзини...

Қизлар қариб колган — ўсимлик,  
Қўлларида мадор қолмаган.  
Тошдан эса, қиёматлик дўстимдан  
Йўнибдилар ка-а-атта бир лаган.

Иқлиmlар — ўзгарди — обихаволар.  
Гиламлар учмайди. Тулпор йўли музгалоқ.  
Парилар супурги миниб — ҲАВОлар,  
Шовқини дунёни бузади — шалоқ...

Осмон шовуллайди денгиз мисоли...

## **ҚОҚИГУЛ**

*Ояр Вацетисга*

Қоқигул.  
Күёшнинг синглиси, олтинсоч малак.  
Заминнинг қишлоарда тўнган кўксини  
илитмоқ учун  
қуёшга ҳашарга чиққан гулгинам —  
мўъжаз қуёш,  
мўъжиза қуёш.

1985

\* \* \*

Одамни  
қамаб қўйса бўлар bemалол,  
сургун килса бўлар, хаттоқи...  
ўзига.

1991

## **ШЕЪРИЯТ**

Топпон хоним, шўргинанг қурсин,  
Юрак шаклин ўзгарта бошлар.  
Бурчакланиб борар энди у,  
Энди у ғишт шаклида яшар.

*1991*

## ИЖТИМОЙ МУЛК ТАРБИЯСИ

Оёқларинг остидаги шу ерни  
Ишонма десалар: «Сеники!»  
Ким деса хато дер бу дерни,  
Хохи у Мор бўлсин, хох у Сенека.

Бу ер умумники, инқиллаб,  
Тармашмагин унга, ерпаст одам.  
Сенга берармиди Инқилоб  
Тортиб олганини худодан?

1987



## **ЧИСТОН**

Оёқост шавқ учун осилган бир тавқ —  
Топталган эрк учун тұланған товон.  
Товон әвазига юм-юмалоқ шавқ  
Түяёттан тавқпарат атом.

Шавқнинг-да шакли бор замон-маконда,  
Мавхұмдан күра у моддийга яқин:  
Сочлари түқилиб кетған хокандоз  
Кулранг камзулига юрап тақи-иибб.

1989

\* \* \*

Маъзур тутинг мени , баҳтли(к)ман,  
Баҳтиёрман ҳаддан ташқари.  
Муҳожирман ўз юртимда мен,  
Тошкент — менинг Кошғарим...

Яна такрор айтаман сизга:

Туркистонлик эмас, баҳтли(к)ман,  
Түрк тарихин севмоқ на хожат?  
Керак бўлса, Фахриёр учун  
Тарих ўқир бир чўлоқ мажор.

Мен баҳтли(к)ман, пешонам шўр, о!  
Парвардигор, ўзинг кечиргил  
Мен осийни.  
Менинг ёлғиз гуноҳим: вергул!

1987

## ГУЛИМ

Юракни тикаман, таваккал бу — мир,  
Ютаман, хижронинг чиқади. Не сир?  
Кароқда армонлар айланар гир-гир:  
Гулим,  
рухсорингни кўролмадим бир.

Бошимда қузгуңдек чарх ураг кунлар,  
На дер бор, на шеър бор сенингсиз тунлар,  
Қўксимдан Ой бўлиб отади мунглар,  
Гулим,  
рухсорингни кўролмадим бир.

Не ростки, дунёning ёлғонлари мўл,  
Бермоғи мушкулдири, олганлари мўл,  
Не ғамки, кетгандан қолганлари мўл,  
Гулим,  
рухсорингни кўролмадим бир.

Не бахор, мен уни соғинмай қўйдим,  
Не сабр косаси — ҳажр, май қўйдим,  
Не орзу эдингки, армонга йўйдим,  
Гулим,  
рухсорингни кўролмадим бир.

Гулларга қарайман, гулим йўқ менинг,  
Йўлларга қарайман, йўлим йўқ менинг,  
Ёндим-у, куйдим-у, кулим йўқ менинг,  
Гулим,  
рухсорингни кўролмадим бир.

Не найки, бўғзида наволар куяр,  
Кобирғам ўрнида ҳаволар куяр,  
Оққушнинг бўйнида саволлар куяр,  
Гулим,  
рухсорингни кўурманми бир?

## **НАТЮРМОРТ**

Саратон.  
Кок чилла.

Нафас етмаётган уй  
оғзи — деразани каппа очади  
дарё қирғоғига  
чиқиб қолган балиқдай.

Дераза рафида турган гулдон.  
Гулдонда этагин күтариб олиб  
чўмилаётган атиргул.

Шаффофф гулдон.

1992

\* \* \*

Қайлардасан, менда бир замон  
Ўз-ўзини йўқотган аёл?  
Хаёт сени излайди мендан,  
Тимирскилаб кидирап хаёт.

Қайлардасан? Кадим эхтирос  
Юрагимга ташлайди соя.  
Хотирамга кирап-у ёдинг  
Таъқиблардан излар химоя.

Кўршапалак ҳаётнинг қора  
Қанотлари пайпаслар ёдим.  
Мен қочаман, сотилмай қолар  
Ватан каби, севгилим, отинг.

Мен бадар қилган исмнинг  
Фуқароси бўлмай туриб ҳам  
Хаётларга сотмайман уни,  
Мусофириликларда юриб ҳам...

1989

## ВАРИАЦИЯЛАР

### Чор-лов

Капалак қанотлари сўзанадир — гўшанга,  
Кел, унда ўлтирайлик,  
на-на-най-нум, гуллайлим,  
куёш нури сочала — танга.

Бошимиздан сочсин-у кўрар  
дushmanларнинг хам меҳри ийсин.  
Гувоҳликка ўтсин жўралар,  
сўфитурғай никамиз қийсин.

Кел, лайлим, соғиндим,  
ниначилар нинасин тердим йўлдан ўмалиб.  
Ўргимчакнинг оёғи  
қонамабди, чумоли

жавдарнинг пўстлоғи билан — зарил-да! —  
елпийди, ел турар гурсса ва гурсса.  
Нардалар харир,  
юзингни кўрсам...

Юзинг излаб учиб кетди кўзларим,  
соғинчларим бознади.  
Ишонмагин чумчуқларнинг сўзига,  
пуч ёнғоқлар қулидаги талоқни мен ёзмадим.

Ёзганим шеър бўлди —  
ёзганим — чор-лов.  
Суйганим бир бўлди,  
куйганим — минг-ов.

Кел, гулим, эландим,  
кел, лайлим,  
бахтли бўл мен билан,  
шоирлар айтмоқчи, «висоллар айлаб»...

Кел энди,  
кел(ин дей)!..

Ўн икки чораклик рўмол қиласиз  
оққушларнинг қанотларини.  
Шамолнинг шохига иласиз  
(ерларга судралса) сиймин барингни.

Баринг байрок бўлар, шубҳасиз,  
севгидан енгилган юрак байроғи...

Кел энди,  
кел(ин дей)!..

1991

### Афсун

Офтоб нури сочала — танга,  
Бошимиздан сочар, гул, ясан.  
Капалак қаноти — гўшангага,  
Ўртада мухаббат — бир қасам.

Кўйлаклар тикади нилуфар,  
Гулларни қўйдириб киярсан.  
Ёсуманлар сепади ифор,  
Ортингдан чечаклар иярар.

Камалак — эгнимда беқасам,  
Белбоғимни тугар куртаклар,  
Сандувочлар берар уй ясаб.

Сўфитўрғай қияди никоҳ.  
Давом этар кўхиа эртаклар,  
Мажнун бўлган шу толлар гувоҳ.

1996

## ТУН ТАХАЙЮЛИ

### I

Дарахтлар ухлайди тик турган күйи,  
Майсалар заминга бош күйиб ухлар.  
Факат балолардан кўриқлаб турар  
Ором нималигин билмаган рухлар.

Тоғлар ухлаб ётар туядай чўкиб,  
Тунда суянч бўлмас Аллоҳдан ўзга.  
Тошлилар ухлар, мошлар ухлар, Шош ухлар,  
Йиғланажак ёшлар ухлайди кўзда.

Мұхаббат ухлайди, боши қоронги,  
Тишлаган олмаси – Ой занглаб қолган.  
Юлдузлар – Сомон йўл чумолилари  
Сув ичгани сойга тушади толдан.

Ширин-ширин тушлар кўрар нарилар,  
Ғунча килиб тугар муштчаларини.  
Оналар тун бўйи кўриқлаб чиқар  
Шоирдан уларнинг тушчаларини...

## II

кемасини оқизар м  
Бир Нух ёши-  
чалик хижрон кечар кечаларимда.  
Зулмат мени ичар құзимга солиб,  
Ой нур сочар умид чечакларига.

Илонлар оқарар хажр тунида,  
ойдинда ётгани – узун хотира,  
юракни құймайды, шүрлик юракни,  
сүйлоқ тишларини унга ботирад.

Ровий хам үзимман, қулоқ хам үзим,  
tinglaiman үзимнинг чўпчакларимни.  
хар бир калимага эргашар қўзим.  
Соат занг уради туннинг ярмини...

Изтироб одамнинг тегар жонига,  
овутгинг келади ўзинг-ўзингни.  
Билган асотирлар жонланар қайта,  
сокин бир ваҳима босар юзингни...

Сув ичгинг келади, сувлар сўрайсан,  
бахор боғларида қақрайди хаёт.  
Сувни белбоғига туғиб олгандир  
валилар.  
Тушларинг ўнг келар, хайхот!

Белбоғ туғиб кетиб борар валилар,  
томчилар томмайды, сув хотин хасис.  
Бизни қутқаргани келмайди худо,  
хочларга михланиб ётади Масих.

На мен – чобуксувор, на илон – девор,  
на менда қамчин бор, на унда қанот.  
Валилар ортидан қувиб етолмай  
коламан.  
Қўлимда йиртиқ бир қанор...

Сув туғиб келгани белбоғ тикмаган,  
мен сени кечирдим, күзлари чарос.  
Кел, энди ёшларим оқизиб кетсин  
менсиз тушларингни, карофимга бос...

1988 – 1998



## **МАШРАБ**

Худолар осмонда яшайды, ахир,  
оёқлари тегмайды ерга.  
Хаёт, бизга ерни, шу ерни,  
уларга еттинчи осмонни берган.

Ердан оёқ узиш бүлса худолик,  
заминда юрмаслик бүлса мабодо,  
Офокхожа эмас, осилган «дахрий» —  
Девонайи Машраб бүларди худо.

1986

## **ОЛМОШ**

У арвоҳ каби  
ташқарида туар ҳаётдан.

Унинг тураржойи  
арш билан Заминнинг оралиғидир.

Тортиш кучининг унга дахли йўқ.

Худо билан инсон оралиғида  
бир умумий сўз бор «у» деган.

У — унинг исми.

«У»  
хатто  
тош ва ҳайвон учун ҳам  
умумий сўздир.

1989

\* \* \*

Майли, қаҳрингизни сиз сочаверинг,  
Сизнинг шафқатларга бир ахмок йўқ зор.  
Бахор, ёз, куз сизга, қишини-чи беринг,  
Менга гулмас, кифоядир совук қор.

Қаҳрингиз қаҳратон, азизим, раҳмат,  
Барига тайёрман музламоқ учун.  
Мени бузилишдан саклагай минбаъд,  
Мабодо, қаҳрингиз кўрсатса кучин.

1985

## КҮЗГУ ҚАРШИСИДА

Тикилиб қарайман күзларимга,  
емирилиб борар қирғоқлари,  
юзларим күзимга чұка бошлайди  
тикилиброқ боққаним сари.

Күтарилар күзларнинг сатхи...

1984



## ҚИШ ЧИЛЛАСИ

Жануб биздан олислаб кетди,  
Шимол келди сурилиб яқин.  
Қорлар билан сийлади бизни,  
Рұхимизни күтарди тағин.

Рухнинг қанотига осилдик,  
Шўрлик бизни кўтаролмади.  
Далаларда ер чопавериб,  
Белларида мадор қолмабди.

Турғизмадик йиқилган рухни,  
Қанотига босмадик малҳам...  
Пайдо бўлар қайдандир шунда  
Кон исини олган бир калхат.

Қанотлари қонга бўялган  
Рух қорларда ўрмалар энди.  
Катталар қартадан бўшамас,  
Болакайлар ӯйнайди «Киндер».

Хеч кимнинг у билан иши йўқ,  
Қирчиллайди далаларда қиш.  
Ухлаб ётар боғларда баҳор,  
Кор остида ухлайди юмуш.

Гул унмагай, кўкармас гиёҳ  
Рухнинг қони тўкилган ердан.  
Шу тақирда ундиromoқ учун  
Худо бизга пахтани берган.

1985

## ТААССУРОТ ИНШОСИ

Таассурот — чуқур.  
Чох каби чуқур бир таассурот,  
юлдуз күринади унинг тубидан.

Ёинки  
факат бўйдан иборат  
сувга тўлғазилган чуқу-у-у-ррр бир таассурот.  
Сузаётган одамга эса  
эн керакдир хаммадан кўра.

Таассурот ва чох ўртасидаги  
тафовут  
йўқолиб бормоқда  
ривожланаётган социализм шароитида.

Юлдуз санаш учун атайин  
йиқилиб тушмайди хеч кимса чоҳга.

1988

## **ЯХШИ ТУШ КҮРГАН ОДАМ**

Надомат бүлгайким,  
устоз Миртемир,  
буюк таржимон  
орамиизда йүк.

Йүкса,  
тушимни унга  
үнгга таржимага олиб борардим.

*1984*

\* \* \*

Оқартырмок учун бошини  
яшамайды атай бирор зот.  
Тұкмоқ учун сочини асло  
кечирмайды олтмиш йил хаёт.

Оқартырса қүнглини атай  
мумкиндир у оқартырмоги.  
Тұкса факат гунохларини  
ярашгайдыр түкиб турмоги.

1981

## А ё л ф у

*беш жуфт тахайюл сабоги ва тўрт  
манаффусдан иборат*

ої

юзинг доғларига қараб йиғладим  
учаётган рухимнинг

темир қанотларига

тевралар армон

кўз ёшларимдан

қанотлари ивиб қолган мутаассиб юрак  
шакарлари тўкилиб кетган

янтокнинг устида жавраб ўлтирадар  
ва яширад қанотларини

ичига

эътиқод каби

азонда аzon йўқ

хазон бор

муazzzin хазон

япроқлар капишиб қилур ибодат  
улар яссавийнинг шогирдларири

ерга кирмоқ истар

бир йилда пайғамбар ёшини яшаб

бўлган япроқлар

тунроқ бўлмоқ истар

тупроқ тангри осмондан тушган

тупроқ устоз

тупроқ ватан

тупроқ қўйинди

мен эсам

ої

юзинг доғларига қараб йиғладим

\* \* \*

ої

юзинг доғларига қараб йиғладим

кўзгу йўқ

бешик йўқ

сандиқ бор

ва тоғларни ютиб кетган

тупроқ бор фақат

сандиқ ясириб кетаётган

муҳаммаднинг

қароқчилар талаган

хуржунидай бўм бўш

дарвоҷе

хуржунда ярим тилик ой

бор эди

лекин хуржун сандиқ эмас

икки йўл бор мен учун

ё кетурман тоғларга

узлатгир бўлиб

куръон ғорига кўнгилли маҳбус

ё жайҳунга оқурман

журжон эса йўқ

ватан эса йўқ

ватан хам гоҳида ташлаб кетади

жалолиддин мангубердининг

туёқларидан

ут чақнаган оти

ёлларига осилиб

учинчи йўл

мен қоламан

тупроқ қолар

ва томонлар қолар хувиллаб

туркуларда куйланган хунний томонлар

қонга ботиб кетган жануб учун

кўк кийган машриқ

шимол бети қора қарғиш теккан ранг

мағриб эса оқ

ватан қўчиб кетган қайғули тараф

бу йўлда қирғин бор

узгун бор

она буғи йўқ

унда бешикка беланган  
мен қайдаман  
унда йўл қайдадир  
биринчи

иккинчи

танмаҳрам йўллар  
ё шоҳмашраб ҳарамида  
ётганмикин  
инакларга бурканиб

### т а н а ф ф у с

шафқат деб аталган қаҳр бор бунда  
кўз ёш деб аталган такир бор бунда  
юрак деб аталган сағир бор бунда  
йўқдан фақат мухаббат йўқдир

тиллолар туш кўрар кокилингни зар  
пешонам тирнайди тақдири азал  
хунёгар оҳида тирилар ғазал  
қайлардасан гулим бокирам

булбулнинг тилини қамишга бойлаб  
кўксимга ботириб жоним авайлаб  
фақат бир сатрни ёзаман ойлаб  
гулим менинг тушларимга кир

тахайюл шароби ойдайнин заъфар  
дилимнинг хижрати қайғуга сафар  
алам бор гуноҳ йўқ на ҳожат ғаффор  
йўқ гуноҳга бунча маъфират

қаро тун катида уммедин фалаж  
ўйларим ўйилар кўздей на илож  
на мен осийдурман на мансур халлож  
ўзим қолиб сенга сифиндим

\* \* \*

ой  
юзинг доғларига қараб йиғладим

само бор  
самоъ йўқ


зикр йўқ  
такбир бор  
аллоҳ акбар  
аллоҳ акбар  
хаққа учайтган хабарлар қўналғаси  
ой  
юрагимнинг мунгрокларини  
ингрокларини  
қабул қилас ва хаққа йўллар  
ўзимга такрор  
вахий қилиб қайтартмок учун  
мен ваҳийни тушимда эмас  
фариштанинг қушлар тилида  
юракка соглан  
жазавасидан ҳаммас  
музикорнинг чумдугидан олмоқ истайман  
у куй бўлсин  
сангижумонлик собир баҳшининг  
дўмбирасидан  
бир замонлар яралган куй  
таралган куй  
мен бу куйни тирилтирмок истайман  
вактнинг чексиз даштларида адашиб кетган  
қўшиқларни мен шеър килмоқ истайман  
саҳрои оҳанглар билан  
токим ундан анқиб турсин  
хақиқатнинг ёвшан ислари

\* \* \*

бир жангари арвоҳ кезинар  
туркистон узра  
қанотлари шомий шамширдан  
нигоҳлари қаҳратон  
музчил  
қасослар исидан бўғриққан ҳавони  
унинг чирқиллаши  
аркон қилиб эшади  
найнинг мунгидай  
бўйнига сиртмоқ тополмаётган  
миллат учун  
  
топталган ватанда  
таланган ватанда ягона эрк  
бу

сиртмоқ ҳалқасидан  
күринаётган  
музчил осмон  
қахратон осмон  
у сиртмоқ эмас  
арвохнинг кўзи  
кўзлардан тўкилар қадар маломат  
мен излайман суякларимни  
самарқандни тимирскилаб чиқдим  
йўқ  
қизалоқ ребеканинг\* елкасидаги  
қопга қўлларимни тиқиб  
пайпаслайман  
бегона суяклар  
тарсо суяклар  
менинг суякларим қани ой  
ё бирор ватандошим  
сардорларининг  
суякларин орқалаб  
жангга кетган хиндулар каби  
савашмоқдами

менинг суякларим қани ой  
нечун қобирғамни ўғирлаб олдинг  
шайх нажмиддин кубронинг  
итимисан ё  
ёвкур ва учқур  
нечун учиб кетдинг фалакка  
суякларимни олиб  
наҳотки



менинг қобирғамдан тўраган  
султон бўлолмадим жаҳонгир бўлиб  
арвохнинг кўзлари имлайди мени  
ой бўлиб чақирав ўзга бир дунё

\* Г. Г. Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» асари қахрамони.

## т а на ф ф у с

сенинг тушларингдан паноҳ истадим  
узун илон бўлди соғинч бистарим  
орзулар қўрошин армон музтариб  
гулим нечун бегона бўлдинг  
девона бўлдим

сочинг дарёсида чўмилар акраб  
менинг эса менинг қўлларим қақрар  
кўзингда адашган йўлларим қақрар  
кўзларимни паймона қилдинг  
гирёна бўлдим

боқиб боқмаганим замоналарга  
бошимни уриб минг остоналарга  
мен сени топгандим афсоналардан  
нечун қайта афсона бўлдинг  
хайрона бўлдим

\* \* \*

расул ўргимчак  
мехмон ўргимчак  
кўйлак тўкиб берибди менга  
мендан уялган орзуларимнинг  
инак арқоқларидан  
йиллар учиб чиқмоқлиги учун  
унинг енги йўқ  
ва ёқаси йўқ  
мен ушлаб хайратланмакка  
ва хаттоки ҳарифим билан  
дўст тутинмоққа  
ёқа йўқ  
инчунун  
донишманд бойқуш йўқ  
макон тутмоққа  
ёқамнинг вайронна чолдеворларин  
узлат йўлинда  
бухорий каби

қулоқ бойқуш  
камбағал бойқуш

ёқамни сұрайман

ёқам йүк менинг  
үргимчак тушунмас туркий каломга  
үзича англайди ишораларни  
имони үзича англаған бұлар  
гүё мен мукофотсирагандайин  
қызил илонни

чамбар қилиб  
бүйнимга тақар  
на чора  
ilon сиртмоқ әмас  
таассуф  
лекин у махлук

қайдан хам билсин  
менинг бүйнимга  
хұжа ахмад яссавийнинг  
вайрона даҳмаси

күпроқ ярашишини  
негаки  
вайрона ёқага  
сифаверар хар кимнинг боши  
вайрона хеч қачон сұраб үтирас  
менинг мазҳабимни  
сенинг динингни

\* \* \*

тушларимни қабартырап ой  
тушларимнинг қадоқлари

юрагимга ботмоқда  
мен қандоқ күйлайин  
қонлар силкиёттан юрагим билан  
мен қандоқ күйлайин  
юрагимга ой каби  
ботиб кетган қадоқларни  
оттирмай туриб  
қадоқлар отмайди  
тонг каби  
қадоқлар отиши керак бұлган осмон  
ташлаб юборилған қудукқа  
қудук эса  
күмиб ташланған

құлымга белкурак ва чўкич олиб  
мен қудукни ковлайман қайта

ва осмоннинг суюкларини  
териб оладирман битталаб  
сенинг кўзларингга кўммоқлик учун  
сен қайлардасан  
ситамкаш руҳимнинг эгнида  
идраб кетган  
энгилин  
бирор марта ямаб бермаган  
мухаббат  
мен сени қайлардан излайнин  
юрагимнинг қадоқларига  
малҳам қилиб  
босмоқлик учун  
қадоқларни оттирмай туриб  
кўммок учун шахид осмон суюкларини  
мен сени қайлардан излайнин

нафратим  
ё ўзинг муҳаббатмисан

### т а н а ф ф у с

суйгилим суй гулим суйги лим  
юракларим кўзимдан тошар  
мени енгиг бормоқда ўлим  
сени эса қийнайди яшаш

куймоқ бўлди менинг насибам  
бахтиёрлик сенинг қисматинг  
бахтми зомин бўлди масихам  
бахтимизга бахт мусибати

сени излаб тентар хаёлим  
икки жаҳон оворасиман  
сенчи ётсан бахтнинг аёли

юракларим кўзимдан тошар  
қисмат бўлди кўзлар қароси  
кошлар аро айрилик яшар

\* \* \*

оҳанглар тиладим фалакдан  
муножот учун

наҳанглар тиладим уммондан  
истиғфор учун ибодат учун  
ижобати учун уммедининг  
отим **зиннүр** бўлди фахриёр қолиб  
наҳанг йўқ уммон йўқ оҳанг йўқ  
саҳро бор ва унда мен борман  
йўқолган бешикка беланган мен  
бешик

сулаймонбаликнинг узук кўзидаи  
митти оғзига сифмоқлик учун  
дарёлари қуриётган осмонлари чириётган  
саҳрова туриб эгамдан мўъжиза сўраётган мен  
кетгим келар менинг бу ердан  
карвонларга эргашиб карвон эса кетиб бўлган  
кечиқдим мингани улов йўқ тутгани ялов  
шамол қамроқ мисол бешикни бир юмалатиб  
айлантириб қўяр қайикқа қайик

қўлларимга қамчи ўрнига юган ўрнига  
узун эшкак тутиб олганман кимсасиз саҳрова барханлар оша  
кетиб бўлган карвон ортидан қайикқа ўтириб эргашаман жим  
сузатган қайик охиста қумга чўкиб борар лекин мен кўрқмайман  
қайтанга эшкакни қаттиқроқ эша бошлиман

балиқ излаб бораётган мен  
холик излаб бораётган мен

барханлар қайиқни чайқайди тинсиз  
чўкиб бораётган қайиқни

елкамдаги сўфийларнинг чакмонидан  
тикиб олган сафархалтамда  
карвонлар йўлидан

топиб олганим

бознаб кетган

яримта шак бор

муҳаммаднинг хуржунидан тушиб қолган  
яримта ой шу эмасмикин

ва унда

кимнингдир тишлар изи бор

тишларингиз бутми

хазрат бистомий

агарки тўкилиб кетган бўлса

хафа бўлмайсиз

мен уларнинг

тушларимга киришига

изн бермайман

бознаб кетган шакни оғзимга

олишим билан

юрагимга ботмаган

сўроқларни қуса бошлайман

нахотки

балиқ бўлса сахро дегани

нахотки

қайиқ деганимиз

биз  га такқослаб юрган нимарса

наҳангнинг оғзи бўлса

нахотки

балиқ бўлса сахро дегани

сув қани унда

унда уммон қани

эҳтимол уммон

балиқнинг остида қолиб кетгандир

ё балким

курк бўлган наҳанг

уммонни тагига босиб ётгандир  
набий очиб чикмоқлик учун  
лекин хозирча  
пайғамбарлик курсилари банд

\* \* \*

бир кеча туш  
шернинг тирнофини бўйнига  
тумор килиб таққан  
шоҳнинг хотини  
тумсо маликага  
инчи иқлимдан  
зангори олмалар келтириб берди  
олмани еди у русумга кўра  
сумалакдай эрий бошлади  
тош сийналари  
юраклари орзиқиб кетди  
дийдасига ёш келди унинг  
ёшларини тушга ичирди  
chanқоғини босиб олди  
олис йўлдан халлослаб келган  
туш  
малика кўнглига мунааввар фамлар  
бахтиёрлик кутқусин солди

ой куни етиб  
чакирдилар момочи ойни  
маликанинг кўзи ёриди  
ой кўрсаки малика  
шахзода ўрнига бўри туғиби  
кўмкўк бўривачча  
зангор валиахд  
иснод юм юм йиғлатган  
маликанинг ёстиғини  
куритдилар чиқариб  
офтобрўяга

жабборга жон керак бўриваччамас  
қаххорга қон керак орзулас эмас

сандиқларни тобут қилдилар  
шахзода оқмаган сандиклар

орзуларин  
чумчук замон териб кетган шоҳ

қафасдан учирди толе қүшини  
тахтга ворис излаб учеб кетди күш  
вилоятларга

етим бўриваччани  
ой олди ўз қарамоғига  
кўршапалаклар  
эмис кетган сийнасини тутди унинг оғизига  
сугу келмади  
юлдузларни териб келди  
емади бўривачча

ой нима қилса экан  
шоҳ учирган толе қүшини  
тутиб едирсами ё  
улиётган бўриваччага  
тутиб берай деса кўршаиалакни  
тулинган боласи

ой бўрини ютиб юборди  
ой  
юзинг доғларига қараб йиғладим

### т а на ф ф у с

юрак бағрим хундир мани  
кечиб кечиб бий кечани  
тушлар келар қон ичгани  
гала гала

кўзларимга йўллар тўлар  
рўмол силккан қўллар тўлар  
қонағ ётган гуллар тўлар  
ҳамон ҳамон

ойлар кечар бадр йўқдир  
қийр тунлар қадр йўқдир  
юзларимда сабр йўқдир  
сомон сомон

энди бундан жўнар бўлдим  
пешонамга кўнар бўлдим  
муҳаббатдан тинар бўлдим  
ёмон ёмон

сенга қирмас тоғ тиладим  
ужмохлардан боғ тиладим  
ой юзидан доғ тиладим

омон омон  
омон омон

\* \* \*

оїлар чўкар фалакдан жимири жимирилаб  
тоғлар чўкар фалакка ғимири ғимирилаб  
тошлар килар калака қиқир қиқир қиқирлаб  
менинг эса бўғзимда  
улув бордир бир улим  
хей тулуғим хей тулуум  
хей тулуғим хей тулуум

тушларимнинг зулфунин бузиб кетди фалаклар  
увларимнинг мавжида сузиб кетди фалаклар  
армон қолиб умидни узиб кетди фалаклар  
менинг эса бўғзимда  
улув қолди бир улим  
хей тулуғим хей тулуум  
хей тулуғим хей тулуум

кўктангрининг боғида гуллар унар иопармон  
энди мен бу гулларни излаб қайдан топарман  
синган умидларимнинг дарвозасин ёпарман  
гулни излаб борадир  
улувларим ул улим  
хей тулуғим хей тулуум  
хей тулуғим хей тулуум

осмон чўкиб борадир кароланаар қароғим  
кўктангрининг боғида унган гулнинг япроғин  
қайси шамол учирди тарихлардан сўроғим  
тарихларнинг бўйнида  
қолиб кетгайми қўлим  
хей тулуғим хей тулуум  
хей тулуғим хей тулуум

гул япроғи остида қолган ер сув қайдасан  
битта туркни минг кўйга солган ер сув қайдасан  
кўпиклардан ибтидо олган ер сув қайдасан

саҳроларда адашди  
ер сувга борар йўлим  
хей тулугим хей тулум  
хей тулугим хей тулум

қобирғалар қабарар суюкларим қадоқдир  
қабоқларим ўқ тугаб бўшаб қолган садоқдир  
куйиб куйиб кул бўлган нафратларим адоқдир  
чучмомалар кўк кийған  
намозшомгул гул гулим  
хей тулугим хей тулум  
хей тулугим хей тулум

тулук бордир остида чўкаётган осмоннинг  
зулук бордир остида чўкаётған осмоннинг  
куллук бордир остида чўкаётган осмоннинг  
кўктангрининг қошига  
етолмай қолган йўлим  
хей тулугим хей тулум  
хей тулугим хей тулум

\* \* \*

ой  
юзинг доғларига қараб йиғладим

бу йифи  
вужудимга сифмаган сифим

йиғимни йигаман  
сифим сикталар  
йиғимни йиғлайман  
оғриқ нуқталар  
тош эмас  
соғинчга дўнар

бу соғинч нафратдир  
кўллардаги кишани билан  
кулаётган қулга нисбатан

бу соғинч нафратдир  
эртақдан чиқиб  
юртни сотаётган қулга нисбатан

нафратни куйлашга бир соз ахтариб  
телбараман туркистон ичра

арвох узра  
мен ичра  
созлар шевасида мухаббат мадхи  
кишанлар жаранги бахтни қуйлайди  
мен эсам  
нафратни куйга соламан  
излаб тополмаганим

аёлғу олиб

чалолмаганим

chanковуз чолиб

chanковузнинг бўғзидан

куйлар қаталаб чикар

биюв биюв биюв биюв

биюв биюв биюв биюв

кўк бўрилар жўр бўлар

аёлғунинг сасига

куйларнинг енг ичида

ханжар ёвга қасида

оїга караб увлаган

ої боласи бўрининг

кўзига ойбаликлар

сиртмоқ бўлиб кўринар

сиртмоқ эса ої бўлар

бўриларнинг онаси

ої

юзинг доғларига караб йиғладим

**ўқилиши шарт бўлмаган  
иловалар**



\* \* \*

ой  
арши аълонинг  
фаромуш фаришталар  
ёпмай кетган туйнуги

\* \* \*

ой  
юзинг доғларига қараб йиғладим  
кутаётган фарзандинг менми  
эрта бир кун туғилсам  
отимни не қўюрсан  
машраб дебми  
ё хоразмшоҳдай  
отси з бўлурманми мен

\* \* \*

дехқоннинг хотини  
хомиладор ой  
ўроқ туғади  
сукунат эса  
кўзи ёриётган ой қичқириғи

\* \* \*

ой  
тирноқ  
аёл  
зорлик

\* \* \*

қарсак шоҳнинг мулозими  
саройда яшар

\* \* \*

ой пўстлари арчилиб  
занглаб қолган зангори олма

\* \* \*

тун кимнинг бахтики бунчалар қаро

\* \* \*

эрк  
дунёдаги энг жафокаш сўз



\* \* \*

ой  
болта

\* \* \*

юрак мени кечирар бошдан

\* \* \*

мен  
ой нурида турган рухимнинг  
ерга тушган кўланкасиман

\* \* \*

тонг ўрнига қайғулар отар  
кимни

\* \* \*

келажакни яшаб бўлдим мени

\* \* \*

рухим соchlарингнинг фариштасидир  
сени қарғамадим

\* \* \*

сен мақолнинг югурдагисан

\* \* \*

нега эри хиёнат қилган  
бу аёл  
узук халқасидан нари томонга  
ўтиб кетмайди  
ва у томондан  
бармоғини тикиб қўймайди  
кайтиб ўша мараз эрини  
кўрмаслик учун

чунки унинг болалари бор  
узук халқасига  
сифмайдиган болалари

нега у узукдан бунчалар қўрқар  
бўғиздан бармоғин тундада олмас

ахир бўғзи бўлган билан  
унинг тили йўқ  
барибир  
айтолмас эрига  
севмаслигини

\* \* \*

оїузук

\* \* \*

нарсалар  
масалан узук  
узининг моҳиятини  
сўраб ўтирумайди биздан хеч қачон

\* \* \*

соҷимни сўзларнинг чангига белаб

\* \* \*

менинг тўртта хотиним бордир  
тўртовининг оти ҳам қибла

\* \* \*

менга дўст керакмас душмандан бошқа  
муҳаббат керакмас нафратдан бошқа

\* \* \*

ажин туша бошлар қўзгу юзига

*Тошкент – Сангижумон – Тошкент,  
1990 – 1991*

\* \* \*

Сочинг зулматига қўлим тушмади,  
кўзинг қаросига йўлим тушмади,  
қошинг ханжаридан зулм тушмади,  
ок гулим,  
қизил гулим,  
вайрона бўлди дилим.

Оҳ чекдим, охларим фалакка етди,  
Кўл чўздим, қўлларим малакка етди,  
Мен юлдуз истадим, қайларга кетди,  
ок гулим,  
қизил гулим,  
хайрона бўлди дилим.

Кун ботди, ой ботди, юлдуз ботмади,  
тонг отди, севгимиз тонги отмади,  
ойдинда на Ой, на Зухро ётмади,  
ок гулим,  
қизил гулим,  
девона бўлди дилим.

«Кўзим гирдобида селлар айланур», \*  
бўғзимда сўз куяр, қалам найланур,  
гул дедим, исмингга жоним бойланур,  
ок гулим,  
қизил гулим,  
мастона бўлди дилим.

Яна не бўлмоқни истадинг, дилим,  
Ой десам, юлдуз деб қистадинг, дилим,  
нелар қилдинг мендай музтаринг, дилим,  
ок гулим,  
қизил гулим,  
паймона бўлди дилим.

1999

---

\* Вокиф сатри.

\* \* \*

Бүгзимдан сиркирар товуш — кон,  
гул — менинг энг сүнгги сүзимдир.  
Ибтидо, интихо овшшган,  
мухаббат сен берган түзимдир.

Мен уни қадайман күксимга,  
юрагим товондир — ёрилар.  
Сен мени севмагин, ўксима,  
тошбагир бүлади парилар.

Мен сени гунохкор этмасман,  
сурман, куярман, бошимга  
етар ишк, мен сенга этмасман.

Юрагим товондир — түлайман  
ойлигим, бойлигим — лошимни.  
Күзимни сүзимга улайман.

1998

\* \* \*

Айтаринг не эди, қайтаринг  
не бўлди? Билмадим, гулбадан.  
Маконинг қай тоғлардан нари?  
Излаб кетмиш юрагим бадар.

Бўм-буш эрур байтул-ҳазаним,  
на юрак, на кўнгил ётмайдир.  
Сенсизлик не хариф, не ғаним,  
на ёнмас, на сувга ботмайдир?

Қайтаринг не бўлди, гулъузор,  
қайтмаслигинг не бўлди тағин?  
Кўнгил озар, кўнгилда озор.

Қулнинг дарди гулнинг дардидир,  
хасратларим ётади ёғиб  
соғинч боғларининг зардига.

1999

# PYXYHAT



## **ХАДИК**

Эртага, эртага, эртага  
видо тушар, ўртага видо.  
Алвидо, гул, күнгил эртаги,  
ўзинг сабр бер, собир худо.

Пешонага күнмайди күнгил,  
гарчи энди видо айтадир,  
гарчи энди умидлар сүнди,  
гарчи энди сендан қайтадир.

Сочинг дарёсида ювмаган  
гунохларим кечирмас эгам,  
гарчи хеч кас мендек севмаган

ва мен каби куймаган. Нега  
эртага, эртага, эртага  
видо тушар, видо ўртага?

*1988 – 1998*

\* \* \*

«Имло луғати»дай ёлғизлик,  
аруз каби бир рустамлака.  
Кишки дараҳт каби холсизлик,  
шөърсизликдай тақир мамлакат.

Нигохингдай сассиз бир товуш,  
нафрат каби замҳарир чилла.  
Модерн қофиядай ковуши  
пойма-пой ва йиртиқ бир миллат.

Мангулиқдай адоксиз сабр,  
карвон каби иярувчан феъл,  
хуш сингари алок-чалоқ туш.

Фоя каби ўтирик таъбир,  
бахтсиз каби саодатли эл,  
озод каби тутқун битта қуш.

1987

\* \* \*

Тийрамох боғлари рутубатлидир,  
кезинар, эзинар телба рухунат.  
Ёмғир бўлиб бўзлар сағир сукунат,  
ичингда ўрмалар куйгин бир гидир.

Гулим, баҳорларда кетдинг сен қолиб,  
орамиизда тўқсон, бир қишилик йўл бор,  
тароқдан ўрмону ойнадан кўл бор,  
на охим етгайдир, на кийлу қолим,

Тушовин узолмас вақт — арғумоқ,  
чильтаннинг қўллари қанотга дўнар.  
Кетарман, бу ерда қолмоғим гумон.

Кетарман, изимдан хазонлар хайдаб,  
шамоллар эргашар. Даражтлар тўнар.  
«Бор-ҳо, кел-ҳо, ҳамалам-ҳа, йўл қайда?..»

1999



\* \* \*

Сен мени алдайсан туш каби,  
бахорлар келади, келмассан.  
Жанублардан қайтган қүш каби  
менинг кулбам қаён, билмассан.

Юлдуздан сұрайман — девона,  
мен сени ойлардан сұрайман.  
Күядирман шамсиз парвона,  
самандардек қулдан тұрайман.

Сен мени алдайсан, гулгина,  
кимнинг боғларига қайтарсан?  
Күнглим синар, муз бўлиб синар.

Сен мени алдама, алдама,  
сүйдим деб кимларга айтарман?  
Умид соғинч идрогин ямар.

1999

\* \* \*

Зулхумор кечалар ой сийнасида  
юракнинг ризқи бор, севиб кутади,  
тунлар сийнасидан истар насиба,  
осмон булатлардан лачак тутади.

Осмон қизғанади, бермас ойини,  
мен эсам тунларга юракни бердим.  
Ишқ бўлди, ой бўлди унинг қойими.  
Умид боғларидан маломат тердим.

Энди у не кунга, тунларга қолди?  
Сифиниб сужди, куяр соғиниб.  
Суйдирмоқ бўлдим-у, куйдириб олдим.

Кияр насибасин қисмат қайчиси,  
Ой кусуф бўлади фалак тоқида.  
Гул — наргис тунларда қуйган Ой иси.

1999

\* \* \*

Юрагимнинг қадоқларин кўзларимга суртдим мен,  
дил дардларим тупроқ бўлди, тўлмас кўзим косаси.  
Муҳаббатнинг алдоқларин кўзларимга суртдим мен,  
сенсираган соғинчларни алдаб юрдим асосан.

Сунбул-сунбул соч бўйидан хотиралар маст бўлса,  
мен орзулар қуюгини димофимда туярман.  
Келганларинг ёлғон сенинг, кетганларинг рост бўлса,  
бу дунёning ёлғон қолиб, ростларига куярман.

Суюнтирас сени, қийнар мени ҳижрон висоли,  
кузги янроқлар мисоли умид тўзиб борадир,  
муҳаббатжўй ҳисларимда ғамларнинг истилоси.

Фарибим ишқ, менинг каби сенинг ҳам кўнглинг яrim,  
не ёзибдир азал тақдир, манглайимиз ародир.  
Кўзларимиз қаро бўлди, қаро бўлди сўзларим...

1990

\* \* \*

Мен сени тушларга бой бериб қўйдим,  
адашдим мухаббат ўрмонларида.  
Гоҳо сўйдим сени, гоҳида тўйдим,  
лек умид милтиллар кўнгил қаърида.

Орзулар сарғариб армон бўлади,  
кўнгил хам кўнади гул озорига.  
Ҳажр пайманаси Ойдай тўлади,  
видо бор, адо бор жон бозорида.

Жонимни бозорга солади дунё,  
мен сени севаман сендан айрилиб,  
кўзимда жолаю бўғзимда хунё.

Гуллар ўтиб борар, баҳор қутарар,  
соғинчнинг қаноти синар қайрилиб,  
шўрлик қанотиии судраб кўтарар.

1999



\* \* \*

Сен ўтмадинг, сендан дунёлар ўтди,  
гуррос-гуррос, қадам-бақадам.  
Бу кузак, бу тупроқ хазонлар ютди,  
юрак — айрилиқлар ўтказган маъдан...

Дунёлар тўпири кўксимни тутдн,  
мудхиш бир сукунат — увшар бадан.  
Сени кузатмадим, бунчалар кутдим,  
келмоғинг қийиндир, кетмоқ — дафъатан.

Кўзларим тўлқини тобора саркаш,  
юрак чўкиб борар, енгадир ситам,  
ўнгимдан нафармон сароблар тарқар.

Қароқлардан силқийди жоним,  
тилда бир иштибоҳ, иста, истама:  
хаёт — мусибатлар чекмоқ имкони.

1996

\* \* \*

Кечирмади мени изтироб,  
мен ўтмадим унинг бошидан.  
Денгиз каби жимиirlар шароб —  
муҳаббатнинг таҳир ёшидан.

Ичолмадим мени уни — осий,  
ичганларнинг бари гунохкор.  
Бўғзимни қуидирган бир осим  
жоним тўзиб борадир — абгор.

Юрак чайқалади ложарам —  
тўфонларда қолган бир қайнқ.  
Осмон — зангор, осмон — ложувард...

Лимиллайди хасрат бодаси  
кўзим косасида, найлайнин.  
Мухаббатим — қўр саодатим.

1996

## **БУХРОН**

На суйгу, на куйгу, на туйфу, на дард,  
на кадар накадар мени суймайди.  
На куз бу, на рўз бу, на сўз бу, на зард,  
юрагим қовжирав, илло куймайди.

Тушларим бўм-бўшdir кузги ин мисол,  
жонларимга тегиб кетди менинг баҳт,  
бадларимга уриб кетди бу висол...  
Синар кўзларимда тўниб қолган вақт.

Баҳтни кечирмайди, биламан, юрак,  
қилса, дуойибад қилади, суймас  
ва карғар шеър бўлмай қолган сўзларни.

Карғалган сўзларнинг мунглиғ кўзлари  
мендан шеър сўрайди, жавдираб турар.  
Юрак қовжираиди валекин қуймас.

1985

\* \* \*

Бостириб келади қадам-бақадам  
япроқлар мисоли заъфар ғалаён.  
Кузнинг кўзларида қаҳрабо қадар,  
кузнинг юрагида мағлуб ҳаяжон.

Орзулар қалъаси бедош ҳамлага,  
айрилиқ — мукаррар. Армон — мустажоб.  
Таслим бўлаётган буюк мамлакат —  
юрагим чирпанар. Қайдасан, нажот?

Нажот йўқ. Фақат бор азоб-уқубат —  
ўқинчим, юкинчим, парвардигорим,  
ўтингчим: бер менинг рухимга қувват.

Уқубат нажотни келмас ияртиб,  
рухимнинг кўзлари интиқ, ниғорон.  
Юракнинг қисмати мағлубиятдир.

1988

\* \* \*

Бахор келар далаларга түркунлаб,\*  
қүшлар ҳам қайтади олис-яқиндан.  
Кишки уйқусидан уйғонар миллат,  
замбуруғлар бола күрар чақиндан.

Даралар гумбурлар — қаҳқаҳ ураг гул —  
боғларни уйғотар момогулдирак.  
Далалар күк кияр — аёз қолар тул,  
куёшни қитиқлаб майса кулдирап.

Жилғалар дарёга олиб энади  
бахор дарагини — бойчечак айтган!  
Киши захри тошларга тегиб синади.

Күксингни ёради ғам куртаклари,  
ёниб ёзгинг келар жигархун байтлар,  
юракни алдайди ишқ эртаклари.

1999



\* *Tүркунлаш* — бошқа уйга тушган келиннинг илк марта ота уйига мөхмөн бўлиб бориши. — *Мұхарріп*.

\* \* \*

Ойлоқ кеча, мухаббат кечар,  
мендан кечар, ундан кечмасман.  
Ой нурлардан кийимлик бичар —  
о, бу хижрон, токай ечмасман?

Сенга баҳтлар тилайман, малак,  
малика бүларсан баҳт эниб.  
Дев бүларман мен бир юмалаб  
ва ўғирлаб кетарман сени.

Тушларимга қамаб құярман,  
тополмагай лүлилар фоли.  
«Жоним»лаб, «гулим»лаб сұярман...

Овлоқ кеча, юлдуз живири,  
хаёлингни кетади олиб.  
Қолмок — мүшкүл, кетмоқлик — ирим.

1999



\* \* \*

Не суворий эдимки, лайло,  
зулфинг Зарафшонин кечмадим.  
Вовайло, вовайло, вовайло,  
күнгил бир гул истайдир — надим.

Раъномисан, мойчечакмисан,  
япрогингда фоллар очгали.  
Бугунгимсан ва кечагимсан,  
суйганим ва суймаган хали.

Дардим айтдим, тошлар ёрилди,  
осмонни синдириди гулдирак.  
Мухаббат күнгилни не килди?

Мунгиф куяр фалакда хилол,  
тарс ёрилар кўксимда юрак.  
Тар очилар гуллар. Не илож?

1999



\* \* \*

Санамжон, құзларим үйилди,  
хажринг шаробидан түйдим.  
Наволар қуиlldи бир ҳазин,  
яғир куйди, бағирлар куйди.

Сени шамоллардан сұрмадим,  
бахорлардан сұрмадим атай.  
Умид даштларида күрмадим,  
қай боғларни тутмишсан ватан?

Күнгил сочинг каби қорадир,  
қайлардасан, құзлари қамбар,  
кошингга қай йүлдан борадир?

Бир кун мени ишқ ҳароб этар,  
лек очунда ўзга не ғам бор?  
Күз етмаса, сұзларим етар.

1999

\* \* \*

Ой юзидан юзиб ўтар турналар,  
юрак симиллайди туткин ва мазлум.  
Гуллар хам ўтади бағрим тирналаб,  
алвидо, гул, баҳорлигим, ёзлигим.

Юлдузлар чүр каби тортиб борар кул,  
булутлар келади гала ва гала.  
Бир ёр истар, бир зор истайди күнгил,  
вой, аламжон, жон аlam.

Мен рүё истадим, хажрни берди,  
баҳор истаганим куз бўлди алхол,  
кадрлар истадим, фажрни берди.

Ой кўнгил кўзидир, алвидо, гулим, —  
шашқатор турналар сирқирап ундан.  
Силкинолмай титрайди кўлим.

1999

\* \* \*

Осмон яратганинг мовий кўзиdir,  
кўзидан яратди борлиқни худо.  
Тоғ ҳам, боғ ҳам, зоғ ҳам унинг сўзиdir,  
сўзидан яратди борлиқни худо.

Ёмғирлар сим-симлаб ерларга сингди,  
ёшидан яратди борлиқни худо.  
Чакмоқлар чақилди, тошлари синди,  
тошидан яратди борлиқни худо.

Кўнгилга доғ берди, дийдаларга — ёш.  
Куймоққа дил берди, севмоққа — аёл.  
Чўкмоққа тиз берди, эгмок учун — бош.

Жон берди аёлга этгудай нисор,  
уни деб ёнмоққа — шам каби ҳаёт.  
Берилмай қолгани биргина висол.

1999

\* \* \*

Дарахтлар жанубдан келмокда қайтиб,  
куёш қайтиб келар тонгласи шарқдан.  
Шамол бўлиб қайтар хотирлар — дайди,  
майса бўлиб қайтар ҳар битта маркал.

Баҳорга қайтади қўнгил ҳам, дард ҳам,  
булоқлар кўзида тинади осмон.  
Умид оғриқларга босади малхам,  
боғларга гул бўлиб қайтар Ёсуман.

Адирларга чиқар қизғалдоқ бўлиб  
мен севган аёлнинг жонталаш ёди,  
Гулиқаҳқаҳ қайтар, берсии йўлини.

Хар неки, баҳорга қайтади, моҳим,  
гул қайтар, сой қайтар. Ой қайтмас, дод-эй!  
Фалакка қадалар юлдуз нигоҳим.

1999

## ХАЛИ

Хали күймаган дил, қўйланмаган дард.  
Йиғланмаган йифи, қўрилмаган туш.  
Хали севилмаган бир гул — суманбар.  
Маломат кўрмаган ялангоёқ рушд.

Бир ёзиқ — хали-да қўл урилмаган.  
Юзига хали доғ тушмаган хилол.  
Оғизларга тутилмаган бир лаган.  
Хали тангрилар хол қилмаган Билол.

Хали сен ҳақингда сўзланмаган сўз.  
Хали тўқилмаган ғийбат ва фасод.  
Хали кафандикка бичилмаган сўз.

Битилмаган шеърлар. Сўнимаган умид.  
Бир кўнгил — бозори бўлмаган касод.  
Бир кўз — ололмаган хали мен юмиб.

1999

\* \* \*

Куйганинг мен бўлдим, суймаганинг — мен.  
Армонлар юракка тош бўлиб чўкди.  
Зил тортиб боради кўз ёш каби менг,  
сангижумон тортиб боради кўксим.

Хиссиз бўсаларнинг муз кирралари  
тош бўлиб, ёш бўлиб тирнар ёдимни.  
Мухаббат қарийди, эхтирос арир,  
хотирлар баҳтиёр этмишdir кимни?

Бу залил кўнгилнинг не залолати:  
суйгани сен бўлдинг, гулларга қасам!  
Не тонгки, манглайда ишқ маломати?

Дилимнинг барига қўлим етмайди,  
не васл — масалдир, не сабр — масал,  
мухаббатнинг жарохати битмайди.

1999

\* \* \*

Тақдир пешонангни тушларга солди,  
рухингни синдириш шўриш аёни.  
Сен, тадбир қаёндир, билолмай қолдинг,  
қисматинг қаёндир, исмат — қаёнинг?

Сопол синифидай тинжирап\* ҳаёт,  
бильмон, ёқларинг не, недир хоҳларинг?  
Елкангга бош қўйиб ҳўрсинар аёл,  
бўғзингга кўчади гул титроқлари.

На мақсад? На хақсан? Юрагинг оқсар,  
тушларинг бостириб келади ўнгга.  
Кўнгил, сен қаёнсан, кўнгил, қай ёқсан?

Юрак куяр, кўнмас на ўнг, на тушга,  
гарчи умидларнинг шарори сўнган,  
гарчи армон тифи қадалар тўшга.

1999

---

\* Тинжирамоқ — муайян буюм парчаланишининг шевада аталиши. — Мұхтаррір.

## НАМОЗШОМГУЛ

### I

Мен сени овутмоқ истадим,  
сочларингни силаб, эркалаб.  
Намозшомгул, мунглим, музтариб,  
ҳар сахар, ҳар сафар эрталаб.

Артгим келди күз ёшларингни,  
хам бошингга елкамни тутдим.  
Хилол каби тим қошларингнинг  
қоқ бағримга ботмогин кутдим.

Күнгил чўмди оқар ёшингга,  
қошларинг бағримга ботмади.  
Тошлиари ботдими бошингга?

Гулим, сени қай видо енгди?  
Қай жудолик дилда ётмади?  
Қай мухаббат азангга тенгдир?



## II

Тораяди қурбим фазоси,  
толдиради сабримни фуссанг.  
Бу не мотам, ишқ қазосими,  
Не рангларга бўлдинг мустаҳик?

Қайси чаманларнинг гулисан,  
севилмаган, топмаган қадр?  
Кимга мухаббатнинг қулисан,  
ғаминг надир, аламинг надир?

Қурбим фазосида ёлғизун  
юрак от суради — шахсувор,  
изтиробнинг йўллари узун.

Етолмайман ёнингда туриб,  
малҳамим йўқ дардингга — увол,  
ололмайман баҳордан қўриб.

### III

Күклям келди эгнингни күкляб,  
Мен бир ғофил, севинч туйибман.  
Дил дол этган ўмгани тиклаб,  
кайфунг қувончларга йўйибман.

Кимга аза очмишсан, гулим,  
менга қўнглинг очмассан нечун?  
Сочларингни излайди қўлим  
ёшинг дарёсини кечиб.

Суйгим келди сени жонимдан,  
исмиз туйгулар дафъатан  
олди чок-чок гирибонимдан.

Ситамларинг келди аритгим...  
Юрагимни сенга атадим.  
Бу тун соғинчларим қаритди.

## IV

Чаппароста айланар замин:  
айни баҳор күнгил хазони.  
Зохирига күчади замир,  
эгнингда бир қайғу азоби.

Чувалади оёқларингга  
баҳор эмас, нафармон фасл.  
Суйган саринг, куйган сарингга  
айролиқлар «этади насиб».

Юрак япроқларин тўқадир,  
тўқадир кўзлардан ёш қилиб,  
умид осмонлари чўқадир.

Илинчиз илинждан толасан.  
Бир кун келар, нафратинг тўлиб,  
сен севгидан қасос оласан.

V


Не тонг, баҳор изми куздадир,  
сахарларинг шомларга дўнар.  
Кемтиклишиб боради бадр,  
кўнгил тақдир мисоли синар.

Илтижолар этдим намозшом:  
тангрим, баҳор бундай келмасин.  
Жабринг бўлса, бўлса интиком,  
менга бўлсин, гулга бўлмасин.

Гул кўнглаги кўнгил шомидир,  
титраюман мискин, ғамбода  
сенсизликнинг аждар комида.

Сипкорурман сўнгсиз ҳасратим,  
бир ўтинчим бўлмайди адо:  
сени баҳорлардан асрасин!

1999



\* \* \*

Мажруҳ юрагимнинг кунжакларига  
нур бўлиб энади баҳмал овозинг.  
Кўй қанот боғлайди руҳнинг паридан  
намхуш кечаларнинг зил ҳавосига.

Фуссалар таркайди гул атри бўлиб,  
юлдуз бўлиб тарқар кўрошин ғамлар.  
Мен энди ўлмайман, нобарҳак ўлим,  
Гўрӯғлидай юлдуз чақнаган дамлар.

Зиркираб сингийди суюкларимга  
унут эҳтироснинг зангли унлари.  
Дилбарим, яна шу хотир зарилми?

Оғинар, соғинар, ёғинар юрак,  
овоzingда эрир кимсиз тунларим,  
баҳтсизликка кўра, баҳтимга кўра.

1999

\* \* \*

Мұхаббат — құксингга қамалған ҳаво,  
чиқиб кетолмайды қабутар бұлиб.  
Менинг вужудимда яマルған юрак  
зангли хасратларға ётади тұлиб.

Сен кимни севарсан ҳаволар билан  
жаннат равзасидан әнмаган бир гул?  
Мен сенга ёмғирлар бұлиб әландым,  
юлдуздай пойингга сачради күнгүл.

Ужмох боғларидан учмас қабутар,  
мен бир қул, құқларға тикилиб толдим.  
Давронлар үтади, карвонлар үтар.

Карвон құнғироғи ҳажринг жомидир,  
не мортув әдіки, юракни чолди?  
Мұхаббат ҳаётнинг интиқомидир.

1999

\* \* \*

Мен ҳам севган эдим куйгин ва далли  
азобларнинг темир исканжасида.  
Юракда минг битта жароҳат, яллиғ,  
видо, айролиқнинг тағин қанчаси.

Мен ҳам севган эдим мунғиб, эмраниб,  
кўз эмас, кўнгилнинг ёшлари билан.  
Ёшлар кор қилмади, мухаббат — ғаним,  
кўнгилни синдириди тошлари билан.

Ойналари синган дераза — кўнгил,  
унда на кулнинг, на гулнинг акси бор.  
Тиндингми, кўз ёшим, сўндингми, эй дил?

Мухаббат қайтади, бу кўнгил қайтмас.  
Парчин ойналарда ажал рақси бор.  
Ўйнайди. У — тилсиз. Келдим, деб айтмас.

1999

## **КАЙФИЯТ ХУЛОСАСИЗЛИГИ**

Бу тунни ичади аёлнинг ёди,  
тушлар ижараси тугамас минбаъд.  
Бу не узлуксизлик? Яланг хавотир.  
Манглай — михлар билан тирналган бир хат.

Тун мени сипқорар майхўр ва дилтанг,  
ёлғизлик аталган яра битмайди.  
Тунда қолиб кетар юрак мўлтиллаб,  
хеч ким тушларига олиб кетмайди.

Умидлар ахтарар Сомон йўлини,  
телбарар тунларнинг зулматин ёриб,  
Ой — хажр юрақда борар тўлиниб.

На гул бор синграга отини айтиб,  
на кул бор бошингга сочмоққа зорли,  
на йўл бор бош олиб кетарга дайдиб.

1999

## ХАЁЛ

Деразадан ёпирилиб киради шамол —  
үй ютоқиб олади нафас  
дамқисма чол каби.

Шамол күзгуга бориб урилар,  
чайқатиб юборар сатхини.  
Тұғон турап күзгу сатхида.

Лойқалана бошлайди күзгу.  
Лойқалар сачрайди уй деворига,  
ерга оқиб тушади лойқа,  
пардаларга сачрайди бетин.

Күзгуга қараб  
сочларини тараётган аёлнинг  
хаммаёғи шалаббо бұлар.

1999

## ҚУШЛАР САВОДХОНЛИГИ

1

Мана бу қүш — мусича.  
Үқимаган. Күрсавод.  
Күй оғзидан олган чүпин ҳам  
бозорда сотолмай юрган нотавон,  
камбағал.

Сайисхона бүгөтида унинг уяси.  
Инга сиғмас темирқанот чақалари.  
Оила режаси нелигин  
бilmаган бир қүш.

2

Буниси — қалдирғоч.  
Саводи ҳам бор хижжаларли.  
Уясини мактаб шифтига қурган.  
Жуғрофия үқиган, бирок  
бilmайди жанубдан ўзга томонни.

3

Буниси — майна.  
Бир замонлар комсомол бўлган.  
Немисқүш ҳам дейди бировлар.

Тили йўқ.

Унинг тилин кесиб қаттол замона  
маддоҳ шоирларга пишириб берган  
мустабидни мақташи учун.

Нима билишини айтолмас бояқиши.  
хозир пенсияда.

Бойүғли эса  
 отаси сотган  
 чолдеворлар пулига  
 Хорижда ўқиб келган.  
 Отаси энди унга  
 тунни хатлаб берган.  
 Бойқуш – тунлар султони.  
 Бироқ тунда ишланмайди. Савод керакмас.  
 Шунинг учун хам  
 унинг нима билишини тусмоллаш қийин.

1999

\* \* \*

Келиндинг, келмадинг,  
билиндинг, билмадинг,  
ёрижон.

Не севги? – гунохдир,  
тун оқдир, кун оқдир,  
ёрижон.

Бахорлар ўртади,  
ишқ сарсон ўртада,  
ёрижон.

Кўл айри, йўл айри,  
хайр энди, гулхайри –  
ёрижон.

Мен сени кечирдим,  
юракни ўчирдим,  
ёрижон.

1999

## ИСТИҚЛОЛ

Не устихон, дарёга солдинг?  
На балиқ, на холиқ билмади:  
Сен ким эдинг минг йиллар олдин,  
Кайдан келдинг, қайдан келмадинг?

Келмаганинг ростдир, эхтимол,  
Келганларинг ростмидир тағин?  
У не ўтмиш, у қайси шимол?  
Бу не бугун, яйраган бағир?

У не кеча, сайд сүяклар  
Күмир каби қораймиш бирдан?  
Бу не бугун, массагет, саклар  
Ўмганини кўтарар ердан?

У не кеча, устухонлари  
Камон каби букилган миллат?  
Бу не бугун, хур бўлган сари  
Сүякларин ювади йиллаб?

Хар бир хожа, хар бир сайднинг  
Кора сүяклари оқарап.  
Бугун кимнинг ийди – ҳайити?  
Суяк чайқаб олар тахорат?

Тушларини терс қилиб кияр,  
Армонларин олар ўнгариб.  
Энди сенмас, ўзини сурар  
Кечаги ҳар мазлум ва ғариб.

Мозий томон умр қарийди,  
Ёшаради келажак сари.  
Мустабидга меҳр арийди,  
Нафрат бўлар азмойишлари.

Не устихон, дарёга солдинг.  
На балиқ, на холиқ билмади:  
Сен ким эдинг минг йиллар олдин,  
Кайдан келдинг, қайдан келмадинг?

## МУЧАЛ ЁШИ

(қүшлар тилида)

### I

Теппангда увиллар қисмат бўрони.  
Тегрангда айланар номаълумликлар.  
На истак аёндир, на мақсад аён,  
на кимни излаганинг  
ва на изламаганинг.

Аро йўл.

Бу йўлнинг адашишлари  
ва ўзинг кўрмаган, билмаган  
нарсалар хақида ўйлаш азоби,  
шунингдек, улар хакда билмаганларинг  
ва билганларинг  
тасаввур ғалвирига  
солиб эламок,  
қолганларин эса  
юрак қонинг билан ювмоқ  
машакқатин енгиб яшамок  
мушкуллиги қийнар сени аниқсизликдай.  
Қаён бормоқликнинг аниқсизлиги  
валекин  
кайгадир юрмоқлик заруратидан  
гирён одам изтиробларин  
узлуксизлиги  
вақт каби тинимсиз  
пешонангнинг ажин — ариқларидан  
окиб ўтар ингрок бўлиб, инчкироқ бўлиб.

Вақт оғриғи.

Фоялар бошини уриб ёрган вақт.  
Кўзлари кўр унинг, кетар йўлни кўролмас,  
кулоғи кар унинг, эшитолмайди  
йўл кўрсатиб бақираётган дахоларнинг  
қичқиригини.

қайга ўтишини билолмай ҳалак  
вакт бечора.

Вакт ўрмалар,  
тинимсиз бўғади,  
кайгадир судрар  
англамсизликдан  
бўғриқиб, ичиккан хиссиётингни.

Аро йўл.

Вакти  
ўтмаётган одам изтиробларин,  
иккиланишларин сувга ташлайди  
туш каби.  
Сувга оқмас иккиланишлар,  
изтироблар оқиб кетмайди сира,  
ётар юракни ёлмалаб.

Йўл билмаган одам,  
адашган одам  
эркин бўлолмас  
кишанлардан халос бўлиб ҳам.  
Қаён қўймоғини билмаса эркни,  
тадбирнинг ...корлиги ...сизга айланса,  
истифода этмоқ ўринига  
...сизлаб ўтирсанг уни тақдирдай,  
эмминлигинг қаён қолгайдир,  
қолмагай қаён?

Хар қандай қушнинг  
ихтиёран қафасга кириш  
эрки бор,  
тузокка тушмоқлик имкони бордир.  
Бу имконни қўлламаслик мажбурияти  
унинг эркинлигин таъмин этар аслида.

Шу мажбурият адашмоқ имконидан  
фориғ тутар инсонни.  
Адашмоқ истаги йўқдир инсонда,  
лекин ҳаққи бор.  
Шу ҳақда – бирор йўл танлаш имкони,  
шу ҳақда – баҳт ҳамда баҳтсизлик,  
гуноҳ ва савоб,  
vasl ва хижронлар потенциали,  
шу ҳақда келажак маънилари бор,

шу хақда — келажак маънисизлиги,  
шу хақда ўлим бор,  
шу хақда — хаёт,  
шу хақда йўлинг бор, йўлсизлигинг бор,  
шу хақда — мақсаддан сўнгги йўлсизлик,  
шу хақда — йўлсизликдан сўнгги бир мақсад,  
шу хақда — умид ва яшаш малоли,  
шу хақда — муҳаббат, муҳаббатсизлик,  
шу хақда — адашиш хидоятлари,  
шу хақда — хидоят адашишлари.

Умид раҳмон тавсиясидир,  
ким тўғри йўл топса, адашар,  
адашганлар топиб олар йўлини,  
тадбир эркин бўғар тақдирнинг сиртмоқлари.  
Шайтон ҳам ўзингсан, раҳмон ҳам ўзинг,  
умидсиз — шайтонсан, умидли — раҳмон.  
Пешонанг тирнайди азоб ханжари,  
(тангрига айланар азобинг, аросатинг)  
ёзиғу савоблар ёзади  
пешонангга ажинлар билан.  
Ажр аросатдир  
жазо — аросат.

Таянч нуктаси йўқ аросатингнинг,  
мақсад вазнисизлиги бор,  
умид қадрсизлиги.

Умидларни еб битирган қадрсизланиш,  
кўнгилнинг ярми,  
юракнинг чорақ қисми  
қолмиш қадрсизликдан.

Мохиятни емириб борар  
сўзларнинг бу қадар бекадрлиги.  
Кеча дунёларни яратган сўз  
буғун бозорларда ўтмайди.  
Кеча солих амалларга бошлаган калом  
буғун адаштирас фикрсизлик ўрмонларида.  
Кеча сўйдирган сўз  
буғун куйдирас.  
Кеча мағзи бутун бўлган ақида  
буғун ўлиб кетган тошибақанинг  
косасидай бўм-бўш ётибди.  
Кечаги алқашлар

бугунги қарғиши.  
Кечаги умидлар  
бугунги армон,  
армон — қадрсизланган умид.

Кеча...  
бугун...

Эртан нима бўлар?  
Нима бўлмайди?

Кеча ва эртанинг оралиғида  
судралади банги, ногирон  
вақт,  
қаён бормоғини билмайдиган вақт  
бемадор.

## II

Бир нидо келади ўтмиш қаъридан,  
рухингни тинчитмас, азоблар берар.  
Тушларингга кириб чиқади  
бир акс, лек акссиз нидо.  
...Ўрмалайсан ўрларга қараб тинимсиз,  
хар куни, хар кеча,  
хориб уйғонасан, чарчатар тушлар.  
Рухингни тинчитмас ўзинг билмаган,  
нотаниш, номаълум хисларнинг  
бесу́роқ тушингга киравериши.  
Қочасан,  
қочасан, қутулолмайсан.  
Уйғонсанг, эртаси яна келади.  
Не азоб?  
Не гуноҳ қилдинг, худойим,  
қилмадинг, эвоҳ?  
Нечун ўрмалатар ёвқур битта куч,  
кимнинг ё ниманинг иродаси,  
ё ушалмай қолган армони,  
ёки аро йўлнинг мақсадсизлиги?  
Кимнинг арвоҳидир мени кийнаган,  
қай бир ўтган қишлоқдошим арвоҳини  
чирқиратдим мен  
мусофириликда.  
Нечун кўйиб юбормайди ноаниқликлар?

Тушларимни йўёлмас ҳеч ким,  
қушлар тушунмайди таъбирни,  
таъбирчи малоиклар мазхаб талашар,  
таъбир билан, такбир билан иши йўқдир  
уларнинг.

Рух чайқалар шайин мисоли,  
гоҳ хавотир оғир келар,  
гоҳи — умидлар.

Мувозанат йўқ.

Хавотир — мушаккал бўлмаган умид,  
ярим умидсизлик — хавотир.

У ярадай очик,  
башоратгўй тушлардай аччик,  
Унинг рухингни кесиб  
ўтган дамини  
тушларинг ўнг  
келганидан сўнг  
сезасан.

Хавотиринг қўнгилдай очик  
киргучи аниқсизлик, маълумсизликка.

Кун келар, алоқ-чалоқ тушларни  
кечмиш муайянлиги  
билан хатлар қунларингга  
такдири азал.

Пешонангга тирналгани  
кувонч бўлиб, қўзёш бўлиб тўкилар.

Қунларингни тортиб олар вакт,  
вакт бермайди ёпишган нарсасини,  
ўзи билан олиб кетади

Ва сени кечаги қунингга,  
қўймайди сира.

Вакт хижрати,  
мухожирлиги.

Факат йўйилмаган тушлар хавотири  
кечаларда қолиб кетмайди.

Сен билан бирга ўтар  
янги қунларга.

Сен қилмаган гуноҳларнинг масъулияти  
сингари таъқиб этар.

Гарданга оласан маломатларни,  
дунёнинг бор гуноҳларин, иштибоҳларин

анжуман хилватида  
нақшбандчи бўлиб – маломатпарвар.  
Бу гарданда Савур бахшининг  
ёзиб олинмаган достонлари хуни бор.  
Бу гардана – ўнг келган тушларнинг  
айроликлари.  
Бу гардана –  
генохлар учун  
тавба-тазаррулар мажбурияти,  
қилинимаган гунохлар учун бир ўкинч.  
Бу гардана номаълумлик хавотири бор.  
Йўлсизлик бор,  
келажакни тополмаётган,  
ваҳиманинг кўзларини ёполмаётган  
йўлсизлик.  
Келажак эса душман каби устингга  
қўккисдан бостириб келади.  
Қай тарафдан келишини билмайсан.  
Гоҳ қишлоқдан келар телеграмм бўлиб,  
гоҳ таътил бўлиб келар сен олмайдиган,  
гоҳ мактабга чиқадиган қизчангга  
кийим олиш зарурати бўлиб келади,  
бозорга судрайди келажак.  
Гоҳо тўланмаган электр хаки бўлиб,  
чироғингни ўчиради у...  
Гоҳо...  
Гоҳо...  
Келар, келаверар, тинмай келади,  
келмаслиги эса ўлимдир.  
Тушлар синаб кўтар  
номаълумлик хавотириин олдиндан.  
Дариғо, ўтмишнинг акс нидолари  
келажакдан келар.  
Чунки бугун ва келажак ўртасидаги  
синирлар очиқдир  
кеча ва бугундан фарқли ўларок.

### III

Кечмиш вақт дарёсига отилган тошдир,  
чўкиб ётар событ, мустахкам  
юрак тубидаги оғриқлар каби.  
Уни ўзгартириб бўлмайди,  
шиша ортидаги  
кўргазма ашёсидай

ташланар күзга  
гох живирлаб,  
гохи турғун,  
гохи чайқалиб,  
халқоблар орасидан  
элас ва элас.

Кечмиш уйғонади  
кишки уйқусидан турған илондай  
йүлсизликнинг муқаррар хавфидан  
хидоят бўлиб,  
химоят бўлиб.

Йўл топиб беради адашиш хаққи,  
йиқилмоқ имкои бошлар солиҳ йўлларга.

Хидоят қай йўлдир, адашмоқ қаён?  
Кимнинг улоқишин хидоят дейсан?

Аслида хидоят –  
набийларнинг адашишлари.  
Сенинг адашишинг нимадир  
валиларнинг адашиши олдида?  
Сен қаён борурсан муриди бўлиб  
ўзи йўлни тополмай,  
дунёнинг бор гуноҳларини  
бўйнига олган  
пири муршидларнинг ортидан?  
Қайси йўлга кирсанг хатодир,  
кирмаслик – куфр.  
Тарих – хатоларнинг,  
гуноҳларнинг  
солномасидир.

Вакт адашди сенинг имконларингда,  
йўл адашди – юрмай қўйдинг сен.  
Қўнгил даштларида куйдирги нола  
йўл излаб ўртайди хонумонингни.  
Мехмонларин кузатган бекадайин вакт  
йифиштириб кетган йўл – поёндозни  
оёқлар остидан  
ва ёки  
йўллар сўқмоқ каби  
кор остида қолиб кетгандир.  
хали баҳор узок.  
Баҳор ва кечмишнинг оралиғида  
саргардон кезади бир саросима —

йўлсизлик  
боласини йўқотиб қўйган  
она каби безовта, хайрон.

Йўл азоби қийнаса кимнидир,  
йўлсизлик азоби чийратар сени.

#### IV

Мучаллар устингга ёғилар  
халқалар бўлиб  
остинма-устин,  
вужудингни кўмиб боради.

Халқалар айланар,  
чамбарак ичида қолган олмахон —  
танинг йўл тополмай қийналар,  
айланар чамбарак ичида гирён.

Чамбарак гулчамбар бўлмайди.  
Йўлсизлик, одатда, гулчамбар эмас,  
сийланади хидоят билан.

Чамбарак — давринг мақсадсизлиги,  
чамбарак — қайгадир кета билмаслик  
ва кела билмаслик ўзинг кутмаган  
тарафлардан қўқис, дафъатан  
ўзинг турган жойга қайтадан  
ихтиёран ўзингни излаб.

Лекин аслида  
мучал халқалари қайтариб келар сени  
бир куни яна  
турган жойингга  
сочинг оқартириб, юзинг салқитиб.

Турган жойга қайтмоқлик учун  
йўлга чиқмоқ маънисизлиги  
қадрсизлантирас мақсадларингни.

Уч мучал — уч халқа,  
Темур яловига туташми тақдир?  
Тадбир туташмидир  
ўтмишнинг гуноҳу савобларига?  
Келажак ўтмишга қайтади  
шу халқалардан.  
Шу халқалардан  
ўтмиш келажакка ўтиб боради.

Халқалар рухингнинг Сомон йўлидир,  
вақт сомон ўрнига  
хаётингни тўкиб халқалар  
ясади ундан.

Рух Темурнинг байроғи каби  
ёки сунъий йўлдош сингари  
халқаларни қамрар бус-бутун.  
Факат  
юракдаги зилзилалар муттасиллиги  
халқаларга етказади дарз.  
Рухни қабул қила олмайди  
дарз кетган жойлар,  
айниқса,  
янги бир халқанинг уламалари.  
Айнан шу йўлсизлик ва аниқсизлик,  
умидсизлик шу уламадир.

Шу улама жойлардан  
руҳ кўчар химоя қопламасидай  
— таносух.

Рухинг — андухинг,  
қай бир ўтмишдошингнинг  
вужудида гуноҳга ботмиш?  
Кимнинг гуноҳлари эвази  
қийналади жон  
ҳаросатли аросатларда?  
Ўрта ёшнинг танглиги ва йўлсизликлари  
бошингда ғажирлар бўлиб айланар.  
Сен қочиб кетолмайсан,  
оёғингга ёнишиб қолгандир замин,  
тўнтариб қўйилган бошингга осмон,  
руҳ қамролмай қолар халқаларингни.

Бу қийноқлар  
кимнинг вужудига қайтар бир куни  
кўчган рух билан  
фароғат бўлиб?

Ким у ўша, пешонасида  
сенинг йўлсизлигинг эвази  
олис келажакларда  
йўллар кўплигидан қийналгувчи зот?

Не йүлни танламоқ эрки у,  
қаён юрмоғингни билолмай турсанг?  
Йўл тополмай қақшар интилиш.  
Умтилиш қақшайди севги армони бўлиб.

Асли иккиси ҳам бир нимарсадир:  
умидсизлик умиди,  
умид умидсизлиги  
бордир ҳалқаларнинг дарз еган жойларида.

Устма-уст қўйилган ҳалқалар  
гирдоб бўлиб  
юксакларга ўрлаб боради,  
куйган кўнгил,  
куйган умид,  
куйган мақсад тутунларини  
ўзи билан олиб кетади  
шу юксакларга.

Ҳар бир учган юлдуз унга тушади.  
Юлдузлар мозори – бу кўнгил.

Энди бу кўнгил –  
пушти куйиб кетган бир мозор  
гўрўғли – мақсад  
туға олмай қийналар.

Ҳалқаларнинг учи бўлмаганидай  
кийнокларнинг хулосаси бўлмайди,  
бордир факат давомийлиги,  
узлуксизлиги,  
дарзларни хисобга олмаганингда.

## V

Гунохинг – ҳалқанинг дарз кетган жойи.  
Кўнгилнинг кўзини очмоққа  
ва тазарруъ этмоқ учун эл қатори  
гунох керак сенга даставвал.  
Сен билан бирга  
қариётган оқсоч дунёда  
ўзгалар гунохи учун тавбалар  
этмоқ балосидан асрар бир куни  
ўз гуноҳларинг.  
Қолаверса, ҳаёт ўз савобларин  
ўлчар сенинг гунохинг билан.

Сенинг гуноҳингдан келади Маҳшар,  
Аллоҳ иродаси.

Сенинг гуноҳларинг қилар ижобат  
пайғамбарлар башоратини.

Гуноҳларинг ювасан  
ва осиб қўясан байроқчалардай  
куритмоқ учун дорга,  
малаклар йўлини топиб олгайдир  
байроқчаларга қараб.

Сени олиб кетар гуноҳлар  
сандиқда ё Нуҳ кемасида  
қаю тараф, қаю бир ёқлар  
йўлсизликнинг вахимасидан?

Бир гуноҳки, гулни севарлик,  
гулсиз пешонангда, найларсан?  
Бир гуноҳки, зеру забарлик,  
юлдуз бўлиб сачрар ойлардан.

Гуноҳларинг радди балодир,  
кўмири дилда фамрез хидоят,  
гоҳ ўтга, гоҳ сувга соладир.

Сандиқда оқурсан Журжонга  
йўлсизликдан излаб химоят.  
Гулнинг ишқи ўтади қонга.

Бир йўқлов унади ҳавотирлардан,  
тусмоллай бошлайсан аниқсизликни,  
пайпаслаб кўрасан қайтадан.  
Йўл эмас,  
армонга бир таскин келади.

## VI

Мозийга отландинг. Йўллар берк.  
Кетар йўлни замонлар ёпди.  
Юрагингда тахқир отлик чер,  
Замонларнинг ортидан чопдинг.

Эландинг, беландинг ёшингга,  
Ёш ўрнига йигладинг қонлар.  
Муножотлар этгандинг кимга  
Ижобати бўлди ёлғонлар?

Савур бахши дўмбирасин сен  
Наволарин сўрдинг фалакдан.  
Нағмаларин сўрдинг атайин,  
Жавоб йўқ на хақ, на малакдан.

Вакт қайтариб бермас қарзини,  
Достонларин сўрдинг, бермади.  
Кимларга айтарсан арзингни  
Бирорлар ғамимни ерми деб?

Йитиб кетди вакт даштларида  
Сен истаган қуралай оханг.  
Сен излаган наволар барин  
Замон чайнаб ташламиш, аттанг!

Гуллар қайтар, қайтмайди наво,  
Қайтиб келмас қувваи хофиз.  
Кунни қайтиб беради ховар,  
Лекин қайтмас на достон, на сўз.

Кетиб борар умр карвони,  
Йўл ахтариб, жомини чолиб.  
Қўксингда бир қўшиқ армони  
Умидлардан келади ғолиб.

Фояларга таланар карвон,  
Вакт талайди уни бешафқат.  
Не кўргулик ва не бу карма,  
Рух ўлмайди, куй йитмиш фақат?

Харосатга тўла кечмишдан  
Сен савоб – бир сулук ахтардинг.  
Савоб йўли узук бир ришта –  
Куя еб ташлаган. Хатарли.

Оҳангарлар хокини изладинг,  
Изладинг сўзларнинг хокини.  
Тополмай инградинг, бўзладинг  
Сангижумон – тошга топиниб.

Тош жуссаси ерга кўмилган  
Ботирнинг бошидай чайқалар.  
Кўзлари бир дамга юмилган,  
Гирдини қопламиш лойқалар.

Бахшининг овози, эҳтимол,  
Тош сиртига қолгандир сингиб?  
Арвоҳидир балки шамоллар,  
Кирларни чайқайди – бир денгиз.

Чайқалади тош – Сангижумон,  
Унинг уйғоқ сўзицир балки,  
Тоғ бошини ўраган туман  
Қайтаётган куйдир – у чалган?

Эҳтимолки, Маҳмуд Намозни  
Бахши қилиб бермишдир хаёт?  
Бахши қўлдан туширган созни  
Қўлларига олмишдир нахот?

У чалади, чертим уйғонар,  
У куйлади, айтим келади.  
Сўзлар куяр, оханглар ёнар,  
Савур бахши қайтиб келади.

Савур бахши қайтмас, қайтади,  
Ким ё нима бўлиб, бўлмайин.  
Маҳмуд бўлиб достон айтади,  
Айта олмас. Келар келмайин...

## VII

На келмоқ тайини  
ва на келмаслик аниқлиги.  
Бир пайтнинг ўзида келиш-келмаслик  
бирлиги қийнар сени.  
Куз фол очар баргрезон билан,  
дараҳт япроқларин юлади  
                    бир-бир ва ерга ташлар:

к	к	к	к
е	е	е	е
л	л	л	л
а	м	а	м
ð	а	ð	а
и	ў	и	ў
.	ð	.	ð
.	и	.	и
.	.	.	.
.	.	.	.

Ойлар ўтар,  
эҳтирослар совийди күнгил каби,  
турғунлашиб боради фикр:  
максад оқлар воситаларни,  
жараён хар нарсани оқлар.

Сесканиб кетасан дафъатан  
миянгга урган бу фикрдан.  
Юрагингни совук бўлиб уради фикр.

Япроқ бўлиб тўкилар  
совук урган юрак қўққисдан  
ўзининг гуноху савоби билан  
умид дарахтларин остига.

Юрак – япроқ.

Шамол ейди кузги япроқлар,  
дарахтлар шамолдан тўйиб олади,  
далалардан сой бўйлари,  
изғиринлар урмайдиган хилват жойларга  
қайтаётган дарахтлар.  
Мезон шамоли.

Мезон шамоли  
сув юзига ажин туширап –  
куз билан қўшилиб қарийди дунё,  
хазонларга қўшилиб,  
мезон шамолида учиб юради  
қаён бормоғидан бехабар  
ва сувга тушар.  
Сувга тушиган хазонлар  
ҳалқоблар ясади ҳалқа ва ҳалқа.  
Дарахт ёшига тенг ҳалқалар,  
тўнкага менгзайди сувнинг юзаси.  
Кенгайиб боради ҳалқалар қирғоқлар томон  
ва тиниб қолар.  
Сув эса  
тиниб қолган ҳалқоблар устидан  
хазонларни оқизиб кетар  
узок-узокларга.

На ҳалқа, на мучал етиб боради  
оқим измига тушган  
хазон ортидан.

Елканларни хайдайди мезон,  
хазон — мамот қайифи юзар  
халқалар қуршовидан ташқарида  
эмин ва эркин.  
На мақсад, на эрк ва на ғоя билан  
иши бор унинг,  
умр яшалиб бўлган.  
Мезон шамоллари турсалар эсиб,  
нам тортиб кетмаса сувнинг қаърига,  
хазон узок-узоқларга сузиб кетади.

Унда на мазмун керак хаётга,  
унда на баҳт ёки баҳтсизлик,  
на шаклини топган умидлар,  
на мазмунин топган армонлар,  
на манзил аёнлиги,  
на хидоят қаёнлиги,  
на йўл ва на йўлсизлик,  
на ихтиёр, на ихтиёрсизлик,  
на кўнгил, на кўнгилсизлик бор.

Оқим.  
Йўлсизлик йўли бу,  
кўнгил кўнгилсизлиги,  
маълумликнинг номаълумлиги,  
номаълумлик маълумлигидир...

Мезон мувозанати  
ва шамолнинг бир текислиги  
хазонни чўқтириб юбормас.  
Халқалар — мучалнинг гирдобрари  
ортда колиб кетган тушкун кимсаннинг  
некбинлиги каби олис ва олис.  
Олдинда оқим бор,  
ён-верда оқим.  
Оқим тўхтамайди бир зумга.  
Оқим абадийдир, мезон — ўткинчи.  
Шамоли хам колиб кетар кузак далаларида  
хазон қувиб, тупроқларга беланиб.

Қолгани эса  
мезонда туғилган шоирнинг  
иккиланишлари, кечинмалари...

## МУҲАББАТДАН СҮНГ

Армон – жўнатилмай қолган кўхна хат,  
Хеч ким ўқимаган, суртмаган кўзга.  
Юракда сарф бўлмай қолган муҳаббат  
Зард ва ажин бўлиб тепчийди юзга.

Йиртиб ташланмаган, ғижимланмаган  
Армонни хижжалар дил оғриқлари.  
На «нима»ланмаган, на «ким»ланмаган  
Софинчларинг тошга айланар... қариб.

Кун келар, тугайди армонлар зулми,  
Гулнинг хижрони ҳам тугар нихоят.  
Сени ҳароб этган шу битта гулни  
Нечун севадирсан бу қадар аяб?

Армон – гул сиғмаган манглай торлиги,  
Армон – қул сиғмаган икки жаҳонинг.  
Армон – севилмаган дилнинг борлиги,  
Армон – қўлинг эмас, кўз ёшинг қони.

Энди соғинчдан-да, муҳаббатдан-да  
Ёт бир эҳтирослар юракни қамрар.  
Лабларда кулгимас, заҳар бир ҳанда,  
Кўнгилда аламмас, ёт туйғу амри.

Бу туйғу армонни гуноҳлар билан  
Ювмоқ истагидан топар қаноат.  
Унинг оқибатин на ҳолиқ билар,  
На шайтон билади – мусибатпеноҳ.

На юрак билади – мактаб кўрмаган,  
На кўнгил билади – азоб кўзгуси.  
Сени умринг бўйи эзган, хўрлаган  
Хисга норозилик боради ўсиб.

Лекин норозилик – армон хиссини  
Кимнинг қони билан юварсан ҳалак?  
Димоққа ўтирган қасос исини  
Чўпчак айтиб аритарми бир малак?

Шахризоданг қани, дўстгинам, сенинг,  
Қани минг бир кечанг овунмоқ учун?  
Борми бу аламнинг адок ва эни,  
Юриб етолмаган етарми учиб?

Ўша аёлдан баҳт сўрамасликка  
Сенинг йигит қурбинг келмайди нечун?  
Ўзгалар баҳтидан тўрамасликка  
Наҳотки етмаса ироданг, кучинг?

Сенга баҳт не керак, баҳтсизлик – нега,  
Гуноҳдан тасалли излаган одам?  
Ёзиқларга чиқмоқ истайсан эга,  
Нимангдан, кимингдан қолган бу одат?..

Ҳар неки ўткинчи: қадр, бадр ҳам,  
Барини омонат яратмиш тангри.  
Фақат гуноҳ қилмоқ эрки абадий,  
Фақат юкунмоқлик истаги мангу.

1999



## ИЗЛАМ

(Румиёна)

Мен ўзимни сендан изладим.  
Излаш азобининг тотлари  
Тополмаслик сингари қадим.  
Мен сенга сочилдим тарикдай.

Мен сендан тераман ўзимни,  
Битталаб ўзимни тераман.  
Сен-чи, мендан йифасан кимни,  
Мен сенга кимларни бераман?

Сендан ўзни топмаслик ўйи  
Юрагимга солар ваҳима.  
Изlam – ўйин, гизланмоқ – ўйин,  
Рахмон раҳм этмас оҳима.

Рахми келган ёлғиз сенмикан,  
Менга изlam имконин берган?  
Ўзни тополмаган меммикан,  
Ўз ўрнига маломат терган?

Мен ўзимни килдим маломат,  
Сенга кудуратдан асрасин!  
Сендан келар ҳар неки омад,  
Мендан – омадсизлигим насиб.

Йўқотмоқнинг муқаррарлиги  
Тенгдир топмоқ эҳтимолига.  
Омонат – дунёда борлигинг,  
Абадийдир йўқлигинг. Нега?

Унда нега сендан изладим  
Мен ўзимни қонимга ташна?  
Имконландим, имконсизландим  
Гоҳ интиқиб, гоҳида қақшаб.

Кимни олиб кетди бу фано,  
Сеними, сендаги мени ё?

Менми, сенми, айт-чи, ким қани,  
Қайсимиизда адашди дунё?

Сен ким бўлиб менга қайтарсан,  
Мен қайтарман сен томон ёхуд?  
Менга кимлигингни айтарсан,  
Машрабмисан ё Бозор Охунд?

Бу йўллар сарғарди – келмассан,  
Мен ўзимни бунчалар кутдим?  
Қанчалар кутганим билмассан,  
Қанча-қанча изламлар ўтди.

Сени изламадим. Изладим  
Сендан мен ўзимни тинимсиз.  
Топмадим, бўзладим, музладим,  
Кўзларимда қасирлайди муз.

На топмоқлик бўлар мустажоб,  
На топмаслик насиб этади.  
Излаётган кимарсанг, ажаб,  
Изламасанг қайга кетади?

Топмоқ учун изламаслигинг,  
Излаш учун топмофинг даркор.  
Бу туйғулар нақадар чигил,  
Хар чигили бир сиртмоқ арқон.

Мен ўзимни сенда сурман,  
Гоҳо топиб, гоҳо топмайин.  
Сени топганимдан куярман,  
Куядирман топмаган сайин.

Мен ўзимни сендан изладим...

1999

## КУЗ ЁМФИРИ

(туркум)

### 1

Хазонлар әргашди армон хайлига,  
Куз видо истади күнгил майлига,  
Ёмфирлар ёғади хижрон сайлида,  
Куз ёмфири,  
хижрон ёмфири.

На күз — тикарга, на умид — боғларга,  
На сүз — айтарга, на димор — чоғларга,  
На гул — севарга, на күнгил — доғларга,  
Куз ёмфири,  
хижрон ёмфири.

Илинж сахросида бир жуфт күз сағир,  
Суймогинг осондир, куймогинг оғир,  
Қантардай умид ҳам бормоқда оғиб.  
Куз ёмфири,  
хижрон ёмфири.

Армон ажр бүлди, фажр бүлмади,  
Күнгил қакнус бүлди, ғажир бүлмади,  
На суйгу, на куйгу вожиб бүлмади.  
Куз ёмфири,  
хижрон ёмфири.

Күнгил ёғар, шивалайди майдалаб,  
Бир куй бүлиб, останангдан хайдалар,  
Эгам, эгам, не дардинги, қайталар?  
Куз ёмфири,  
хижрон ёмфири.

### 2

Ёмфирларда колган дайди ит  
ёрнинг тилло останасидан  
хайдалган менинг севгим.

Энди у кулбамга  
қайтмас ҳеч қачон.

Дайди ўқ каби  
дайди ит – севгим.

Дайди итнинг траекторияси  
тақдирим бўлиб  
синади ҳар муюлишда.

### 3

Ойна каби шаффоф шамол  
йўлида учраган  
нарсаларга урилиб синар.

Чумчуқларга айланар шамолнинг синиклари  
даражаларга кўнмоқ учун  
япроқлар ўрнига.

### 4

Ёмғир – улкан кўнгил дарахтининг  
ёғаётган хазон ва рангпар  
япроқларири.

Хижрон тўлиб қолган бу япроқларнинг  
хар бир сўнаётган хужайрасига.  
хар бир япроқ симбодай оғир,  
юзингга келтириб уради шамол  
бу япроқларни.

Юзга санчилади мавхум хижроннинг  
сенсизликнинг хазон фаслида  
моддийлашган тиканаклари.

### 5

Кузда осмон ҳақда сўзланмас,  
айникиса, ёмғир пайти.

Қишки уйқусига кетади худо  
осмон – кўзини юмиб.

Осмонга айланар булутлар  
кузда.

Күнгил эса  
худога айланар  
айтиб йиғламоқ учун  
намозшомгулни.

Бахор ёди.

## 6

Мен – йўқсил ошиқ  
энгил килиб кияман дилни  
кузнинг салқин ҳаволарида,  
ёмғирли кунларда.

Дилим катта келар эгнимга.  
Ерларга судралар дилимнинг бари.

Ёнимда сен бўлсайдинг, севгилим,  
жуңжикиб турсайдинг ёнимда,  
дилимни ёпсайдим эгнингга.

Дилимни ёпиниб ўтирайдинг ёнимда  
елкамга бошинг қўйиб...

## 7

Умид  
жанубга учиб кетолмайдиган  
тутқун қуш каби  
қунишиб турар ёмғирда  
бир оёғини  
қанотлари остига олиб.

Юрак томи ўпирилиб тушган  
эски уй каби  
вайрондир.  
Унинг деворлари  
шамолдан асрани мумкин умидни,  
бироқ ёмғир атрофдан эмас,  
кўқдан ёғар...

1999

# ТАРЖИМАЛАР



## ПАБЛО НЕРУДА

(Чили)

\* \* \*

Ўсимлик, шароб ёки тошнинг оти — Матильда,  
не туғилган, неки мавжуд — у барининг отидир.  
Бу исмнинг шуъласидан тонглар ёришар игоҳох,  
бу исм парвозидан турунжлар ёлқинланар.

Бу исмда кемалар сузиг юрар бемалол,  
йўл кўрсатар дengизнинг ложувард чироқлари.  
Бу исмнинг харфлари — сувнинг нуқра оқими,  
какраган юрагимнинг чанқоғини босади.

Мен чирмовуқ остидан излаган ушбу исм  
гўёки Бояни Эрам, ё жаннатга элтувчи  
ер ости йўлагининг сехрли туйнуғидир.

Қайноқ бўсаларингга кўмиб ташлагин мени,  
жонимга қада, майли, тунги нигоҳларингни,  
фақат исмингда юзиб, ухлашга изн бергин.

\* \* \*

Севгім, бұсагача бүлган йұл узок,  
сафарда йұлчини қийнар ёлғизлик.  
Ёмғирда ивийди сарсон поездлар,  
Талталга әнмади то хануз баҳор.

Лекин биз биргамиз, о, мұхаббатим,  
илдизлардан тортиб кийимларгача,  
куз каби, сув каби ва сонлар каби  
биргамиз бегона, айридан күра.

Қанча қум, қанча тош, қанча шағални  
дарё Бароага оқизиб кетди,  
қаичалаб миллатлар, қанча поездлар

инсоният билан, чиннигул билан  
зуvalаси битта севишган, севган  
ошиқ-маъшуқларни айриб қўйди.

\* \* \*

Бинафшадай тикандан тож кийган золим севги,  
эхтирослар зүридан хурпайиб олган бута,  
ғазаб оти яғринин яра қилган ғам тифи,  
нечун, қай йўллар билан юрагимга йўл солдинг?

Менинг барги резонлар тўзган сўқмоқларимга  
нечун ташлаб юбординг ҳасратларинг ўтини?  
Ким у сенинг йўлингни менинг қошимга бурган,  
ким у кулбам кўрсатган, гулми, тошми, тутунми?

Вахим тунни қўрқувлар босиб келар бегумон,  
шафак қадаҳларини майга тўлдиргани рост  
ва рост кўқдан қуёшнинг жизғанак куйдиргани.

Севги эса, севгижон бўлди менга парвона,  
бағримни тилка қилди найзалари, тикони,  
куйдиргижон оташи юрагимга йўл солди.

• • •

Бирга кетайлик, дедим, токи ҳеч ким сезмасин,  
менинг фуссали жуссам не дардан тұлғонишин.  
На қүшиқ, на чиннигүл насиб этмади, дилда  
химоясиз севгининг теран оғриқлари бор.

Бирга кетайлик, дея эландим мен такоран,  
лабларимда қонаган ойга парво қилмаслар.  
Кон сатхи құтариладар, бирор кимнинг иши йўқ,  
юлдузлар тиконини эсла, майли, муҳаббат.

Бирга кетайлик, деса қўнғироқдай овозинг  
майшиша очилгандай ташқари тошиб чикар  
азоблар, муҳаббатлар, нафратлар – бари-бари  
банди бўлган қоронғи ертўласидан шитоб,  
оташнинг унут бўлган таъмини туяр лаблар,  
тош ҳам, кон ҳам ва гуллар ҳам мени куйдирди қайта.

\* \* \*

Үр тошга тўқинар тўлқин зарбаси,  
оламлар ёришар — потрап атиргул! —  
Кўкимтири шўр томчи ва фўр узумга  
дўнади денгизнинг дунёқариши.

Эриб гул бўлади магнолиялар,  
фусункор дайдишлар, гуллаган ўлим,  
фанодан бақога мангут қайтишлар,  
туйилган тузларнинг эврилишлари.

Химоят этгумиз сукутимизни,  
мухаббатим, денгиз қийрата бошлар  
завқининг ҳайкал ва минорларини.

Эҳтимол, шунданми, нам ва қумлардан  
иборат кўз илмас хужайраларда  
қувғиндан асроймиз назокатни биз.



Ишқ судраб келадир хасрат түрини  
ва балиқлар сокин живирин.  
Уларга бокмагин — ҳеч бир жарохат  
бизни айрилиққа этолмас дучор.

Күзларинг айблимас күз ёшлар учун,  
құлларинг санчмади бу ханжарни, йүк,  
оёғинг бу йүлни изламаганди  
дилга аччиқ шароб қуйилар бу чок.

Сермавж мұхаббатнинг саркаш тұлқини  
бизни ирғитди-ю харсанглар томон  
бир нав ундан қорди зуваламизни.

Бир ғаму ғуссага этди гирифтөр,  
бир фалакдан нур сочди бизга,  
хаста баҳор билан сийлади бизни.

\* \* \*

Мухаббатим, энди уйга қайтамиз.  
Балки чирмовуқлар етгандир томга,  
сенинг тұшагингга сен ётмай туриб,  
ёзги чошгох кириб ухлаб ётгандир.

Дунёни кездилар дайди бұсалар:  
Хаястон\* — сершира асал томчиси,  
Сарапаныб\*\* — ям-яшил кабутаргинам,  
Яңтсизи\*\*\* кун ва тун оралиғидир.

Денгиз шовқинини енгамиз энди,  
қайтамиз бир жуфт күр қүшталар каби  
олис уясига баҳоримизнинг.

Ахийри, ишқнинг хам парвози тугар:  
тошлоқ қирғоқларга қайтди умримиз,  
бизнинг үпичлар хам уйга қайтдилар.

---

\* *Хаястон* — Арманистоннинг арманча номланиши.

\*\* *Сарапаныб* — Шри-Ланканинг арабча номланиши.

\*\*\* Хитойдаги бир дарё. — *Мұхаррір*.

\* \* \*

Чакалазор, адашдиму кесиб олдим бир шохни,  
унинг сокин шивирларин лабларимга тутдим мен.  
Бу эҳтимол, йиғлоқи бир жаланинг шовуридир,  
ёки синган қўнфироқнинг, ё яра дил ноласи.

Ногахон йироклардан бир нимарса чалинар,  
теран-теран яширинган, тупрок остида қолган,  
намхуш ойлок шомлар аро, тўзгин хазонлар аро  
унини куз аллақачон ӯчирган бир сас-садо.

Чакалакзор уйқусидан лаблар тегиб уйғонган  
ёнғоқ шохи бўғриқиб, жим куйлаб юборди бехос  
ва ул шохнинг дайди иси шууримга урилди,

гўё мени излаб келмиш унут бўлган илдизлар,  
менинг олис болаликда йўқотган хур ватаним.  
Ёнғоқ шохин бўйларидан маст бўлиб тонг қотдим мен.

\* \* \*

Кўзларинг ёнмаса, шамсу қамарим,  
ё кунранг, ё кулранг бўлмаса улар,  
гар хаво бўлмаса тасарруфингда,  
агар сен қахрабо ҳафта бўлмасанг,  
  
агарки бўлмасанг заъфарон лаҳза,  
ё куз печак бўлиб ўрмалаган он,  
агарки осмонга ой унлар сепиб,  
ёпган нон бўлмасанг, хушбўй, жizzали,  
  
суйгилим, мен сени севмасман асло.  
Лаҳза, қум, ёмғирнинг хушбўй дарахти  
менинг мавжудлигим учун яралган.  
  
Кўзларим илғаган бор нимарсанни,  
гулим, сенинг билан бирга қучарман.  
Неки бовужуддир, сенда мужассам.

• • •

Мушк-анбарлар ошён қуриб ёйилган,  
намхуш қанотларин хорғин силкитиб  
қишдан омон чиққан қүшлар сайр этган  
ұша тентак дара ёдингда бор-ку.

Эсларсан Момо-Ер инъомларини:  
бу димок ёрат бүй, бу заррин тупрок,  
бефаҳм илдизлар, күм-күк майсалар,  
жодули тифи бу тиканакларнинг.

Эсларсан — құпикда қолган тош каби —  
зулумотдан, сукунатдан ва сувдан  
олиб келтирганинг дарахт шохчасин.

Бари файриоддий, бари одатий,  
бировлар кутмаган жойга кетурмиз,  
кутган нарсамизни топурмиз излаб.

\* \* \*

Даханинг сўзласин ишқ шевасидан,  
мени хароб этар баҳорсиз хаёт.  
Кайғуға мен фақат қўлларни бердим,  
гулим, менга қолдир бўсаларингни.

Тўсгин ой нурини нафасинг билан,  
сочинг билан тўсгин эшикни менга  
ва кўзимга ёшлар тўлиб уйғонай  
тушида адашган боладай гўё.

Қўлингни изларман тунги япроқдан,  
сен эса зулмат ва куч шиддати-ла  
бошоклар мавжидан ясарсан мени.

Жонгинам! Зулумот чакалаклари  
бордир тушларингда, кезармиз икков,  
нур хақда сўзларсан сен менга унда.

\* \* \*

Нур оташ бўлган эди, нон эса — дарғазаб ой,  
ёсуман юлдузларнинг сирларин оширади.  
Қақшатқич севги — бир жуфт оғатижон қўллардир  
кўзларга ором берган, қўр берган — туйфуларга.

О севги, сен юракнинг азоб, қийноқларидан  
ясад олдинг ўзингга ажойиб бир шоҳсупа.  
Рашк ва гина-кудурат қаршилигини енгиб  
толе юлдузимизни қўшдинг ва қовуштиридинг.

Жонгинам, бизларни тинч қўймас тақдири азал,  
бир кун муродимизга етказар шак-шубҳасиз,  
етказмасдан қўймагай, яшашнинг мазмуни шул.

Мен, сен ва нур — буларсиз «биз» қарор топмагайдир.  
Замин ва зулумотнинг худудидан нарида  
омон қолгайдир факат ишқнинг сўнгги шуъласи.

\* \* \*

Мұхаббат, мұхаббат, осмон минорасига  
оқсоч хотиндай булулар чиқар керилиб.  
Хар нимарса кулрангланар, юлдузга дұнар;  
кема, деңгиз ва күн — бары бир-бир йитади.

Намнинг ларzon олчаларин томоша қилғин,  
югурик бу коинотнинг ечимиға бок,  
ұтға құл сол, тутгил унинг зангор ховурин  
токи уни гул япроқлар қопламай туриб.

Хеч нарса йүк нурдан бұлак, катталик, шингил  
ва түпори шамоллар кашф этган кенгликлар,  
қўпикларнинг сўнгги сирин англашдан бошқа.

Кулга беланган фалакдан шошиб, ҳапқириб,  
булоқлар кўзини, хаво хокимиятин  
илғай олмай қолар бизнинг нигоҳларимиз.



Севмайман, севаман. Англагин, шундай.  
Хаёт севмаслик ҳам, севмоқ ҳам демак.  
Сўз бу сукунатнинг қанотларири, —  
ӯт қадрин совуқсиз англамоқ мушкул.

Севаман мен фақат севмоқлик учун,  
эришмоқлик учун қайтадан эркка,  
ӯгирамаслик учун мухаббатдан юз, —  
мана, нечун сени севмам ҳеч қачон.

Севмайман, севаман, гўё кўлимда  
тутиб турғандайман баҳтнинг қалитин  
ва дил бир балони сезаётгандай.

Севмоқ-чун кўрарман қўшалоқ умр:  
астойдил севаман севмаган дамлар,  
севаётган чоғлар чиндан севаман.



## МУШУККА ҚАСИДА

Хайвонлар даставал норасо бүлган,  
ёки думи узундан-узун,  
ёки боши кичикдан-кичик.  
Фам ейишиб бирок кун-бакун  
яратдилар ажиб бир холат:  
чиройли бүлдилар жуда ва жуда,  
қашқалари ярашиб,  
учадиган бүлдилар улар.  
Мушук эса  
ва факат мушук! —  
мағурур ва мукаммал келди дунёга,  
нозланиб юрар,  
билиб босар ҳар бир қадамин.

Балиқ ё қүш бүлмоқни исташи мумкин одам,  
қанот чиқаришни истар, масалан, илон,  
шерликни исташи мумкиндир ит хам,  
шоирликни — мухандис.  
Қалдирғоч бүлишга интилар пашша,  
пашшага тақлидни ёқтирадар шоир,  
мушук-чи, у мушук бүлгиси келар,  
ҳар қандайин мушук мушукдир факат,  
ха, мушукдир мұйловидан думига қадар,  
сергаклиқдан илдам каламушгача,  
тундан то ёнгувчи күзлари қадар  
у мушукдир.

Дунёси күрмаган бундайин холни,  
бүлмагандир бундай расолик  
нафакат Ой, гулда хам хатто,  
бошдан-оёқ мушукдир ул.  
У нукрадай, қүёш сингари  
бус-бутундир ва мукаммалдир.  
Мулайим жуссасининг  
пахмоқ күринишлари  
кема бурнидаги суратта үхшар,  
сан-сариқ күзлар  
фақат тиркиш бүлиб күринар,  
тун унга ташлайди ўз тангаларин.

О, давлатсиз митти бир хокон,  
беватан жахонгир,  
жажжи арслон,  
томлар осмонининг султони  
ёмғирли кунларда ишқ шамолларин  
чорлагувчисан,  
икки жуфт келишган оёқларингни  
бир-бир босиб юрарсан ерда,  
ишонмайгина  
ҳар нарсани хидлаб кўрарсан.  
Бунда ҳамма нарса ифлос, нотоза  
мушукнинг топ-тоза оёқлари-чун.

О, сен эмин хонаки йиртқич,  
туннинг такаббур сарқити,  
эринчоқ, чақконсан ҳам бегонасан,  
юнгинг,  
тирноқларинг қадар мушуксан.  
Махфий полицияси тураржойларнинг,  
йўқолган баҳмалнинг қолдиғи,  
жумбоқ йўқ, албатта, қилиқларингда,  
эҳтимол, сен унча сирли эмассан,  
сени ҳамма билар – сен,  
махлуксан, унчалик сирли бўлмаган,  
балки бунга ҳамма ишонар  
ва санар ўзини  
хўжайини, эгасиман деб,  
дўстиман деб мушук зотининг,  
кариндоши, шогирдиман деб...

Мен эсам – йўқ.  
Мен бунинг остига чекмасман қўлим.  
Мен мушукни билмайман.

Биламан ҳаммасин – хаёт, денгизни,  
беадад шаҳарлар, архипелаглар,  
ботаникани,  
фужбаргларнинг қуёшга йўлин,  
дунёнинг алдоқчи эҳтиросларин,  
тимсоҳнинг ғалати кийим-бошини,  
зангор атавизмин руҳонийларнинг  
ҳамда ўт ўчиргич зотин сахийлигини,  
бироқ мен мушукни англаб етмадим,  
унинг лоқайдлиги узра тойинар ақлим,  
товланади кўзлари унинг.

## МАРИС ЧАКЛАЙС

(Латвия)

### АКБАР САРОЙИ. ШОХ ШАТРАНЖ ЎЙНАР ТИРИК СИПОХЛАР БИЛАН

Ўналмоқда тирик сипохлар.  
Вожиб эрур шохнинг фармони.  
Кимдир мазах қилмоқни хоҳлар  
шохни. Лекин йўқдир имкони.

Фил лўкиллар хукмга кўра,  
ваҳимали тўранинг шахди.  
Пиёдага назорат керак —  
шундай аъло ҳозратнинг аҳди.

Ковоғини уюб ўйнар шох  
ва ишонар у бу ўйинга.  
Титраб тургач ҳар битта сипох  
ишонмасдан илож йўқ унга!

Севинчдан тош қотар малика,  
хаёлларга чўмар у бир дам:  
гўё унга тўрпалак тикар  
сипох бўлиб турган ҳар одам.

Бунда ҳар иш жиддий, бехато,  
терга ботар бошдан оёғинг.  
Бари жиддий — устингдан ҳатто  
сакраб отнинг отнинг туёғи.

Шох — енгилмас. Ҳамиша ғолиб.  
Фақат бир ўй бермайди ором:  
гўё бунда сипохлар қолиб  
ўйнатади кимдир уни ҳам.

\* \* \*

Бүрон күтарилган шахарда  
дарвозага қўнар пайғамбар қарға,  
юлқир бўғотларни бўрон дарғазаб,  
бўрон күтарилган шахарда.

Бўрон күтарилган шахарда  
бор қайиқ ясашга битта қарағай,  
бири тобуттахталикка ярагай,  
бўрон күтарилган шахарда.

Бўрон күтарилган шахарда  
латишлар ўлтириб майхонада шод  
ичар, идишларни синдираплар бот,  
бўрон күтарилган шахарда.

Бўрон күтарилган шахарда  
ким урар, ким ёкар ва ким ўчирав,  
курсига михланиб кимдир ўтирав,  
бўрон күтарилган шахарда.

Бўрон күтарилган шахарда  
одамлар ўрмони. Кутурав шамол,  
илдизларни қўпоролмас у қаттол,  
бўрон күтарилган шахарда.

• • •

Кеча, туман ва кўприкда бир соя,  
япроқлар остида сокин бир жунбуш.  
Кимнингдир девона қилғилиқлари —  
жонга тегиб кетган мангу томоша.

Хамлет хамон қийналар. Офелия —  
тўққизинчи қават, ўз хужрасида.  
Бугун юлдузларнинг дам олар куни.

Кимдир қичқиргандай бўлдими?

Хамон шу манзара давомийлиги:  
кеча, туман ва ўз қонига ташна  
кўприкда турган одам.

## ЁЛФИЗЛИК

Чолгина мактайди кантарларини  
биласизми улар күкимтири  
чолгина тұхтатар йүловчиларни  
биласизми улар оқ оппок  
чолгина зорланмас гап очар факат  
факат сүзлашгиси келади  
унинг ўзи ўз уйи  
йўқ унинг хеч қандай кантарлари хам  
хеч қачон бўлмаган

## БОҚИЙ ҚУЁШ

Кочаётиб, югурап қүёш,  
кетаётиб, сузив боради.  
Кимдир еб құяр уни,  
кимдир парчалаб йиртар.

Боқий қүёш, боқий қүёш...

Мис чақалар билан  
майдаланган зар.  
Тұғногиңч-ла плакатга  
қадаб қўйилган  
исёнкор қүёш порлар  
боқий.

Шундай яшаяпмиз:  
биrimизнинг нафасимиз совук,  
бошқамиз —  
мўйқаламни жонга ботириб,  
қўшалок қалдироқ оралиғида —  
порлаётган қүёш гумбази  
бебахо, бебахо.

Уининг бори шулдир,  
үғлинг боши узра,  
надомат узра,  
қабрининг узра,  
хазонлар узра  
исёнкор ва боқий  
порлаб туражак.

Боқий қүёш, боқий қүёш.

\* \* \*

Олу яна қаҳрабосимон,  
оғрир яна қадим оғриқлар.  
Ер дехқондан рози бегумон.  
Нечун хасрат олуни йүқлар.

Тонгдан ёруғ куннинг манглайи,  
тўқилади қаҳрабо ранглар.  
хасратлисан, нечун мунглигим,  
ширанг чак-чак томар ярангдан?

Нечун сени қийнар бу оғриқ?  
Эртан тарқар булутлар бари.  
Сен яшадинг. Ҳолбуки, бағри  
бут бўлмайди яшаганларнинг.

• • •

Шохдаги япроқдай титрайди юрак,  
қишки изтироблар қийнар бешафқат.  
Наҳот омон қолур, омонлик сұраб  
бизнинг пинжимизга кирғанлар фақат?

Кечиб туманнинг ях титроқларидан  
кузги кечаларнинг баҳридан ўтган  
наҳот омон қолур, наҳот баридан  
менинг оғушимда тин олаётган?

Шохдаги япроқдай юрак титрайди  
муқаррар хижроннинг ғамлари эзиб.  
Одам тошлар котиб алвидо айтур  
титраётган барғга құлини чүзиб.



## МУНДАРИЖА

Аҳмад Аъзам. Шеър — номаълумликка таниш ишора . . . . . 5

## ДАРДНИНГ ШАКЛИ

«Хаёт, сен шаробсан...» . . . . .	8	«Мухаббатнинг кўйлаги...» . . . . .	35
Тонгиг Регистон . . . . .	9	Тадбиркор одам . . . . .	36
Аксилфалсафа . . . . .	10	Хавотир . . . . .	37
Аксилэкология . . . . .	11	Бахорги хижрон . . . . .	38
«Одам тарошламоқ...» . . . . .	12	Манзара . . . . .	39
Хурлик . . . . .	13	«Юрак узлатнишин...» . . . . .	40
Наҳотки . . . . .	14	«Шаънингиздан ўзга...» . . . . .	41
«Сени сендан изладим...» . . . . .	15	«Бахтиёр бўлишим...» . . . . .	42
Кутаётган одам . . . . .	16	Ёзик (достон) . . . . .	43
Экологик шеър . . . . .	17	Уч битик . . . . .	50
Хотира машки . . . . .	18	Имконият . . . . .	52
«Умуман, рўй бермас...» . . . . .	19	Бахшининг севгиси . . . . .	53
«Қулларим бўм-бўш...» . . . . .	20	«Корни бирор марта...» . . . . .	55
Сулук . . . . .	21	Бежавоб дунё . . . . .	56
Арафа . . . . .	22	Ой хақида ривоят . . . . .	57
«Кимнинг жилмайшин...» . . . . .	23	«Бизлар узоқ чекиндик...» . . . . .	58
«Хиёнат қилолмас...» . . . . .	24	«Тун кечар, кун кечар...» . . . . .	59
«Вакт бизни...» . . . . .	25	«Ёлғизликни кияман...» . . . . .	60
Зерикарли шеър . . . . .	26	Илонга қасида . . . . .	61
«Бахор хеч нарсани...» . . . . .	27	Она согинчи . . . . .	62
«Сенда айб йўқ...» . . . . .	28	Ахлоқнинг пайдо бўлиши . . . . .	63
«Сиз уни кўкларга...» . . . . .	29	Дунёсима . . . . .	64
«Йиллар ўтди...» . . . . .	30	XX аср одами . . . . .	66
Кузги шеър . . . . .	31	«Менинг вазифамга...» . . . . .	67
Кузда . . . . .	32	Куз ёмғири . . . . .	68
Шаккок тош . . . . .	33	Тиниш белгилари . . . . .	69
Қўргазмахонада . . . . .	34	Байроқ . . . . .	70

## АЁЛФУ

«Мен -- минг йил...» . . . . .	72	«Ёшим дарёсида...» . . . . .	79
«Қайда яшамасин...» . . . . .	73	Оқланган олма . . . . .	80
«Аёлни эсламоқ...» . . . . .	74	Бахорни қаршилаб . . . . .	81
Армон . . . . .	75	«Энди мен кирмасман...» . . . . .	82
Тунги тилаклар . . . . .	76	«Ушбу кечам...» . . . . .	83
«Бир аёл ишқига...» . . . . .	77	Тунги юрак . . . . .	84
«Ишим шу...» . . . . .	78	«Гулларим қонаиди...» . . . . .	85

Ушшоқ . . . . .	86	«Үн бўлмаса ҳамки...» . . . . .	117
Тезлик ва ҳаракат . . . . .	87	«Кўзим, осмонларинг...» . . . . .	118
«Эримас унинг ҳам...» . . . . .	88	Рухнинг қўланкаси . . . . .	119
Юлдуз . . . . .	89	Бой одам . . . . .	121
«Орамиз булатли...» . . . . .	90	Ойбекнинг қўзлари . . . . .	122
«Кечиргиси келар...» . . . . .	91	Илон йилида ёзилган шеър . . . . .	123
Бешинчи дарвеш . . . . .	92	«Истилочи ҳарфлар...» . . . . .	124
Ёлғиз аёл . . . . .	93	«Илдиз ёяр...» . . . . .	125
«Вазифаси бор...» . . . . .	94	Сунгги оташпарат . . . . .	126
Ватанпарварлик . . . . .	95	Метаморфоза . . . . .	127
«Бизнинг эътиқодда...» . . . . .	96	Қокигул . . . . .	128
«Хокистар хок истар...» . . . . .	97	«Одамни қамаб қўйса...» . . . . .	129
Бевакт кўз очган баходир . . . . .	98	Шеърият . . . . .	130
Шонир . . . . .	99	Ижтимоий мулк тарбияси . . . . .	131
Тақриз . . . . .	100	Чистон . . . . .	132
«Эрмак учун чўзилмаган...» . . . . .	101	«Маъзур тутинг мени...» . . . . .	133
«Шайтон қинки...» . . . . .	102	Гулим . . . . .	134
Икки шеър . . . . .	103	Натюроморт . . . . .	135
Сангижумонда ёз манзаралари . . . . .	104	«Қайлардасан, менда...» . . . . .	136
Сен кетган жойда . . . . .	105	Вариациялар . . . . .	137
Эрк сабоги . . . . .	106	Тун тахайюли . . . . .	139
«Севмаган ҳаётни...» . . . . .	107	Машраб . . . . .	142
«Бир нимарса...» . . . . .	108	Олмош . . . . .	143
Адашган болалик . . . . .	109	«Майли, қаҳрингизни...» . . . . .	144
Нафрат тарбияси . . . . .	110	Қўзгу каршисида . . . . .	145
«Ниманингдир олдида...» . . . . .	111	Қиши чилласи . . . . .	146
«Эгнимизда бир кўйлак...» . . . . .	112	Таассурот иншоси . . . . .	147
«Келдигим, келмагинг...» . . . . .	113	Яхши туш кўрган одам . . . . .	148
Ҳайрат айгоқчиси . . . . .	114	«Оқартирмок учун...» . . . . .	149
Омад . . . . .	115	Аёлгу (достон) . . . . .	150
«Ўтмишнинг иссигин...» . . . . .	116	«Сочинг зулматига...» . . . . .	168
		«Бўғзимдан сирқирап...» . . . . .	169
		«Айтаринг...» . . . . .	170

## РУХУНАТ

Ҳадик . . . . .	172	«Ойлок кеча...» . . . . .	184
«Имло лугати»дай...» . . . . .	173	«Не суворий эдимки...» . . . . .	185
«Тийрамоҳ боғлари...» . . . . .	174	«Санамжон, қўзларим...» . . . . .	186
«Сен мени алдайсан...» . . . . .	175	«Ой юзидан...» . . . . .	187
«Зулхумор кечалар...» . . . . .	176	«Осмон яратганинг...» . . . . .	188
«Юрагимнинг қадоқларин...» . . . . .	177	«Дараҳтлар жанубдан...» . . . . .	189
«Мен сени тушларга...» . . . . .	178	Ҳали . . . . .	190
«Сен ўтмадинг...» . . . . .	179	«Куйганинг мен бўлдим...» . . . . .	191
«Кечирмади мени...» . . . . .	180	«Тақдир пешонангни...» . . . . .	192
Бухрон . . . . .	181	Намозшомгул (Туркум) . . . . .	193
«Бостириб келади...» . . . . .	182	«Мажрух юрагимнинг...» . . . . .	198
«Бахор келар...» . . . . .	183	«Мухаббат — қўксингга...» . . . . .	199

«Мен хам севган эдим...» .	200	Истиклол . . . . .	206
Кайфият хулосасизлиги . . .	201	Мучал ёши ( <i>достон</i> ) . . . . .	207
Хаёл . . . . .	202	Мухаббатдан сўнг . . . . .	222
Кушлар саводхонлиги . . . .	203	Излам . . . . .	224
«Келиндинг, келмадинг...» .	205	Куз ёмири . . . . .	226

## ТАРЖИМАЛАР

### *Пабло Неруда (Чили)*

«Ўсимлик, шароб ёки...» .	230	«Чакалакзор, адашдиму...» .	237
«Севгим, бўсагача...» . . .	231	«Кўзларинг ёнмаса...» . . . . .	238
«Бинафшадай тикандан...» . . . . .	232	«Мушк-анбарлар...» . . . . .	239
«Бирга кетайлик, дедим...» .	233	«Даҳанинг сўзласин...» . . . . .	240
«Ўр тошга тўқинар...» . . .	234	«Нур оташ бўлган...» . . . . .	241
«Ишқ судраб келадир...» . . .	235	«Мухаббат, мухаббат...» . . . . .	242
«Мухаббатим, энди...» . . . .	236	«Севмайман, севаман...» . . . . .	243
		Мушукка қасида . . . . .	244

### *Марис Чаклайс (Латвия)*

Акбар саройи. Шоҳ шатранж ўйнартирик сипохлар билан . . . . .	246	«Кечадуман...» . . . . .	248
«Бўрон кўтарилилган шахарда...» . . . . .	247	Ёлғизлик . . . . .	249
		Бокий күёш . . . . .	250
		«Олу яна каҳрабосимон» . . .	251
		«Шоҳдаги япроқдай...» . . .	252

**ФАХРИЁР**

**АЁЛГҮ**

*шебрлар ва достонлар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2000

Мухаррирлар: Аҳрор Аҳмедов, Барнобек Эшпўлатов  
Мусаввир: Елена Рахманина  
Бадиий мухаррир: Михаил Самойлов  
Техникавий мухаррир: Диана Габдрахманова  
Сахифаловчи: Татьяна Огай  
Мусаххихлар: Жамила Тоирова, Юлдуз Бизаатова

Теришга берилди 24.12.1999. Чоп этишга рухсат берилди  
9.02.2000. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . «Петербург» гарнитураси. Офсет бос-  
ма. Шартли босма табоги 13,44. Нашриёт-хисоб табоги 7,4. Буюртма  
№ 5020. Адади 7.000 нусха. Баҳоси шартномада келишилган.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

